

# ЗОҲИДЖОН ОБИДОВ

Шеърлар

**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1974

Обидов З.  
Танланган асарлар. Шеърлар. (Кириш сўзи Т. Тўла-  
ники). Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.  
338 б.

Шоир Зоҳиджон Обидов эллик ёшга тўлди. У ўзбек адабиётида ўз ўрни  
ва овозига эга бўлган заҳматқаш шоирлардан биридир.  
Қўлингиздаги китобга унинг қарийб чорак аср давомида яратган энг яхши  
асарларидан намуналар киритилди.

Обидов З. Избранное.

## ЧУҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАЙДИ ШОИР...

Шеърятда «Бир кун» етишмайди. Қитобхон янги шеърга кўз ташлаб ана шу «сўз»ни қидиради, «кунлардан бир кун» деган сеҳрли ибора сингари киши диққатини тортгучи, сўнгигача ўқитгучи мағизи тўқ, ҳар бир мисранда шовул мева шеърни қўлдан қўймайди. Бундай шеърлар мазали мева сингари ҳадеганда топилавермайди, ўқийсану, шираси оғзингда қолади, фикрингни очади, меҳрингни оширади, мухаббатингни тоширади, идрокингни йўнади, худди қаламдай, ҳатто чиройингни очади! Ақлли киши билан суҳбатлашгандай бўласан бундай шеърларни ўқиб ўрнингдан турганинга.

Қўлингиздаги китоб муаллифи ана шу тоифа шоирларнинг бири. Унинг устозлари шундай бўлишган, сафдошлари ҳам, у яшаётган муҳитнинг ўзи шундай шоирларни вояга етказган муҳит. Улуғ Ватан уришидан кейин пайдо бўлган бир гуруҳ шоир ва адиблар бордирки, улар ижоди ана шундай ҳурмат билан, ҳатто фахр билан тилга олишга лойиқдир. Улар адабиётимиз дарёсини дарров тўлдириб, тўлқинлатиб юбордилар, оз фурсатда улар кирмаган ирмоқ қолмади юртимизда. Ана шу ирмоқларнинг бири мана шу китоб муаллифи, мана шу қўлингизда тутганимиз шеърлар автори!

Бу шеърлар, шеърятнинг турли шакли ва ширасида қоғозга тушган мисралар юзаки қараган кишига шунчаки шеър бўлиб кўриниши мумкин. Чунки улар бугунги шеърятимизнинг камоли ва савиясидан фавқулодда фарқ қилмайдилар. Аммо шоирнинг ҳар бир шеърига у ўзи эътибор бергани сингари жиддий ва самимий қараган китобхон уларнинг қонуний туғилганликларини, замон ва давр талаби, замон ва давр овози билан ҳамнафас эканликларини, на

кунга, на замонга, на даврга ва на, ўзлари ўрнашиб турган саҳифаларига ориқча эканликларини фаҳм этасиз. Улар худди муаллифларнинг ўзлари сингари замон ва давр дастёрларидирлар, ўз мамлакатлари, ўз ватанлари хизматида камарбаста, ссоциалистик тузум ва унинг энг олий нияти — коммунистик чаман яратишда пешқадамдирлар! Шеър шоирнинг сўзи, қалбигинамас, унинг ўзи ҳамдир. У заруратдан туғилади, керагига ярайди муаллифининг, ватанининг, халқининг! Шу сабаб шоир умрининг босқичлари замон босқичлари билан бақамтидир. Уни қадрли замонининг умид-орзулари илҳомлантиради, ларзага солади! Китоби қўлингиздаги муаллифнинг устозлари шўхратини ёйган асарларга бир назар ташланг. Улар нақадар катта бадний ва сиёсий қудрат билан ёзилганлар! Уларнинг ҳар бири давлатимизнинг босқичларини кўз ўнгингизга келтирадидлар. Улар «Туркисиб йўлларида», «Вақт», «Жснтемир», «Бахтлар водиси», «Қўлингга қурол ол»...

Пушкин ҳалокатидан кейин Лермонтов тўрт йилгина яшади. Аммо ана шу тўрт йил унинг рус шеъриятидагинамас, жаҳон миқёсида номини абадийлаштирди. Ватани, халқи, замони олдидаги бурчини тенгсиз адо этди. «Демон», «Мццри», «Замонамиз қаҳрамони», «Уч ҳурмо», «Қазак алласи», «Ватан» каби рус шеърятини кўкка кўтарган асарлар ана шу тўрт йил орасида бунёд бўлдилар. Лев Толстой каби буюк адибнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясига ҳам Лермонтовнинг «Бородино» шеъри уруғ бўлди. Яхши шеър ва унинг муаллифи меъёри ана шундай шеърлар ва ана шундай устозларнинг олтин тарозуларида ўлчанади. Ана шу нуқтан назар шеърят саҳифаларини муқаддас тутади. Шохизиндага сарпойчанг кириб чиқаётган муҳожирнинг «Шоҳизиндагинамас, Самарқанднинг ўзига сарпойчанг кириш лозим экан», дегани ажабмас, Самарқанд ёки Хива, Бухоро ёки Қўқон тарихида боболаримиз қолдирган буюк обидаларнинг муқаддасликлари бежизмас, албатта. Улар мисли йўқ санъат асарларидирлар. Шеър кўп, аммо шеър кам, дейдилар устозлар. Бу — ҳақиқат. Шу сабаб мен мазкур китобга сўзбоши ёзатуриб узоқдан келдим. Юқорида айтганим тўрт йиллик маҳсул ёки тўрт шаҳар обидаси нақадар буюк. У асарлар албатта бирдан яралмаган. Улар фикрлар, туйғулар курашида майдонга келган. Замон қаҳрамонларининг замонасига деганлари! Демак, замонамиз,

давримиз санъат асарига, унинг муаллифига, ана шундай нуқтан назар билан, ана шундай талаб билан қарайдилар.

Шоир ё адиб, санъаткор ё созанда хизмати халқига ҳамиша тансиқ. Уларнинг хизматлари ҳамиша халқ нияти билан вобаста. Уларнинг ҳадялари ҳам! Қўлингизда Сиз варақлаётган китоб ана шундай шарафли ният билан бу майдонга кирган ва юқорида зикр этганимиз муқаддас ва муҳим воҳанинг соҳибларидан бири бўлиб етилаётган муаллифнинг китоби — куллиёти! Бу ватани, халқи юмушига ярай олган, уни ҳамма жабҳада — ўтда ҳам, ўланда ҳам ўтай олган, ҳатто қонини ватанининг муборак тупроғига омухта этган, шеърятда эса, ўз ўрнини камоли садоқат билан топган ва ҳақли эгаллай билган шоирнинг китоби! Унинг қалами ўзи айтганидай, замондоши кўзининг зиёси, марди майдоннинг шамшири:

Мардлар жасоратидан жўн қилич ҳам бехато,  
Чақмоқдай чақин чақиб, чирпирар ёв устида.  
Номард одам шавкатли шамшир турса ҳам ҳатто  
Шамширдан шуҳрат кетиб, ётгай оёқ остида!

Бу сатрларни муаллифнинг ўзига, унинг ижодий йўлига ҳам қўймоқ жонзидир. Унинг қаламини қиличига алмаштирган шонли онларини биламиз. Тағин ҳам яқинроқ ва аниқроқ айтсак, шоирнинг қаламидан тушаётган мисраларни ана шу шамшир дамидан кам билмаймиз. Унинг китобга кирган шеърлари бу кунни мадҳ этадилар, бу куннинг зеҳни, бу куннинг меҳри, бу куннинг муҳаббати билан жилоланадилар. «Боққа кирсам баҳор бошингда, майса унар ҳаттс тошингда, эй, булбуллар, гуллар ватани, жон Ўзбекистон» мисралари китобнинг умумлейтмотивидир! «Бир олам бисот бўлиб ётган сандиқ» саҳролар, «пўлатқайнар» шаҳарлар, «ҳар тилиги янги чиққан ойдек» полизлар, «булбулларга дарсхона бўлган Фарғона», «Чаман дoston» Наманган, кўз илғамас оқ олтин днёри бу лейтмотивнинг ёқимли тароналаридирлар.

Шоирнинг китобини варақлар экансиз, ҳаммадан аввал ўлкасининг кўркам жамолни кўрасиз, тамошо қиласиз, шундай гўзал, жаннатмакон юртингиз бор эканлигидан қувонасиз, фахр қиласиз. Бу, албатта тинч, тотув, маъмур, фарахбахш ҳаёт кечираётган мамлакат муҳитидан олинган завқли мисралар! Муаллиф агар шоир бўлмага-

нида, албатта, иқтидорли рассом бўлар эди. Рассом бўлганида ҳам, табиат рассоми бўлар эди! Улкасининг тўрт фасли, тўрт жилоси унинг ойнадай мусаффо қалбида ранг берарди.

«Ҳар фаслни яратиб такрор,  
Ҳар гал берар янгича бўёқ.  
Ўз ишидан қоникмай ҳар бор  
Маъқулми, деб беради сўроқ».

Маъқул бўлганда қандоқ! Бу наинки табиат санъатига, шоирнинг ўз санъатига ҳам ишора. Шоир ўз санъати, маҳоратидан қоникмайди, ўзи тасвир этаётган мавжудот билан мусоҳаба қилади, қаердадир голиб, қаердадир йўқ. Бу санъаткор муҳокамасида ҳамниша изланишини, интилишини, янги ифодалар учун курашини, китсб-хонга нимадир кашф этиб беришини тақозо қилади. Шеър албатта, кашф. Кашфсиз шеър китобхон қалбини фатҳ этолмайди, бинобарин, у шеър номини ҳам ололмайди. Жамиятимизда киши тарбияси, ақли гидроки, заковати тарбиясига лоақал восита бўла олиши керак шеър. Шеъринг юрадиган йўл кишилиқ ҳиссиётида ниҳоятда нозик ва жуда қудратли, масъулиятли йўлдир. Мусиқамизнинг, қолаверса театр санъатимизнинг зукко вакилларида бири Тўхтасин Жалилов тўғрисидаги бир ибратли ҳикоя ёдимга тушди шу ерда. У кишини шогирдлари Уста деб аташарди. Кейинчалик катталар ҳам шундай деб аташадиган бўлишди. У киши бир куни ўз шогирдлари билан такада экан, бир юпунгина кийинган ўтинчи мўйсафид ўтиб қопти. Шогирдлардан бири Устага «бечора ўтин сотиб тирикчилик ўтказди, қачон кўрсам белида арраю-теша» депти. Уста: «Йўқ, укам, у бечорамас. У бадбахт. Ҳамма дарахт экиб, юрт кўкартирса, у дарахт кесиб, юрт хароб қилади», депти. Бу кичкина мулоқатда бир дунё маъно бор. Юрт ўғли юрт кўкартади, юрт дардини олади, юрт баҳрини очади. Шоир ҳам шундай! Агар Сиз бу китоб муаллифининг «Қанотсизга қанот бўлмасам» деб бошлангучи сарлавҳасиз ўн беш мисрагина шеърига қулоқ берсангиз, унда шоирнинг ҳам садоқатини, ҳам маҳоратини, ҳам олижаноблигини ҳис этасиз. «Чўққилар»ида эса, унинг етук санъатинингизимас, кўзлаган катта мазгилини ҳам уқасиз.

Шоир умри, унинг халқи, ватани, партияси олдидаги шарафли қарзини яхши адо этиш билан ўтсин, деймиз.

*Туроб Тўла*

# АССАЛОМ

## ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ

Кенг пахтазор барини ўпар  
Ҳар тонг кулиб чиққанда қуёш.  
Ғайрат тўлган билакда зафар,  
Ҳамлангга тоғ қилолмас бардош,  
Эй Ўзбекистон!

Қучоғингни унутмас зинҳор,  
Меҳмон бўлиб ким келса бир қур,  
Чўлларингда яшнайти баҳор,  
Каналлардан ел эсар гур-гур,  
Эй Ўзбекистон!

Ўзумларниг меҳмонга маҳтал  
Ишқомлардан кўрсатиб чирой.  
Шакарпалак қовунинг асал,  
Ҳар тилиги янги чиққан ой,  
Эй Ўзбекистон!

Тунда тоққа чиқиб кўрганман,  
Чақнаб кетди нурдан ҳар шаҳар.  
Бекободга бориб турганман,  
Пўлат қайнар ҳар кун, ҳар саҳар,  
Эй Ўзбекистон!

Читларингда акс этар баҳор,  
Гилямнингда яшнар тўрт фасл.

Атласингда ёз жилваси бор,  
Қоракўлинг бебаҳо, асл,  
Эй Ўзбекистон!

Ёқутларинг ярақлаб чўғдек,  
Мармарларинг тонгдек товланар.  
Бисот тўлиб ётган сандуқдек  
Тоғларингда темир, кўмир, зар,  
Эй Ўзбекистон!

Меҳнатидан хазина очган  
Пахтакоринг олтин ундирар.  
Шижоати чўлга гул сочган  
Эл ғайрати доим гуркирар,  
Эй Ўзбекистон!

Бунёд бўлди янги бир одам,  
Қадам ташлар юртида дадил.  
Партия бор мададкор ҳар дам,  
Қардош халқлар яшайди аҳил,  
Эй Ўзбекистон!

*1949 йил, Наманган*



## ФОНТАН ЕНИДА

Гоҳида шафақдай, гоҳида тонгдай,  
Гоҳида гулхандай юксалар фонтан.  
Гоҳ товус патини ёзиб пайдар-пай,  
Қаршимда тургандай тус олар фонтан.

Кенг мрамар ҳовузга тўкилар дув-дув  
Сув эмас, гўёки шода-шода дур.  
Фонтандан эсади салқин ел гув-гув,  
Шўх шамол яйратар бахш этиб ҳузур.

Чаманлар яшнайти ўнгу сўлимда,  
Юзларга урилар сувнинг зарраси.  
Туркманча гиламдай чаман йўлимда,  
Қаршимда гуллардан хитой вазаси.

Эртагу дostonда орзу этилган  
Кунларнинг шоҳиди бўлолдик, эркам.  
Эртақдай ҳаётни яратган элга  
Арзийди шу ваза тўла гул тутсам.

*1953 йил, Тошкент*

## ДАРЯЛ

Кекса тоғ теппаси минг пиллапоя,  
Тирмашиб чиқамиз қояма-қоя.  
Жарликда маст туя каби шаршара —  
Кўпиклар сочади, гувиллар дара.  
Ҳам гўзал, ҳам даҳшат  
Бой бу манзара.

Кўзимни юмаман. Дарялга шайдо —  
Лермонтов қаршимда бўлади пайдо.  
Эҳтимол шу тошда ўйланиб оғир,  
Ёзгандир қилличнинг дамидай шеър.  
Қалб қатра симобдай  
Титрайди дир-дир.

Кўринар кўпикни кафан қилган қиз,  
Асир рус ишқини азиз билган қиз.  
Қулоққа келади Тамара доди,  
Дарбадар Демоннинг аччиқ фарёди.  
Терекдай жонланур  
Шоир ижоди.

Унга дилкаш бўлди тилсиз қоялар,  
Соқов шалолалар, сирли соялар.  
Харсангдан харсангга учаркан бургут,  
Чўққидан чўққига қўнаркан булут  
Эрк рамзин топди у  
Қилмасдан сукут.

Дарада сиқилган шаршарасимон  
У, даврин ларзага солди беомон.  
Ҳар сатри Дарялдек қаҳрли, кўркам,  
Шоирнинг умри бор Қазбекдай улкан.  
У кўрмас кўк мундир  
Зулмин ҳеч қачон.

Кўзимни юмаман. Дарялга шайдо  
Лермонтов қаршимда бўлади пайдо..  
Ҳар бир тош дер бунда шоир нзи бор,  
Оқ бўркли чўққилар қилиб ифтихор.  
Шоирга ҳайкалдай  
Туради қатор.

*1955 йил, август*

## ФАН ЧУҚҚИСИГА

Ёмғиру ел ялаб ўтган адирлар  
Ёлдор шер сингари ётар узоқда.  
Тагида Косонсой тинмай шалдирар,  
Сапчимоқ бўлгандек яшил қирғоққа.

Бир ёқда пахтазор кўм-кўк тўшини  
Офтобнинг тигига ростлаб ётади.  
Бир ёнда девордан эгиб бошини,  
Мевали дарахтлар қулоч отади.

Узоқда шийпонлар пешонасига  
Қизил алвон танғиб кузатиб қолар.  
Пахтазор қўйнидан дугонасига,  
Оқ йўл деб шўх қизлар ҳайқириқ солар.

Машина олдинга интилар тинмай,  
Сўқмоқ йўл ёнбошда худди аргамчи.  
Теппадан ўт пуркар қуёш пайдар-пай,  
Лола ранг юзларда тер томчи-томчи.

Санталат қарайди ҳар бир ўру жар,  
Чулдираб оқувчи ариқчаларга.  
Ортида қолади қадрдон ерлар,  
Ўқийман дея у чиқмиш сафарга.

Тим қора кўзида равшан акс этар,  
Қуёшдан ҳам порлоқ, ёрқин келажак.  
Уқиди, тунига уланди саҳар,  
Истиқбол ишқида жўш уриб юрак.

Перрондан перронга тушади йўли,  
Азамат шаҳарга қўяди қадам.  
Қўл олар нотаниш дўстларнинг қўли  
Бўлишиб қадирдон, меҳрибон, ҳамдам.

Унга кенг дарвоза ёзиб қулочин,  
Бағрига олади, дейди, олға бос.  
Мактабни битириб у худди лочин,  
Билим чўққисига қилибди парвоз.

*1955 йил, Наманган*

## БАҲОР ҒИФИРИ

Илдиз отиб чақнади чақмоқ,  
Бирдан солиб булутга шамшир.  
Қарсиллади момақалдироқ,  
Чакич босур тупроққа ёмғир.

Қайта тинчиб гулдурас шамол,  
Қамалаклар қуради ишком.  
Чор атрофга боқаман хушҳол,  
Атроф яшнаб, қилур дилни ром.

Кўнглим равшан булутдан бу чоғ,—  
Чиқармаса ҳамки офтоб бош.  
Чунки бу гал ёмғирга муштоқ  
Чеҳраларга кўчибди қуёш.

*1956 йил, май*

## РАЗЛИВ

Олов ёниб ямлайди ўтши,  
Декча тинмай биқирлар, ташар.  
Гоғ судралар эринчоқ тутун,  
Гоҳ чарх уриб қайгадир шошар.

Гоҳ ўйноқлаб, оловни кўриб  
Буғу қочар ўрмонга томон.  
Гоҳ майдондан сапчиб, югуриб  
Аллақайга яшринар қуён.

Ғарам-ғарам пичанни титар  
Сайҳонликда дайдиған шамол.  
Эрта тушган совуқ жунжитар,  
Ел тортқилар чайладан похол.

Ленин ёзар ўтириб танҳо  
Кўз олдида янги бир жаҳон.  
Қош чимириб ўйланар гоҳо,  
Садо берар янги бир замон.

Ёмон кўздан яшириб уни,  
Тўрт томонда саф чекар ўрмон.  
Муқаррардир ғалаба кунни,  
Чунки Ленин сақланди омон.

Ленин билан бутун ўлкани  
Бундаги бир сўқмоқ йўл боғлар.  
Озод этмоқ учун ўлкани  
Ленин сўнгги ҳамлага чоғлар.

Тизилади сатрлар равон,  
Ҳар жумласи бир дунё сабоқ.  
Бахт тонгини кўрсатур аён  
У кўз нурин тўккан ҳар вароқ.

\* \*

\*

Ўша ўчоқ ёнади ҳали,  
Бунда Ленин руҳи бор ҳамон.  
Ҳар қитъадан уни кўргали  
Халқ дарёси оқар шу томон.

*1956 йил, Ленинград*



## ОҚ КЕЧАЛАР, ОППОҚ КЕЧАЛАР

Тун билмас кумушдек кечалар кўрдим,  
Невада сузади учқур қайиқлар.  
Қирғоқда оқ кеча сайрида юрдим,  
Чайкалар қийқириб бир-бирин йўқлар.

Тонг каби товланар шаҳар оқшоми,  
Зангори шоҳидек ҳилпирар дарё.  
Шалола сингари келар илҳомим,  
Муҳташам қасрлар қилмиш маҳлиё.

Майдонда гуруллар каптарлар тўпи,  
Гўдаклар, кексалар дон сепар хуррам.  
Бош узра саройлар осмонни ўпиб,  
Қуббалар, гумбазлар ярқирар бирам.

Шаҳарнинг чиройи қилган каби лол,  
Ҳайкаллар тик боқар йўлда, пештоқда.  
Биз билан кезади ҳазилкаш шамол,  
Бўсани ўғирлаб ҳар бир ёноқдан.

Қаҳрамон шаҳарнинг оқ кечаси бор,  
Нурга тун бу ерда беролмас бардош,  
Невани ёқалаб кезаман бедор,  
Ҳамроҳдир ботишни истамас қуёш.

*1956 йил, Ленинград*

## УНУТИЛМАС ЙИЛ

Асрлар карвони ўтди тўхтамай,  
Замонлар замонни янчи беомон.  
Даврлар тарихин ёзиб пайдар-пай,  
Олимлар аниқлик киритар ҳамон.

Ҳали кўп сирлар бор тарихдан пинҳон,  
Ечмоқлик маҳолдир унинг жумбоғин.  
Баъзида ўтмишни қилганда баён,  
Тахминий саналар айтилура тагин.

Тарихга айланур биз кўрган замон,  
Асрлар асрни қувса муттасил.  
Аммо ҳеч хотирдан кетмагай бир он  
Элларга эрк берган УН ЕТТИНЧИ ЙИЛ.

1956

## У ҲАР ЕРДА КУТИБ ОЛАДИ

Кетар бўлсам олис ёқларга,  
Тўпланишар дўстларим дарҳол.  
Йўлга чиқар бўлган чоқларда,  
Беришади доим бир савол:

— Бу шаҳарда борми танишинг?  
Мен бор дейман қувнаб ҳар қачон.  
— У қишлоқда борми ўз кишинг?  
Мен бор дейман. Бўлишар ҳайрон.

— Шунча кездинг, шунча кўп юрдинг,  
Қанча бўлди кутиб олганлар?  
Оли-олис жойларда турдинг,  
Қанча бўлди ёдда қолганлар?

Дедим:— Битта! Якка-ягона!..  
Қайга борсам у доим тайёр.  
У бор ерда йўқдир бегона,  
У туфайли дўстларим бисёр.

Ҳар томонда эъзозлаб мени,  
У қўл чўзиб кутиб олади.  
Қайда кўрсам Улуғ Ленинни,  
У ер ватан бўлиб қолади.

*1956 йил, Ленинград*

## БОЛТИҚ

Гердайган қоялар устидан ошиб,  
Тўлқинлар кетма-кет сапчир қирғоққа.  
Чайкалар чийиллаб, қайгадир шошиб,  
Уқ каби отилар йироқ-йироққа.

Шов-шувинг ҳайбати элитар хаёл,  
Тинмайди, шиддатли тўлқинлар сафй.  
Денгизни шопирар тин олмай шамол,  
Кўзларга кўринмас паҳлавон каби.

Тўймайман қирғоқдан боқиб ҳеч қачон  
Теппангда қуёш ҳам сенга маҳлиё.  
Этаклаб олтинни тўккандай чунон,  
Заррангда шуълалар қилади жило.

Тўлқинлар тўлқинни қувар изма-из,  
Қирғоғнинг бахш этур роҳат ва ором.  
Қўпиклан, чарчамас азамат денгиз,  
Қалбимга Невадек қуйилсин илҳом.

*Ленинград, 8.Х. 1956 йил*

## ЛИЦЕЙДА

Япроқ тўкар сен севган кузак,  
Шамол учар боғларда бедор,  
Дарахт таги зарвароқ тўшак,  
Шиша рангли кўллар беғубор.

Зиналардан талпиниб чиқиб,  
Лицей аро топмадим сени.  
Акт залига кирдим ошиқиб,  
Учрамадинг қаршилаб мени.

Мен биламан: куз — илҳом чоғи,  
Парклар аро кезасан яккаш.  
Япроқ тўккан кенг Лицей боғи  
Сенга таиҳо жонажон, дилкаш.

Жавоб бермас мрамор маҳбублар,  
Сўзсиз қотмиш римлик баҳодир.  
Кўрмадик, деб бош чайқар дублар,  
Қайда қолдинг қадрдон шоир.

Аллеяда кезиб сарсари,  
Мана, топдим сени, шоприм.  
Беҳабарсан шеърим заргари,  
Ҳузурингда бош эгаман жим.

Утирасан хаёлчан, танҳо,  
Балки, бу дам жўш урар илҳом.  
Майли, халал бермайман асло,  
Майли, қилмай сени беором.

*Пушкино шаҳри, 1956 йил*

## ЧОТҚОЛ ЭТЮДЛАРИ

Қоялар мингашур қоялар узра,  
Чўққилар осмонга ўрлаб кўринар.  
Ажинли тоғ бошини унутмай спра,  
Булуллар оҳиста тож бўлиб инар.

Тўзгиган харсанглар ётар атрофда,  
Жарликлар ҳайбати айлайди афсун.  
Басавлат чўнқайган тоғлик тарафда  
Туманлар худди бир кўкимтир тутун.

Тўхтайман йўлда жар узанганида,  
Қафтимдай кўришур яқини йироқ.  
Қаршимда тоғларнинг кенг чангалида  
Бир парча атласдек товланар қишлоқ.

Баҳайбат даралар, тоғлар сукутда,  
Бош узра тушгудек қоялар жимжит.  
Этакда ям-яшил боғлар сукутда,  
Унгурда тун каби соялар жимжит.

Товланиб оқади учқунлаб Кўксув,  
Осмондан юлинган тасмадек бўлиб.  
Фақат у тин олмай солади ғулув,  
Қайгадир ошиқар тўлғониб, тўлиб.

Теграмда неки бор, бахш этиб лаззат,  
Қалбимда қўзғалмас қоядек қолди.  
Рассом мўйқалами бўлиб ҳар кўкат,  
Кўнглимга Чотқолдан лавҳалар солди.

*1956 йил, июль.*



## БУЛОҚ

Зўр чинор тагида қайнайди булоқ  
Муздай сув оқади салқин сояда.  
Таърифин қилади яқину йироқ,  
Дам олиб ўтади отлиқ, пиёда.

Дейдилар — қадимда келиб бир одам,  
Бу ерда қурибди зўрға бир қўрғон.  
Шу булоқ кўзини очиб яна ҳам  
Яратмоқ бўлибди ажойиб бўстон.

Шу булоқ сувнида ўсиб беғубор,  
Бир текис унибди қайрағоч, терак.  
Камалак ишкомлар саф чекиб қатор,  
Бир ёнда қовунлар ёзибди палак.

Дейишар, бу ишга ўтди кўп замон,  
Шу кичик рўзғордан яралди қишлоқ.  
Каналлар келса ҳам энди биз томон,  
Асло унутилмас бу азиз булоқ.

Тўш қўйиб баҳмалдай чимларга боя,  
Мен чинор тагида сув шимирган дам.  
Яна ёдга тушди ўша ҳикоя,  
Ҳам дастлаб бу ерни суғорган одам.

Эртакка муносиб бўлса у агар,  
Бу кунги халқ учун арзир минг дoston.  
Чунки биз яратиб саноқсиз шаҳар  
Чўлларни суғордик, қилолдик бўстон.

*1956 йил, июль. Наманган*

## ҚАРИМАС КҰНГИЛ

Тутқич бермай ўтиб йил, ойлар,  
Гул тўкади неча бор баҳор.  
Хатто сўлиб гулгун чиройлар,  
Оқаради сочлар худди қор.

Тутиб бўлмас йиллар барини,  
Кексаймоқлик сир эмас, аён.  
Яшартирмоқ мумкин қарини,  
Аммо кўнгил қариса ёмон.

Майли, ажин боссин чиройим,  
Юрт ишқи-ла бўлгум навқирон.  
Чунки халқ-ла ким бўлса донм,  
Қаримайди ҳеч бир, ҳеч қачон!

*1956 йил, июль*

## ТОНГ

Уйқудаги гўзал сингари,  
Ой тўлганар сув узра баъзан.  
Сабо худди тонгнинг чопари,  
Хуш ис тарар майинлик билан.

Оро берди ҳар ёнга баҳор,  
Ясанади ҳатто тоғу тош.  
Тонг ёришар, чиқар қайта бор  
Олтин найза кўтарган қуёш.

Уфқларга югурмоқда ҳал,  
Нурни тарар юксак чўққилар.  
Қушлар тинмай куйлар галма-гал,  
Гунчаларнинг чоки сўкилар.

Қўнгил худди юртим баҳори,  
Товланади ҳар ён сув, ҳаво.  
Жилва қилар ўлкам наҳори  
Қалбда қўзғаб минг куй, минг наво.

*1957, март.*

## ЖОНАЖОН ПАРТИЯГА

Бало гирдобидан кенг ўлкамизни  
Нажот қирғоғига ўтказган сенсан.  
Жаҳолат ўпқони тортганда бизни,  
Халоскор байроғни тутқазган сенсан.

Қўтир ер бағрини қашларди омоч,  
Кўз ёши сугорар эди пахтани.  
Қолардик оқ олтин бериб яланғоч,  
Қуёшли юрт эди зулмат маскани.

Занжирбанд шер каби эл асоратда  
Эрк, дея курашиб йўриғинг топди.  
Ўзбек ҳам сен берган куч, жасорат-ла  
Қўш бошли бургутнинг калласин чопди.

Чаппа айланарди замон гардиши,  
Фақат ўзинг солдинг энг тўғри изга.  
Сенгадир замону замин олқиши,  
Нурафшон кунларни кўрсатдинг бизга.

Сен замон идроки, сен ақл кўзи,  
Сен замон юраги, замон қулоғи.  
Ҳар сўзинг элларнинг йўлчи юлдузи,  
Ҳар режанг инсонга иқбол булоғи.

Сендадир доимо фикру ўйимиз,  
Бошлайвер зафардан зафарга томон.  
Сенгадир қалбимиз, порлоқ куйимиз,  
Сен борсан, тобора яшарур жаҳон.

*1958 йил*

## ҒОЛИБ ОДИМЛАР

Куррамиз устида бўлур парвона  
Москва учирган янги-янги ой.  
Юртимиз доврўгин ёйиб жаҳонга,  
Уфқлар устида кўрсатур чирой.

Фалакнинг кўксига қўл солдик дадил,  
Халқимиз азмидан кўк тилга кирди.  
Ватаним гербини қучиб сидқидил,  
Гўзал ой қўйнидан мангу жой берди.

Советлар элининг зукко идроки  
Ёўл очди юлдузлар тўла осмонга.  
Тўлин ой чодирин ташлаб ҳаттоқи,  
Сувратин тутқазди ғолиб инсонга.

Орқада қолади дастлабки қадам,  
Марсга ҳам қўл солур СОВЕТ одамн.  
Ҳаттоқи етади юлдузларга ҳам  
Шонли Октябрнинг ғолиб одими.

*1958 йил*

## ЯНА КЕЛДИНГ БАХШ АЙЛАБ ҲУЗУР

Шитир-шитир тўкилуր япроқ,  
Қувлаш ўйнар оҳиста хазон.  
Дарахтларнинг туби зарвароқ,  
Парвонадир кумуш ранг мезон.

Ерга сакраб олтин олмалар,  
Саватларга ёғилар узум.  
Анорзорлар дилга чўғ солар,  
Ҳар боққанда қамашар кўзим.

Дил қитиқлар кўзинг жилоси,  
Нашъалидир гавжум пахтазор,  
Олтин рангда кузнинг либоси,  
Тўкинликнинг ажиб шавқи бор.

Дам ўтмасдан юксалар хирмон,  
Янграр баланд «Ҳорманглар!», «Бор бўл!»  
Шошиб қолар ҳатто тарозбон,  
Пунктларда тегмас қўлга қўл.

Сўзамоллар аския тўқир,  
Қийқириққа тўлар гоҳ шийпон.  
Дастурхонга борини тўкур  
Оқ кийинган ошпазлар чаққон.



Шитир-шитир тўкилар япроқ,  
Сувда оқар олтин олмалар.  
Беш панжасин тўлдириб чаноқ,  
Оппоқ пахта узатиб қолар.

Мард кўрсатар пахтада кучин,  
Тезу тоза термоқ аҳдимиз.  
Ҳатто кўҳна Ерни ҳам букун  
Йўргаклашга етар пахтамиз.

Яна келдинг тўкин-сочин куз,  
Яна келдинг товланиб гур-гур.  
Пахтазорга боқиб тўймас кўз,  
Яна келдинг бахш айлаб ҳузур.

*1958 йил*

## КРЕМЛГА БОҚАМАН

Кремль арчаларин кафтларида кумуш қор,  
Москванинг соз қиши бу оқшом ҳам авжида.  
Қишки латофатига мафтун боқаман бедор,  
Атроф яшнар электр шуълалари мавжида.

Оқ попоқли қуббалар, Кремль кунгураси  
Қор қуюн ортидан кўкка ўрлаб кўринур.  
Беш панжасин очганча ёқут юлдуз муттасил  
Бахт нурин сочиб бошдан мен томонга талпинур.

Шу нурда қор пушти ранг бўлиб аста қуйилур,  
Шафголи гули гўё тўкилгандек бошимга.  
Совуқ асло кор қилмай, менга баҳор туюлур,  
Худди кўклам оқшоми яшнагандек қошимда.

Шохлардан оқ кабутар бўлиб тўп-тўп қор тушар,  
Кремль томон боқиб, шодликдан энтикаман.  
Бахт маскани йўлимга нурдан пояндоз тўшар,  
Қалбим тўла ҳаяжон пойтахтга кўз тикаман.

Бахтим борки, жаҳонда қалби баҳор инсонман,  
Ойга қўлни етказдинг, диллар тўла ифтихор.  
Жаҳоннинг соф идроки сен башарга виждонсан,  
Орзумизга сен қанот, сен ҳар ишда илҳомкор.

Сенга бир лаҳза боқмоқ умрга умр қўшар,  
Инсонлар орзу этган тенги йўқ бир жаҳонсан.  
Саховат нетсин кўкда, сенга боқиб дил жўшар,  
Бағринг тўла юлдузинг — сен башарий осмонсан.

*1959 йил, апрель*

## ТОНГ ОТМОҚДА

Тонг отмоқда, кумуш танли  
Зарвароқ тонг отмоқда.  
Ой ўроғи нурсизланди,  
Юлдузлар ҳам ботмоқда.

Тонг насимни парвозига  
Дарчам қанот ёзмасдан,  
Москванинг овозига  
Уйим тўлар бирпасда.

Кириб келар худди шунда  
Эшигимдан миллионлар.  
Ясов тортар кўз ўнгимда  
Бўз ердаги хирмонлар.

Хабар келар яна ТАССдан —  
«Космосда ракетамиз!»  
Бутун олам беради тан,  
Кўкни ҳам забт этамиз.

Ер ва кўкнинг нафаси бор  
Янгроқи товушингда.  
Дўст қалбига сўзинг—баҳор,  
Дош беролмас ёв сенга.

Сен сўзласанг тўлишар онг,  
Эл қувонар баробар.  
Сен урсанг бонг ёришар тонг,  
Олам бўлар мунаввар.

Тонг отмоқда, занг урмоқда  
Кремлда соатлар.  
Қуёш кўкка от сурмоқда,  
Нурдан тақиб қанотлар.

Кўзга равшан ташланмоқда  
Кремлнинг юлдузи.  
Москвадан бошланмоқда  
Қуррамизнинг кундузи.

*1960 йил.*

## ДУСТЛАРГА ТУТАМАН

Бинафша рангида товланар осмон,  
Чарақлаб нур сочар қуёш бошимда.  
Куртаклар танига сиғмасдан бу он  
Ёқасин чок этиб турар қошимда.

Танамга сиғмасдан мен ҳам бу айём  
Кенг қирлар қўйнига ураман ўзни.  
Қаршимда ёмғирга тутиб ёқут жом,  
Лолазор қаршимда қувнатар кўзни.

Саватим тўлади илк лолаларга,  
Қалбимда чалинур минг наво, минг соз.  
Дил ўхшар жўш урган шалолаларга,  
Кўкатлар ёзаркан кўм-кўк поёндоз.

Саватда яшнайти арғувон лола,  
Севаман юртимнинг навбаҳорини.  
Дўстларга тутаман армуғон лола,  
Лоламас, гулларнинг байроқдорини.

*1960 йил*

## ШОИРНИНГ ҲАДДИ

Майли, қолсин умрнинг ози,  
Майли, қўнсин сочларга ҳам оқ.  
Виждон бўлса умрдан рози,  
Яхши гапдир ҳаловат кўрмоқ.

Аммо йўқдир шоирнинг ҳадди  
Сўндирмоққа қалб ўтин бир зум.  
Гар кексалик букса ҳам қаддин,  
Дилда баҳор жўшмоғи лозим.

*1961 йил, январь*

## ЯЛТА ТОНГИ

Қушлар мени уйғотди,  
Ай -Петрига ой ботди.  
Ел эсар аста-аста,  
Денгиз ҳансирап пастда.

Сарвлар тик туриб мудрар,  
Тун ҳам чодирин судрар.  
Тонг отар аста-аста,  
Тўлғанар денгиз пастда.

Юлдузни кўз ёшидай  
Тонг артиб келар атай.  
Ёришар ҳар ён аста,  
Ялта уйғонар пастда.

Нурга йўғрилар ҳар ёқ,  
Уйғоқ чиққан ҳар чироқ.  
Кўз юмар аста-аста,  
Ҳам тоғларда, ҳам пастда.

*1961 йил, август, Ялта*



## БАҒИШЛОВ

Сурма тун сир бермай бўлади кумуш,  
Илҳом-ла дардлашиб, бедор қоламан.  
Назмга бой бериб қалбимдан улуш,  
Дил куйин қогозга тўкиб соламан.

Кўзимдан нур эмган сатрлар шунда,  
Дўстларим туюлар жонимдан азиз.  
Ҳар бир сўз айланиб худди учқунга,  
Кошкийди дилларда қолдирилса из.

Шу ўйда, шу кўйда ўтар кунларим,  
Қаламим сочимдан ўгирлар бўёқ.  
Шеър бўлиб сачраган дил учқунларин  
Бахтимдир меҳрим деб сизларга тутмоқ.

Сизни қаршилайман, юрак сатрини  
Қаламим учида мен қилиб байроқ.  
Сиз унда топурсиз юрак зарбини,  
Қалбим оқ қогоздан топишур, ўртоқ.

*1962 йил, январь*

## КҮРИНДИНГ

Ватан, сен тоғ бұлиб кўриндинг,  
Салобатнинг ўстирар кўнгил.  
Дам яшнар боғ бўлиб кўриндинг,  
Саховатинг жўштирар кўнгил.

Дам кўриндинг бўлиб бир дарё,  
Чапқоқлигим қондирмоқ учун.  
Дам қошингда этурсан шайдо  
Денгиз бўлиб, толпиниб туп-кун.

Дам сен ўрмон бўлиб кўриндинг,  
Дов-дарахтлар қаршилар қатор.  
Бошда осмон бўлиб кўриндинг,  
Ҳар юлдуз — кўз, ишқ этур изҳор.

Дам баҳорги либосинг кийиб,  
Лол этурсан наврўзи олам.  
Ёзда иссиқ меҳрингни ийиб,  
Кўринурсан, эй нурга ҳотам.

Дам олтин куз бўлиб кўриндинг,  
Ноз-неъматга мунча маъмурсан.  
Сен ризқу рўз бўлиб кўриндинг,  
Сувинг шарбат, тупроғи дурсан.

Дам кўриндинг кумуш қиш бўлиб,  
Оқ кийинган ҳамширасимон.  
Қалбим тепар ғайратга тўлиб,  
Соф ҳаволар бахш этур дармон.

Сен ишқ бўлиб қалбларга кирдинг,  
Дилда завқим урмоқда тугён.  
Кўнгишларга ҳарорат бердинг,  
Сенда шоир ҳар битта инсон!..

*1962 йил, май*

## САВОЛ БИЛАН ТАШЛАЙДИ НАЗАР

Рассом кўз-кўз қилгандай ишин,  
Деразамда турли манзара.  
Фаслларнинг жилва қилиши  
Бир-биридан сербўёқ, сара.

Дам олтин куз, дам кумуш ранг қиш  
Мнинг товланиб бўлади пайдо.  
Дам унда бор баҳорги балқиш,  
Дам атлас ёз қилади шайдо.

Табиат тинч туролмай асло,  
Ижод қилар курра айланиб.  
Унга бўёқ нур ва сув, ҳаво,  
Ишлар қишин-ёзин шайланиб.

Ҳатто тиниб-тинчимай тунда  
Кўкни безар заргар табиат.  
Мнинг турли ранг кашф этиб кунда,  
Изланади ҳар гал табиат.

Уз ишидан қилмай қаноат,  
Тоғ, денгизлар ошиб юради.  
Кечирса ҳам не сир-синоат,  
Унда илҳом жўшиб туради.

Ҳар фаслни яратиб такрор,  
Ҳар гал берар янгича бўёқ.  
Ўз ишидан қоникмай ҳар бор,  
Маъқулми деб беради сўроқ.

Чунки ўзин кўролмай олам  
Уртанарди доғу армонда.  
Ниҳоят у яратиб одам,  
Ўз чиройини кўрди инсонда.

Шунинг учун табиат ҳар дам  
Савол билан ташлайди назар.  
Қоннотда зарра бўлсам ҳам,  
Қуёш қадар қудратим сезар.

*1962 йил*

## МАНГУЛИККА ПАРВОЗ

Миллон йиллар қаърида қолган  
Аждодларнинг ниҳосидан,  
Миллиард йиллар сари йўл олган  
Авлодларнинг ибтидосиман.

Вужудимни қиздириб турар  
Аждодларнинг гупурган қони.  
Миллиардларнинг жисмида юрар  
Мерос қолиб, жўш урган қоним.

Мен фазогир бўлмадим, аммо  
Наслим парвоз этажак бардам.  
Шу қондошлар билан мен само —  
Гумбазига қўюрман қадам.

*1962 йил, май*

## ГЕОЛОГЛАР

Гулхан кули, бўш банклар қолди  
Форларнинг тош кошонасида.  
Улар номи жилвалар солди  
Қояларнинг пешонасига.

Девқомат тоғ, туби йўқ жарлик  
Қайтаролмас уларни ортга.  
Юракдаги жасорат, мардлик  
Йўллар оша тобора ортди.

Ошиб ўтиб тоғлар кифтидан,  
Юрт бойлигини излайди улар.  
Сув шимириб тошлар кафтидан,  
Юрт бойлигини кўзлайди улар.

Бўшаб рюкзак кифтда ҳар куни,  
Заҳмат чекиб озсаларки ҳам  
Уқиб тоғнинг тош китобини,  
Улар онги тўлишар ҳар дам.

Таслим бўлиб уларга ночор  
Кекса тоғлар тутар тилсимлар.  
Улар тоғсиз яшолмас зинҳор,  
Келинг, дея қоялар имлар.

*1962 йил, май*

## ГУЗАЛ ФАРҒОНАМ МЕНИНГ

Бир келсам, баҳор эди,  
Тонг кулиб боқар эди.  
Қуёш тоғдан тиф солиб,  
Булутни ёқар эди.  
Гўзал Фарғонам менинг,  
Асл дурдонам менинг.

Булбулларга дарсхона —  
Экансан, эй Фарғона.  
Ҳар гунча ёқа йиртур,  
Ҳуснингга ошиқона.  
Гўзал Фарғонам менинг,  
Гулу гулхонам менинг.

Бир келганда ёз кўрдим,  
Ҳар дарахтда ноз кўрдим.  
Тонгдай юзли қирқ кокил  
Қизлар қаддин ғоз кўрдим.  
Гўзал Фарғонам менинг,  
Қиздай жононам менинг.

Азиз мезбондай кутдинг,  
Мева деб шарбат тутдинг.  
Тўйдаги келли-куёв  
Дастурхонидан ўтдинг. ....



Саҳий Фарғонам менинг,  
Соқий Фарғонам менинг.

Ҳосил тўккан кузингда  
Кездим дала, тузингда.  
Олма-анор ранг олмиш  
Ҳар бир ўғил-қизингдан.  
Деҳқон Фарғонам менинг,  
Боғбон Фарғонам менинг.

Пешвоз чиқар хирмонлар,-  
Оқ олтинли карвонлар.  
Ҳар чаноқдан бахт топар  
Қўшиқчи қиз, жувонлар.  
Танти Фарғонам менинг,  
Меҳри парвонам менинг.

Қишинг файзи соз экан,  
Завқинг билан ёз экан.  
Ҳар гўшангда тўйхона,  
Қанча кезсам оз экан.  
Ишчан Фарғонам менинг,  
Тўю тўйхонам менинг.

Юлдузли осмонимсан,  
Туганмас дostonимсан.  
Эртакда ҳам топилмас  
Мангулик бўстонимсан.  
Завқли Фарғонам менинг,  
Шавқли Фарғонам менинг!

*1962 йил, май*

## ОРТДА ҚОЛДИ ОППОҚ МАҚБАРА

Фарғонада кезганим чоғлар,  
Мен ахтариб бордим Ҳамзани.  
Булут бўркин олиб тик тоғлар,  
Сукут сақлаб қуршади мани.

Ҳар муюшга термулдим узоқ,  
Харсангларда йўқми деб изи.  
Танбур, китоб қўлтиқлаб шу чоғ,  
Дейман, чиқиб қолмасми ўзи.

Қия кетган тоғ кўчалари  
Бошлаб кетди бураллиб ҳар ён,  
Осиб қўйган гармон сингари —  
Тиқ зиналар кўринган томон.

Ахтараман шоирни бунда,  
Лолдир оқ тап тирсақдор чинор.  
Қайга кетди бу иссиқ кунда?—  
Дея уни излайман чупон.

Неки кўрсам айладим сўроқ,  
Ҳеч қаёндан топмадим уни.  
А!— деганча улкан гор шу чоғ  
Очганича қолди оғзини.

Фақат бунда кўтарар шов-шув  
Бир ёнда оқ, бир ёнда кўк сой.  
Қовушаркан иккала шўх сув,  
Соҳилида шимирдим кўк чой.

Иккисидан сўроқлаб билсам,  
Уни истаб чопишар экан.  
Кенг шаҳарлар, далада бу дам  
Уни излаб топшар экан.

Мен ҳам кетдим жўшқин сой бўйлаб,  
Ортда қолди оппоқ мақбара.  
Эл қаршилар Ҳамзадан куйлаб,  
Пешвоз чиқар йўлда тобора.

*1962 йил*

## ҲАМЗА

Қўшиқ олиб кирди жангларга,  
Кураш бўлиб сингди онгларга.  
Юрак қўрин тўкди эл учун,  
Октябрда кулган тонгларга.

Ҳамон янграр у янгротган соз,  
Нидолари ҳануз дилнавоз.  
Узи севган қўшиқлар каби  
Умри бўлди қисқа, аммо соз.

*1962 йил*

## ТИНГЛА, ЕШЛИК

Термуласан кафтдай расмдан,  
Бир бўсага муштоқ ёшлигим.  
Шўхликларинг ҳамон эсимда,  
Юраги ўт қувноқ ёшлигим.

Олмайсан деб ёдингга гоҳо,  
Таъна билан боқасан менга.  
Унутмоқлик мумкинми асло,  
Ҳавас билан боқаман сенга.

Шунн билки, эй олтин айём,  
Чўққи сари интиласа одам,  
Пастга боқмай, олдингга мудом  
Кўз югуртиб ташлайди қадам.

Умр йўли тоғ йўли каби —  
Олға бошлар мени дамо-дам.  
Нетай, шудир ҳаёт талаби  
Юксакларга боқаман мен ҳам.

Тоғда ҳориб дам олган чоғда  
Ерга ҳавас билан боққандай,  
Ўғиррилиб сен қолган ёққа,  
Дил ўртаниб боқаман атай.

Ҳамон юксак чўққилар сари  
Интиламан қалб қўрни бериб,  
Йироқлашар ёшлик йиллари  
Масофалар ортида эриб.

Гўзал ёшлик, ошгумдир довои,  
Билмам йўлим яқинми, йироқ.  
Қўлтигимга кириб ҳар қачон,  
Ёдинг тутсин йўлимга чироқ.

Тингла, ёшлик, ошгумдир довои,  
Умрим, мени қайта йўлга сол!  
Қилиб завқу ғайрат армуғон,  
Олтин ёшлик, сен қалбимда қол!

*1962 йил*



Қўлимда олтинсоп ханжар ва соат,  
Совғага бирисин танла дедилар.  
Ханжардан юз бурдим, қилмайман тоқат,  
Бўлса ҳам гарчи у қўйма сийму зар.

Санъаткор қанчалар бермасин сайқал,  
У қон-ла безанмоқ нстар доимо.  
Шумлигини яшира олмас ҳеч қачон  
Музайян қин кийган бўлса ҳам ҳатто.

Бўлса ҳам гар олтин, бўлса ҳам гулчин,  
Ханжардан юз бурдим, қилмайман тоқат.  
Бу олтин дамларни қадрламоқ-чун,  
Темирдан бўлса ҳам тутқазинг соат!..

*1962 йил, 23 декабрь*

## КҮЗ ТУТАМАН

Мен учун азиздир бу бахмал қирғоқ,  
Ешлигим шу ерда соларди сурон.  
Уйнаркан ҳар оқшом у беркинмачоқ,  
Шу сада остига бўларди пицҳон.

Яна пойимдадир бахмалдай қирғоқ,  
Чинорлар тубидан аста ўтаман.  
Беркинган ёшлигим югуриб ногоҳ  
Чиқиб қолмасмикин деб кўз тутаман.

*1963 йил*



## ОДАМЛАР

Эй азиз одамлар, бўлмасангиз гар,  
Бу олам бўлурди ғариб, ҳузурсиз.  
Қуёш нур сочса ҳам, тўкса ҳамки зар,  
Бу олам бўлурди кўримсиз, нурсиз.

Одамзод нигоҳи — қуёшдан ҳотам,  
Инсон-ла гўзалдир дунё ва умр.  
Ҳатто у дунёга ишонган одам  
Жаннатни инсонсиз қилмас тасаввур!..

Эй азиз одамлар, азиз одамлар,  
Қалбга нур, минг ҳузур ҳар нигоҳингиз.  
Сиз борки, фараҳли ҳаёт одимлар,  
Ҳар ерда, ҳар ишда мадор руҳингиз!

*1968 йил*

## ВАТАН

Тўлқин урган денгиз бўлсаму  
Қучаверсам соҳилларингни.  
Ирмоқ отиб мисли Сир, Аму,  
Яшартирсам бўз ерларингни.

Қўз бўлсаму булоқларингга,  
Меҳринг бўлиб жўш урсам, дейман.  
Шўх сабодай қучоқларингга  
Гуллар атрин уфурсам, дейман.

Чиқиб дара, тўқайзорлардан,  
Кезсам шаҳар, қишлоқларингни.  
Бўса олиб элимдан ҳар дам,  
Ҳилпиратсам байроқларингни.

Баҳор бўлиб келсаму, кетмай,  
Ҳар куртакда балқисам дейман.  
Булбул бўлиб, қўйнинг тарк этмай,  
Ишқинг тинмай алқасам дейман.

Сўнг шон қўшиб сенинг шонингга,  
Дейман: космос аро йўл очсам.  
Тубсиз фазо кўксидан сенга  
Инжу қилиб юлдузлар сочсам.

*1963 йил*

\* \*  
\*

Қанотсизга қанот бўлмасам,  
Нажотсизга нажот бўлмасам,  
Кўрсатмасам чанқоққа булоқ,  
Бундан кўра шивалаб ўтган  
Парча булут бўлсам яхшироқ.

Ким юксалса кифтим тутмасам,  
Юрак тўла тафтим тутмасам,  
Чироқсизга бўлмасам чироқ,  
Бундан кўра тутатқи бўлган  
Милтиллаган қўр ҳам яхшироқ.

Яшаш завқини ёймасам элга,  
Меҳнат завқини солмасам дилга,  
Юрт ишқини соз этмасам ҳар чоқ,  
Бундан кўра бир лаҳза гулга  
Зеб бергувчи шабнам яхшироқ.

*1963 йил*

\* \*  
\*

Сайёд йўли машаққатли йўл,  
Тоғу тошлар бўйлаб ўтади.  
Дам фараҳли, дам бешафқат йўл  
Синов қилмоқ бўлиб кутади.

Қояларга тирмашиб дадил,  
Юксалади, ошади довон.  
Бошлар уни тинчимаган дил  
Янги-янги йўлларга томон.

Ов заҳматини ўйламас асло  
Ов этидан тотган одамлар.  
Мен унга кўз солганим асно  
Кўринур тоғ ошган одимлар.

Шоирлар ҳам шеър қасдида  
Сайёдлардек тортур машаққат.  
Кезиб ҳаёт баланд-пастиди,  
Ижод қилур бахш этиб роҳат.

Ҳар битта шеър битгунича то  
Тинчимайди шоирлар қалби.  
Тонг отгунча кўз юммай асло  
Изланади овчилар каби.

*1963 йил*

## ТАШАККУР

Шеърим битди, кўчирдим оққа,  
Завқим жўшиб ўқидим такрор.  
Хомакиси қолди бир ёқда,  
Энг сўнггиси топди эътибор.

Истамайман на шуҳрат, на шон,  
Шодман солсам бирор дилга қўр.  
Қувнасин деб бир зумга инсон,  
Кечган умрим, сенга ташаккур!..

*1963 йил*

## ДИЛНАВОЗ БАҲОР КЕЛДИ

Ҳар тонг тоғдан талпинган  
Қуёш тароватида,  
Олис-олисдан учган  
Қушларнинг қанотида,  
Елларнинг кўз илғамас  
Учқур дулдул отида  
Ҳар кўнгилга минг ҳузур  
Дилнавоз баҳор келди.

Ариқда сув тўлғонди,  
Уйғонди тоғ, шалола,  
Қир, адирга сочилди  
Елқинли ёқут лола,  
Ёмғирда бош ювур тол,  
Новдалар тола-тола,  
Минг наво, минг соз билан  
Беқиёс баҳор келди.

Осмонда бўлут бўлиб,  
Сиқиб ўтиб этагини.  
Тунда турфа туш бўлиб,  
Сўйлаб хил-хил эртагини,  
Бўрттириб ёш дилларда  
Пок муҳаббат куртагини  
Домига олиб дилни  
Сеҳри соз баҳор келди.

Куртаклар тугун очди  
Шохларда бўлиб ғужгон,  
Новдалар бўлди ларзон,  
Ғунчалар маржон-маржон,  
Қирғоқда униб майса,  
Пирпирар мисли мужгон,  
Усма тортган келиндек  
Жилвасоз баҳор келди.

Сигмас танига куртак,  
Сигмас ариққа тўлқини,  
Тор келди қалбга кўкрак,  
Дилларга тушди ёлқини,  
Далада пай пишит дер  
Еллар сийпалаб тун-кун,  
Ер бағрин босқон қилиб,  
Меҳнаткаш баҳор келди.

*1963 йил*

## ҚУШ АРҒУВОН

Езувчиларнинг Дўрмон қишлоғидаги ижодий уйида иккита катта арғувон дарахти бор. Улар сой устига қўйилган чорпояларга соя ташлаб туради. Мен ҳам шу боғда бир муддат ишлаганман. Шеъримни ана шу илҳом боғига бағишлайман.

Севгилимнинг жингалак олтин ранг мушкин сочин  
Эслатдинг бошим узра гуллаб турган арғувон.  
Муаттар ис таратиб, ёзиб улкан қулочинг,  
Айт-чи, кимларга илҳом этган эдинг армуғон.

Сен соя ташлаб турган чорпоянинг остида  
Тиним билмас ариқдай дилдан ўтар кўп хаёл.  
Уйларим тугён қилур янги шеър қасдида,  
Соҳилдаги ниҳолдай тек тураман бўлиб лол.

Тубингда ошиқлармас, қофиялар қовушган,  
Айтиб бер, не шоирлар бунда сурганкин хаёл.  
Сўйла, сенга кимларнинг ўтли нигоҳи тушган,  
Қимлар илҳом парисин кутганкин мажнун мисол.

Эҳтимол шу соҳилда ўйчан кезаркан Ойбек,  
Навойий нигоҳини кўргандир бўлиб Беҳзод.  
Эҳтимол бу соҳилда илҳоми жўшиб сойдек,  
Не-не рангин қиссалар, дostonлар қилган бунёд.



Сен ташлаган соялар хаёл бўлиб босган он  
Ҳамид Олимжон бунда юрган каби туюлди.  
Ишим бор деб оҳуда, бўлиб илҳоми вулқон,  
Ўрик оппоқ гуллаган чоқларда пайдо бўлди.

Сархуш бўлиб боқурман, дил тўлур эзгү ҳисга,  
Бошлаган шеърим қўлда ел-ла ўйнашур ҳамон.  
Шовуллаган арғувон, неларни солдинг эсга,  
Шоирлар анжуманин бунда кўрурман аён.

Айтиб бер-чи, арғувон, Уйғун билан ошнасан,  
Дил ўтини не қилиб кўчирганкин сатрга.  
Зулфиянинг созига сен ҳам мендек ташнасан,  
Назмин синин сўзлаб бер, бир-бир олиб хотирга.

Гўё шеърим баҳсига келгандек Ғафур Ғулом,  
Ҳис этаман ўзимни имтиҳон берган каби.  
Камол талаб заҳматим лаззатлидир бу айём,  
Менга муқаддас даргоҳ бу кичкинтой сой лаби.

Бунда Абдулла Қаҳҳор талабчан ота мисол  
Синовчан нигоҳ ташлар; нигоҳин ҳис этаман.  
Гулшанда бир ниҳол ҳам топмасин, дер, ҳеч завол,  
Қалбимда ғурур тошиб, яна ашъор битаман.

Шунда ҳарорат билан далда бериб кўринур  
Донишманд Мақсуд устоз кўнглин олиб ёш дўстин.  
Миртемир елкам қоқур, дил ўтидан кўзда нур,  
Салмоқлаб саралашур ёзган назмин дурустин.

Жўшиб турган қалб билан мен ҳам келдим қошингга,  
Сарабдроқ гул очган, эй муаттар арғувон,  
Сенга минг-минг ташаккур соя ташлаб бошимга,  
Эзгү ўйлар кўзғадинг, илҳом этиб армуғон.

*12 январь, 1963 йил*

## ДАРАХТЛАР ҲАМ ОДАМДЕК ТИРИК

Ҳовлида ўсади савлатдор ўрик,  
Ҳар шохи, ҳар барги кўнглимга яқин.  
Неларни эсларкин паришон ва тик,  
Ел эсса тебраниб ўй сурар тагин.

Данаги ер ёриб, кўргизди ниҳол,  
Ўрик шох чўзмиш жим, узатгандек қўл.  
Ниҳол-чи, шамолда талпиниб хушқол,  
Кўринур ёшлигим сингари нуқул.

Ниҳол бўй чўзади, улғаяр ўрик,  
Файз тўкар умрини эткариб давом.  
Дарахтлар одамдай экаллар тирик,  
Марҳумлар хотирини эслатур мудом.

Бу ўрик мен учун муқаддас мерос,  
Меваси фароғат, барги соябон.  
Дарчамдан кўриниб турар қишу ёз,  
Отамнинг ўзидай боқиб меҳрибон.

1963 йил

## СИЗГА БЎЛСИН

Тиллоланган ҳар бир япроқ  
худди қуёш парчаси,  
Тиниқликдан сувлар бўлмиш  
ернинг кўкка дарчаси.  
Шу дарчадан осмонга боқ  
ҳар ўтганда хирмонга.  
Афсун этур чарақлаган  
кенг самонинг жилваси.  
Шу дарчадан осмонга боқ,  
турна учар, ғоз учар,  
Кумуш мезон ҳар бир шохни  
айлаб сарафроз учар.  
Шу дарчадан қўлим солиб,  
ойни нондек ушатсам,  
Ҳар парчаси юлдуз бўлиб,  
ҳар ён дилнавоз учар.  
Шу дарчадан ўтиб борар  
қатор-қатор карвонлар,  
Қуёш ўпган булут каби  
акс этади хирмонлар.  
Куз нашъаси дил қитиқлар,  
ҳар тонг чиққум теримга,  
Қарши олур «Зангор кема»  
минган қизу жувоилар.  
Бункер ичи оқ пахтадан  
кўпикланган сут мисол,

Капитанлар рул бошқарар  
ойдай кўрсатиб жамол.  
Дилда илҳом жўшиб келдим,  
шаҳардан тушиб келдим.  
Ҳушим учар бунда мисли  
мезон учиргаң шамол.  
Тиллоланган ҳар бир япроқ  
худди қуёш парчаси,  
Тиниқликдан сувлар бўлмиш  
ернинг кўкка дарчаси.  
Кенг далалар, шафақ юзли  
капитан қиз-жувонлар,  
Сизга бўлсин қалбим тўла  
қўшиқларим барчаси!

*1964 йил*

\* \*  
\*

Чор атрофни тўзғитди шамол.  
Дов-дарахтлар довдираб қолди.  
Бунни кўриб булутлар хушқол  
Кўкдан боқиб қаҳқаҳа солди.  
Сўнг кулкусини зўридан булут  
Уч-тўрт томчи ёш тўкиб олди.

Хуш келмади менга ушбу ҳол,  
Чанқоқ эди ҳосилдор далам.  
Булутларни, шамол, йўлга сол  
Ва буриб кел биз ёққа илдам.  
Менга булут қаҳқаҳасимас,  
Пигиси хуш ёқади бу дам!..

*1964 йил*

## АБРОР АКАНИ ЭСЛАБ

На у жангда саркарда ва на юлдуздор лочин,  
На у олим, на шонр, ёзмади қат-қат китоб.  
На у сайёҳ, кезса гар арабу ҳинд, Чинмочин,  
На у юртнинг бошида турган бир улкан арбоб.

Аммо ҳамма-ҳаммасин этар эди муҳайё  
Аброр ога кўринса санъат кошонасида.  
Дастлаб Шопуру Қалаб бўлиб этганди шайдо,  
Муқанна салобатин ҳис этдик наърасида.

Нигоҳида замонлар нафасини сезганмиз,  
Нуроний Навоийни кўрганмиз чеҳрасида.  
Унинг билан қадимий Дониёни кезганмиз,  
Файласуф Ҳамлет киргач ўзбеклар саҳнасига.

Асрларнинг қаъридан, зулматларнинг бағридан  
Тирилтириб келтирди бу истеъдод кўпларни.  
Яғоларни қийратиб Отеллолар қаҳридан,  
Кипр оролларида гумбурлатди тўпларни.

Ғарбу Шарқ санъатини этиб ўзда мужассам,  
Аброр ога барҳаёт авлодлар санъатида,  
Ғафур, Арслон бўлиб, ижодда бўлиб ҳамдам,  
Яшар серзавқ элимнинг қайноқ муҳаббатига.

*1965 йил*

## ЛАВҲА

Кўк узра тонг товланиб аста,  
Юлдузларни артар мисли ёш.  
Тоғдан солиб тиг даста-даста,  
Заргар қуёш кўтаради бош.

Ризқ яратиб она тупроқда,  
Нақшлайди нурдан жилвалар.  
Нигоҳ солиб шаҳар, қишлоққа,  
Йўрғалатар дарё, жилғалар.

Ҳордиқ нима, билмай кун бўйи,  
Қириб борар уфққа чарчоқ.  
Хизматини ўтаган кўйи,  
Тикар ғарбга қип-қизил байроқ.

## АССАЛОМ ЯНГИ АЙЕМ

Эски йил ечмоқда коржомасини,  
Ҳалол меҳнат қилиб роса толибди.  
Зафарга тўлдириб солномасини,  
Пенсия дафтارين қўлга олибди.

Эъзозу икромга унинг ҳаққи бор,  
Бўйларга бўй қўшди ва тўйларга тўй.  
Ешга ёш қўшди-ю ва бошларга бош,  
Шаҳарга шаҳарлар ва уйларга-уй.

Не хил муаммолар қўйди у, ечдик,  
Синовлар ташлади, чиниқдик яна.  
Ёп-ёруғ юз билан истиқболга тик —  
Бормоққа ҳақлимиз дадил, мардона.

Оппоқ соқолини силаб, файз тўкиб,  
Бизга оқ йўл тилаб қолар эски йил.  
Ташаккур айтамин аста қад букиб,  
Хўшлашув чоғида хўрсиниб енгил.

У орда қолади, тенгдошлари кўп,  
Тарих китобида ўрни бор тайин.  
Навқирон йилни у етаклаб, суюб,  
Ўрнига қолдириб кетар атайин.



— Мархабо!— дегаймиз навқирон йилга,  
Бизларга эски йил васияти шу.  
Эзгу ниятларни жо қилиб дилга,  
Унинг йўлларига сочамиз ёғду.

Шодлик, қувонч бўлиб қилади ташриф,  
Қадаҳда май бўлиб қалбга ўт ёқур.  
Еру кўк ўрмон, тоғ, саҳролар ошиб,  
Янги даврон бўлиб бизларга боқур.

Ризқу рўз ўртада, нон-туз ўртада,  
Истиқбол бўлиб у кўрсатур жамол.  
— Ассалом!— дегаймиз шонли эртага,  
Она юрт бўлсин деб яна баркамол!..

*1965 йил, 31 декабрь*

## ШАЙХ ОҒА ХОТИРАСИГА

Оқ лисобли илҳомим,  
Буқун қаро кийиб кел,  
Садоқатли қаламим,  
Қўмир бўлиб куйиб кел.  
Етим қолган мисралар,  
Жуфтланмаган қофия  
Қани деса Шайхзода,  
Жавоб бергум не дея?!  
Наврўз келса сўроқлаб,  
Не дейман бошларим хам,  
Ёз изласа сўроқлаб,  
Не дейман кипригим нам.  
Ошиқларнинг тўйига  
Қайдан излаб келаман.  
Базмларнинг тўрига  
Қандай бўзлаб келаман?!  
Иўқласа деҳқон бобо,  
Қайдан бошлаб бораман.  
Ишчи деса, марҳабо,  
Қайга ташлаб бораман?!  
Тиз чўк, тиз чўкмас тиззам,  
Букил, букилмас белим!  
Элдан кетди муаззам  
Ғазалгўй чўнг муаллим.  
Марсияга кўникмас  
Қаламим эй, йиғла қон!

Синовларга бўй букмас  
Илҳомим айла тугён!  
Бўстонимдан хушнаво  
Булбулим учиб кетди,  
Ўзи қилган ишдан  
Шум ўлим чўчиб кетди.  
Ажалнинг ваҳми учсин  
Уни бермам қазога,  
Йўқ, мен уни бермайман  
Ўлим қолсин сазога!

*1967 йил*

## ЧАВАНДОЗ

Қоя узра турмишди ёлдор отда чавандоз,  
Қаршисида туну кун тўлғанар азим дарё.  
Будёновка бошида, боқур қаддин тутиб гоз,  
Қилич сермаб қўшинга худди қилгандек нидо.

Суворийлар отидай сапчиб ўтар тўлқинлар,  
Йигирманчи йиллардек кўтариб айюҳаннос.  
Ҳароратли нигоҳи дилга солиб ёлқинлар,  
Коммунизм асрига елади мис чавандоз.

*1966 йил*

## МАЙЛИ

Майли, мени синаб кўр ҳаёт,  
Бор-йўғимни айлагил барҳам.  
Қаламимни синдир, ўтга от,  
Майли, қувгил илҳомимни ҳам.

Ҳар синовга етар бардошим,  
Хор айламам оҳи-зоримни.  
Аммо, урай қайларга бошим  
Элдан олсанг эътиборимни?

*1967 йил*

## НАШИДА

Заҳматкаш одамлар бор этди бахтим,  
Қарздорман, борлигим айлай бахшида.  
Шул сабаб меҳнатни хуш кўрмоқ аҳдим,  
Шул сабаб заҳматдан топгум нашида.

Майлига, синовлар чархласин сабрим,  
Қийналиб қайралмоқ истайман атай.  
Яшасам дейман мен чекиб жанг жабрин,  
Юртига зафар бахш этган солдатдай!..

*1967 йил*

## ЖИЗЗАХ НАВРЎЗИ

Ям-яшил тик адирлар  
Ўркачига бир қаранг,  
Карнай наъра тортади,  
Сурнай жўшқин навода.  
Ногора тарақлайди,  
Чилдирмада шўх «ғиж-банг»,  
Кўйга омухта оқар  
Баҳор атри ҳавода.

Булоқларнинг бўйида  
Қиз-аёллар давраси,  
Лапарчилар бир-бирин  
Енгади қўшиқ билан.  
Гидамларда йўргалар  
Раққосалар сараси,  
Бир четда роз айтишар  
Ошиқлар маъшуқ билан.

Бунда гулгун келинлар  
Салом қилар иболи,  
Кексалар соқол силаб,  
Алқар тўкиб салобат.  
Бунда кўз-кўз қилинар  
Қуёв-келин иқболн,  
Наврўз нашидасидан  
Ҳар юракда ҳарорат.

Баҳор баҳона, бунда  
Бўйга етган шўх қизлар  
Белга қирқ кокил ташлаб,  
Нозли-нозли боқадн.  
Нингоҳ овлайди кўзлар,  
Кўнгил кўнгилни излар,  
Йигитларнинг бағрига  
Барнолар ўт ёқадн.

Чикмиш кўрикка бугун  
Барча меҳру оқибат,  
Давралардан даврага  
Кўчада кўшни оши.  
Ҳар юракда мурувват,  
Ҳар юракда тароват,  
Дилларни дилга боғлар  
Бунда наврўз тўйбоши.

Ҳатто чолу кампирлар  
Учар солиб аргимчоқ.  
Болалар ясан-тусан,  
Қувлашар чайнаб равоч.  
Ширапазлар савдоси  
Авжга мишибди бу чоқ:  
Ҳолва, пашмак, кокилдор —  
Попуклар дер, ҳамён оч!

Товланади табнат,  
Товланади мавжудот  
Димоқларни эркалар  
Ялпиз сомсалар иси.  
Жиззахда наврўз сайли  
Экан шарафли одат,  
Кўнгилларни яшнатур  
Жўш урган ёшлик ҳисси.



Бунда шундай бошланур  
Қишдан сўнг қизгин онлар,  
Янги зафарга шайлик  
Янги шон кутган айём.  
Мўмай ҳосил ўйида,  
Яшноқ баҳор тўйида —  
Ҳар чехрада чақнайди  
Наврўз бошлаган илҳом.

*1967 йил*

## ЧҰҚҚИЛАР

Охулар ўтолмас чўққилар,  
Бургутлар етолмас чўққилар,  
Булутлар ютолмас чўққилар,  
Сиз менинг фараҳли ўйларим.

Қуёшдан тож кийган чўққилар,  
Тунда ой бош қўйган чўққилар,  
Юлдузлар ёш қуйган чўққилар,  
Сиз менинг қўшиғим, куйларим.

Кундуз нур, тун жило ҳамроҳдир,  
Бошингиз зулматдан йироқдир.  
Тубингиз ҳаётбахш булоқдир,  
Сиз менинг фараҳли ўйларим.

Ундайсиз, қийинни кўзла деб,  
Заҳматдан ўз бахтинг изла деб,  
Оламга боқ ёруғ юз-ла деб,  
Илҳомкор чўққилар, қоялар.

Бўйингиз бўй қўшар бўйимга,  
Сойингиз сой қўшар куйимга.  
Сиз қанот нурланган ўйимга,  
Улуғвор чўққилар, қоялар.

Ҳашамсиз пурвиқор қоямсиз,  
Тиз чўкмас, гард юқмас ғоямсиз.  
Кифт тутган минг пиллапоямсиз,  
Эй баланд чўққилар, қоялар.

*1967 йил*

## ДАМЛАР ВА РАҚАМЛАР

Ўтган кунларим ҳам,  
Кутган кунларим ҳам,  
Юрган йўлларим ҳам —  
Ҳаммаси, ҳаммаси  
Рақамларда бўлар мужассам.  
Висолга етмоқнинг интиқ дамлари,  
Ғуссанинг судралган инжиқ дамлари,  
Дўстлар илтифоти,  
Бахил ҳамласи —  
Ҳамма, ҳаммаси,  
Рақамларда бўлар жамулжам.  
Санайман ажишлар  
Ва сочлар оқин,  
Мендан йироқлашур  
Ешлигим тагин.  
Фуркатлар ўтади  
Кўрсатиб шитоб,  
Рақамлар ўсади  
Қилиб сарҳисоб,  
Менинг барча қилмишларимни,  
Яратган олтину кумушларимни,  
Гоҳ бекор умрни кўмишларимни,—  
Ҳамма, ҳаммасини,  
Ҳаёт гаммасини  
Кўраман рақамлар машинасида.  
У менга ўкинчу

Юпанч беради.  
Гоҳ алам беради,  
Қувонч беради.  
Рақамлар тиллида  
Режа қурамап,  
Зарралар ичида  
Олам кўраман.  
Рақам-ла кўзлайман  
Биолар бўйин,  
Рақам-ла созлайман  
ГЭСларнинг куйин.  
Аниқлик киритиб хариталарга,  
Чирпириб чиқаман орбиталарга.  
Қуршайди самовот,  
Қуршайди хаёл,  
Мавжудот қўзғайди  
Минг турли савол.  
Барчасин, барчасин  
Билгим келади,  
Юлдуздан юлдузга  
Елгим келади.  
Рақамлар қуршайди  
Қувиб орқамдан,  
Бой берсам лаҳзани  
Ушлар ёқамдан.  
Ундан қутулолмас  
Қуёш зиёси,  
Олам қиёси.  
Онгимда яралиб,  
Измига олиб,  
Кифтига миндирар  
Рақам дунёси.  
Изланиб ҳар субҳу  
Ҳар шом йўлдаман.  
Йўлдаман,  
Йўлдаман,

Мудом йўлданман.  
Дорбознинг йўлига ўхшар йўлларим,  
Рақамлар компаси менинг лангарим.

*1968 йил*

## ЕР БИЛАН СУҲБАТ

— Биз дунёга келмаган чоқда,—  
Дедим,— қандай эдинг Она-ер?  
Товуш берди:— Бундай сўроққа  
Фанда жавоб, фанга қулоқ бер!

— Бизлардан сўнг бўлгуси не ҳол,  
Жавоб йўқми, айт-чи, бунга ҳам?  
— Билки, буни этгусидир ҳал  
Башар қўйган букунги қадам.

Тилга кирди Она-ер бу гал,  
Бир хўрснииб, тутақиб, ёниб.  
Ҳорғин эди товуши ҳам сал,  
Тўкаверди дардини ёриб:

— Ўз ҳолимча келдим ҳаётга  
Ва инсонни айладим бунёд.  
Сўнг қисматим шу одамзодга  
Тутқаздим мен буткул, умрбод.

Не истаса менда муҳайё,  
Истаганин олсин одамзод.  
Вайроналар этмасин пайдо,  
Бойликларим бўлмасин барбод.

Самовотда чарх уриб гир-гир,  
Кезмоқдаман букун асабий.  
Баъзилар бор, бу эмасдир сир,  
Ор қилса ҳақ нисон насаби.

Истаб бойлик, мол, дунё, ўлжа,  
Улар қўзғар қирғин, фалокат.  
Истиқболнинг қадри бир пулча,  
Ҳар қадами шумлик, ҳалокат.

Зарбалардан борлигим маним  
Зирқирайди, жароҳатлар бор.  
Қуйма пўлат эмас-ку таним,  
Атом деган қабоҳатлар бор.

Ҳарбу зарбдан вужудим яғир,  
Устун келинг, одил одамлар.  
Бу дам сизга, менга ҳам оғир,  
Сергак бўлинг, оқил одамлар!

*1968 йил*



## АЁЛ ҚЎЛЛАРИ

Баҳосин бермоққа аёл қўлларин  
Бормикин жаҳонда тенг келган қиёс.  
Танладим энг сара таърифлар барин,  
Қўринди барчаси нотавон, носоз.

Зеҳнимиз ёритди тенги йўқ ҳиммат,  
Шу қўлда етилу мурғаккина жон.  
Бу қўллар мунчалар экан пурҳикмат,  
Шу қўлда улғайиб, танидик жаҳон.

Йиқилсак, турғазиб танитди йўлни,  
Силаса, кифт узра яралди қанот.  
Қўзларга суртсак оз шу азиз қўлни,  
Шу қўлдан сафоли туюлу ҳаёт.

Шу қўллар туфайли уст-бош саришта,  
Гўшамиз сержило, диллар сарафроз;  
Шу қўллар бўлмаса, уй бефаришта,  
Кечган кун нашъасиз: норасо, носоз.

Шу қўллар яратур шавқли ҳаловат,  
Шу қўллар туфайли дастурхон тўкин,  
Шу қўллар яратур поклик, тароват,  
Шу қўллар тенг тортар машаққат юкин.

Афтода бўлмангиз ахтариб қилс,  
Лёллар қўлини тавсифлаш учун.  
Ҳар қанча мақтов ҳам ожиз ва носоз,  
Қуёшга рўбарў келгандек учқун.

*1959 йил*

## АВЖ ҚИЛСАМ ДЕЯМАН

Гул узатиб кўрк очар кўклам,  
Кўкатлардан кўрпача тўшаб.  
Жилва қилиб тонг боқар кўркам  
Атлас кийган қизларга ўхшаб.

Ким бўлмаган баҳорга ошиқ,  
Ким боқмаган тонглари суюб.  
Ким айтмаган баҳорга қўшиқ,  
Ер бағрини ағдариб қўйиб.

Кўклам каби боққим келади  
Шеърлардан гулдаста тузиб.  
Тонгдай қалбга оққим келади,  
Лоқайдларнинг тинчини бузиб.

Қўшиқларим қалбим элчиси,  
Гўзалликдан айтгум тарона.  
Жўшқин куйим завқим белгиси,  
Ҳар бир кунга мендан тўёна.

Сени жондан севаман, ҳаёт,  
Соз чертаман қўшиқчинг бўлиб,  
Куйларимга бахш этдинг қанот,  
Ҳайқиргим бор юртни тўлдириб.

Юрт шавқининг дилда мавжи бор,  
Жўшиб, жўшиб авж қилсам, дейман.  
Куйлаб туриб узилади тор,  
Куйлаб туриб узилсам, дейман.

*1959 йил*

## ЧҰҢҚИЛАРГА ЧИРМАШУР ХАЁЛ

Боргим келмас телалар томон,  
Чўққиларга чирмашур хаёл.  
Юксакларга интил деб ҳар он  
Чўққиларга чорлайди иқбол.  
Етмасам ҳам майли қояга,  
Аммо чўққи ишқи жўшса бас.  
Шунда шавқим етгай вояга,  
Ортга қайтмоқ феълимга хосмас.  
Мен биламан, чўққидан кейин  
Кўринади яна чўққилар.  
Майли, бўлсин етмаклик қийин,  
Йўқса армон дилни чўқилар.  
Майли, бўлсин йўлим серзаҳмат,  
Зориқтирган бахт менга тотли.  
Тепа узра ким чўзмас қомат,  
Уйларим бор, ўйим муродли!..

*1969 йил*

## ШУНДАНДИР

Қонимда Сайхуннинг саховати бор,  
Қалбимда Жайхуннинг жўшқин тўлқини.  
Меҳримда Оснё ҳарорати бор,  
Она юрт қуёшни сахий ёлқини.

Қўнглимда Тиёншон юсаклиги-ю  
Оппоқ пахтамининг беғуборлиги.  
Феълимда юртимнинг ипаклиги-ю  
Баҳорги сойларнинг шиддаткорлиги.

Таъбимда тонгларнинг таровати бор,  
Уйларим боғ кезган боди сабодек.  
Зеҳнимга бўстонлар, ГЭСлар ишқи ёр,  
Булбулдек ҳамиша қалбим наволик.

Дўстларсиз татимас нону насибам,  
Шундандир қудратим, қадру қимматим.  
Дастурхон тузайман юрт неъмاتي ҳам,  
Оламга аёндир олийҳимматим.

Шавқимда шу куннинг файзи, шукуҳи,  
Эртанги айёмнинг маҳобати бор.  
Шундандир авжталаб қўшигим руҳи,  
Пурҳикмат юртимнинг муҳаббати бор.

1969 йил

## КУЗ ИЛҲОМЛАРИ

Ез ўтиб, эсар майин  
Шўх қирғияк шамоли,  
Зарҳал олур кун сайин  
Жилвали юрт жамоли.  
Олтин олма, нок тўкин,  
Боғлар бол тўкар бугун,  
Кўтармоққа ўз юкин  
Етмас ишком мажоли.

Узумлар биллур бўлиб,  
Ғуж-ғуж шода дур бўлиб,  
Саватларга уйилур  
Яллиғланган қўр бўлиб.  
Беқасам тўр тарвузлар  
Семириб пушта йиртар,  
Салмоқлаб деҳқон узар  
Бир-биридан зўр билиб.

Палак ичра паналаб,  
Қовун қорин солибди,  
Таранг тўрин поралаб,  
Думсиз бўлиб қолибди.  
Аста пайкал оралаб,  
Ширинакка саралаб,  
Мени ол деб мўралаб,  
Енбош қилиб олибди.

Бир ёнда зич чаноқлар  
«Оқ олтин» кўз-кўзлайди.  
Жилваланиб, чарақлаб  
Турфа афсун кўзгайди.  
Кўсакдан уйқу қочиб,  
Ҳар оқшом кўзин очиб,  
Бағридан бисот сочиб,  
Саховатин узмайди.

Зангори кемаларнинг  
Бункери оқ шалола,  
Қўшиқ билан учар тенг  
Мезон эшиб шаббода.

Шундай соз, сернашида  
Ўзбекистон чиройи,  
Эл бахти-чун қасида  
Ҳар фасли, ҳар бир ойи.

Серзавқ, иноқ элида,  
Файрат қайнаб дилида,  
Юрт шуҳрати йўлида  
Ҳар битта жон фидойи.  
Шундайин ҳар мавсумнинг  
Соғинтирган гашти бор.  
Ҳар лаҳзанинг, ҳар зумнинг  
Таровати, шашти бор.

Файратда ҳам суръатда,  
Юрак тўла ҳимматда,  
Маррага ҳар фурсатда,  
Ким яқин, ким ошди бор.  
Бошласам куз достонин,  
Асло адо бўлмайди.  
Уркачдор тик хирмонин  
Кўрмасам дил тўлмайди.



Ҳозирча хуш қуй созлаб,  
Илҳом билан парвозлаб,  
Пахтакорни эъзозлаб  
Қайтмасам дил кўнмайди.

*1970 йил*

## ЭСИМГА СОЛДИНГ

Бир това қуймоқдай ой чиқди аста,  
Юлдузлар чақнатиб сачратқисидан.  
Қайтадан оч булут уни бирпасда  
Аждардай ямлади тоғ чўққисидан.

Шу бўлиб олтин куз учун дебоча,  
Жийдазор кундан-кун айланди чўққа.  
Қуёш ҳам турмоққа эриниб пича,  
Эртароқ ётсам дер парқу уфққа.

Шаббода тобора бўлиб безовта,  
Уфурди борлиққа намхуш ҳавони.  
Узилиб ёзнинг ҳам жони шу топда,  
Чор-ночор тарк этди еру самони.

Шохларга чирмашди эринчоқ мезон,  
Тиниқиб сувлар ҳам сирғилар чарчоқ.  
Дов-дарахт баргидан қочиб кўм-кўк қон,  
Тўкилди дилдираб хино ранг япроқ.

Ешлигим кўзимга кўринди шу он...  
Етаклаб чиқаман далага бузоқ.  
Хаёлим боғма-боғ титкилаб хазон,  
Дўстлар-ла қувлашар ахтариб ёнғоқ.

Ширинак ўйнаймиз кемтик марзада,  
Сапчалар саралаб сўлгин палакдан.  
Ҳовлидан қочамиз бўлгандек зада,  
Ҳалфана ўйнаш-чун пастқам йўлакда.

Кўзимдан кетмайди чипор чиллагим,  
Белларим толмасди опич-опичдан.  
Қўшни қиз кўрниди, пир-пир юрагим,  
Пахсанинг пинжида пинҳон ўпичдан.

Олтин куз, пеларни солдинг эсимга,  
Балконга чиқаман тор келиб уйим.  
Ешликни яратиб менинг ҳиссимда,  
Қайларга элитдинг бу телба ўйим?!

*1970 йил*

## БАХТИМ БУЛСАНГ

— Кимсан,— дея бериб савол,  
Ортга боқдим бир зумга.  
— Бахтингман,— деб жўшиб, иқбол  
Кўзин тикди кўзимга.

Хузуримда бахтим чиндан  
Турар эди юзма-юз,  
Қайга бормай, қолмай мендан,  
Юрар экан изма-из.

Дедим шунда:  
— Бахтим эрсанг,  
Олдимга туш, олдимга!  
Хуш келмайсан ортда юрсанг,  
Чўмдирсанг ҳам олтинга.

Майли, менга берма тутқич,  
Майли, ошай довонлар.  
Ўтдан ўт, де, қайтмайман ҳеч  
Тўсса тоғ-тоғ тўфонлар.

Майли — ярат ўртада чўл,  
Чанқоқ боқай мен сенга.  
Ўзим топай қошингга йўл,  
Умид боғлаб васлингга.

Майли, қўлга кирмасанг ҳам,  
Олға ундар бўлсанг бас.  
Қайтсам шафқат этма бир дам,  
Заҳматсиз бахт, бахт эмас.

Бахтим бўлсанг олдимга туш,  
Юрма зинҳор изимдан.  
Жасоратга жасорат қўш,  
Йўқса, даф бўл кўзимдан.

*1970 йил*

## НАМАНГАННИНГ ҚИЗЛАРИ

(Ҳазил)

Куз олов ёл офтобнинг  
Танобини тортганда,  
Қуёш кўрки мевага —  
Кўчиб ҳусни ортганда,  
Кўкда гурна карвони  
Ўтганида чувиллаб,  
Лайлакнинг ҳам макони  
Қолганида ҳувиллаб,  
Наманганда далалар  
Нашъасин тотганмисиз?  
Сўри тоқлар оралаб,  
Бир нигоҳ отганмисиз?  
Боққанмисиз қирқ кокил  
Қизлар узум узганда?  
Ақиқ анор, шарбат нок  
Қарвонини тузганда?  
Кўрганмисиз рул ушлаб,  
Ўзишса бир-биридан.  
Терим чоғи минг яшнаб,  
Боқишса кўз қиридан?  
Ортар экан бу айём  
Яна қизлар жамоли,  
Ақлу ҳушни этур ром  
Кўз қочириб иболи.  
Сўзлари ҳам шакардан,  
Тилларида боли бор,

Ишқ дардини тўқаркан,  
Юрагида ёли бор.  
Софдил меҳмон келган кез,  
Мезбон бўлиб кутишар,  
Пўқса, ҳовринг бос деб тез,  
Қатиқмас, сут тутишар.  
Меҳнатда, муҳаббатда  
Бирдай мард бунда ҳар қиз,  
Эҳтиёт бўл, бир марта  
Биз ҳам хом сут ичганмиз.

*1970 йил*

## ЧИНДАН ҲАМ ОНА

Одатий жўн гапмас Она-ер демоқ,  
Бу сўзда тенги йўқ меҳру маъно бор.  
Арзийди қанчалар айласак ардоқ,  
Арзийди қанчалар этсак ифтихор.

Самода қуёшга бўлиб парвона,  
Она-ер чирпираб чарх урар мудом.  
Қуррамиз ҳаётга чиндан ҳам она,  
Яшашни этмишдир бизга у инъом.

Қўйнида қанчадан-қанча жозиба,  
Бошини тутади боссак оёққа.  
Яратиб турфа хил ризқу насиба,  
Ўлсамиз олади дарҳол қучоққа.

*1970 йил*



## ҚАНОТЛАН, ҚҰШИҒИМ

Авж пардаларда янгра,  
Яна қувноқ қўшиғим.  
Қайта жўшқин жарангла.  
Завққа иноқ қўшиғим.  
Бинокорларни танла,  
Қутлаб бу чоқ қўшиғим,  
Меҳри булоқ қўшиғим,  
Ишда иноқ қўшиғим.

Сўзанадай майдонлар  
Гулшанидан парвозлан.  
Шуъладор хиёбонлар  
Жилосидан пардозлан.  
Яп-янги хомадонлар  
Тўйларида шўх созлан.  
Элга шайдо қўшиғим,  
Дилда пайдо қўшиғим.

Кўк ўпар гўшалардан  
Сайқалу салобат ол.  
Чароғон кўчалардан  
Сен меҳру малоҳат ол.  
Сеҳргар кечалардан  
Сен файзу фасоҳат ол,  
Малоҳатли қўшиғим,  
Фароғатли қўшиғим.

Товуслардай товланган  
Фонтанларга нигоҳ сол.  
Дилларда оловланган  
Қувончларга қулоқ сол.  
Дўстлиги яловланган  
Ҳар юракка тўлғоқ сол,  
Ҳароратли қўшиғим,  
Тароватли қўшиғим.

Янги оромгоҳларда  
Севги шивир-шивири.  
Ям-яшил қиргоқларда  
Жуфт соялар тасвири.  
Кезгил висолгоҳларда,  
Сенга аён ишқ сири,  
Сасдатли қўшиғим,  
Садоқатли қўшиғим.

Сўнг таъзим эт қўли гул  
Асл биннокорларга,  
Ёгдир элдан ташаккур  
Танти бунёдкорларга.  
Гурунгларда бўлгил жўр  
Дилда қўри борларга,  
Саховатли қўшиғим,  
Латофатли қўшиғим.

Қўрдинг нурафшон қишлоқ,  
Шаҳарларнинг жамолин.  
Юрт кўркига кўрк қўшмоқ  
Бўлганларнинг камолин.  
Қайдин бундайин жўшмоқ,  
Куйла илҳом замонин,  
Меҳри булоқ қўшиғим,  
Дилга иноқ қўшиғим.

*1971 йил*

## ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТ

(Армия сафига чақирилган Зафарга)

Ҳамма сиққан Тошкентимга  
Сигмасмидинг, сигардинг,  
Кетар бўлиб юзларимни  
Кўз ёши-ла суғординг.  
Бўйга етдинг, бўлдим ризо,  
Бурчни оқлаб, омон қайт.  
Бу ҳолимга кулма зинҳор,  
Келур буни пайқар пайт.  
Бола эдим сен сингари,  
Энди бўлса, отаман.  
Отам каби ортда мен ҳам  
Минг хаёлга ботаман.  
Эл олдида қарз ўтамоқ  
Виждон ва юрт даъвати,  
Жанг йўқ, аммо бахтимизга  
Кўз тикар ёв лаънати.  
Бурчни ўтаб, бошинг мағрур —  
Кўтариб қайт қошимга.  
Ризо бўлай йўлинг кутиб,  
Чеккан бу бардошимга.  
Майли, боргил, қурол олгил,  
Эл-юрт бўлсин саломат,  
Сафдошларинг омон бўлсин,  
Омон кўрмоқ саодат.

1971 йил

## ТУНГИ ЛАВҲАЛАР

Олтин бошоқ мисол тўп-тўп  
Юлдуз чиққан замони,  
Ярқираган ўроқ бўлиб  
Ой безади самони.

Ялт-юлт этиб учди юлдуз,  
Олтин ўроқ уздими.  
Битта юлдуз қолди ёлғиз,  
Бошқалари тўздими.

Туни бўйи юлдуз ўриб,  
Ой санчилди уфққа.  
Буни тоғда қуёш кўриб,  
Яйраб чиқди борлиққа.

*13.11. 1971,*

## ДАВРА ЛУТФИ

Озаверсин календарь ҳар кун,  
Ошаверсин йил ва ёш мудом.  
Дўстлар, умр боқийлик учун  
Тўлдирайлик жаранглаган жом.

Лутфий умрин тилайман сизга,  
Кекса Жамбул жўшқин завқини.  
Энг камда кирайлик юзга,  
Бой бермасдан ёшлик шавқини.

Майли, вафо қилмасин тиш ҳам,  
Аммо бутун бўлсин ризқу рўз.  
Ажин тушса ўкинманг ҳечам,  
Фаришталик бўлур яна юз,

Сочлар ўрик гулидай кўркам —  
Бўлсин майли, оқариб оппоқ.  
Кексаларнинг идроки ўктам,  
Ўктамлик-чун яшайлик узоқ.

Фарзандларнинг иқболи учун,  
Набиралар кўрайлик дея,  
Юртнинг тинчлик камоли учун  
Яна даврон сурайлик дея.

Сун қадаҳни пурҳикмат соқий,  
Уруш бўлсин тинчликка таслим.  
Пок ниятли эл умри боқий,  
Демак, боқий юртим ва наслим.

Озаверсин календарь ҳар кун,  
Ошаверсин йил ва ёш мудом.  
Дўстлар, умр боқийлик учун  
Кўтарайлик жаранглаган жом!

## ИЛҲОМГА

Қалдирғоч қанотин қоққанида кел,  
Нимпушти гуллаган чоғида ўрик.  
Булутсиз тонг кулиб боққанида кел,  
Майсалар елда рақс этганда кўрик.

Кел, тиниқ самода юлдузлар чақнаб,  
Ой олтин қайиқдай олганда хаёл.  
Кел, ишқин ошиқлар элдан сир сақлаб,  
Дарахтлар тубида топганда висол.

Илҳомим, ҳамроҳ бўл туғилганларга,  
Юракка ёғдудек кирсин нигоҳи.  
Дадил тур синов дуч келган онларда,  
Қамолга йўллайди ҳаёт сабоғи.

Ҳаёт тутавермас байрам, тўй-ҳашам,  
Ҳар битта қувончга заҳмат онадир.  
Бўстон ҳам ортиқча эмасдир ҳотам,  
Фаҳм этгил, гуллар ҳам қўлни қонатур.

Меҳнатда гуркираб иқбол топганлар  
Рухимга қаноту илҳомимга авж.  
Машаққат олдида оҳ-воҳ тортганлар  
Қалбимда қилчалик қўзғатмайди мавж.

Биздан кўп иш кутар норасо олам,  
Ечилмоқ тилаган жумбоқлар қаг-қат.  
Синолда чекинмоқ билмаган одам  
Шавқимга файз қўша олгуси фақат.

Коммуна уфқига тикканча қўзим,  
Шеърим-ла элга шавқ этайин инъом.  
Шу эрур муқаддас қасамдай сўзим,  
Шу йўлда ҳамнша ҳамроҳ бўл илҳом!

*1965—1972 йил*



## ОМАД

Омад кутиш билан ишим йўқ,  
Кўз тутмайман қовуштириб қўл.  
Кимки омад кутса ҳушим йўқ,  
Бундай эмас мен танлаган йўл.

Мен-чун омад хаёл эртаги,  
Ишёқмасга эзгу ўйдир бу.  
Бўлгим келмас хаёл эрмаги,  
Чуватолмас эс-ҳушимни у.

Заҳмат билан яралган неъмат  
Нашъасида қанча лаззат бор.  
Ризқу рўзинг бўлса беминнат,  
Қўнгил ўсар, элда иззат бор.

Тасодифан эркалаган бахт  
Қадр топмас, бешавқ, бебақо.  
Эс-ҳушингни этур маст, карахт,  
Сўнгра ундан қолмас ҳеч вақо.

Мен ўз бахтим меҳнатдан кўзлаб,  
Асов қушдек ўргатгум қўлга.  
Мен унимас, у мени излаб —  
Чиқсин токи ахтариб йўлга.

*1973 йил, январь*

## КУНЛАРИМ МЕНИНГ

Узун эди кунларим менинг,  
Кеч қилолмай бўлардим гаранг.  
Қисқа эди тунларим менинг,  
Уйғонардим эрталаб аранг.

Вужудимга сиғмас эди жон,  
Кунлар ўтса парвойим фалак.  
Тошар эди томиримда қон,  
Гурилларди ўт бўлиб юрак.

Кўринмасди умрга поён,  
Фурсат билан йўқ эди ишим.  
Энди билдим, эканман подон,  
Умр оғмиш йиққанда ҳушим.

Алдаб ўтди ёшлик эртаги,  
Оловлиги билан бўлдим маст.  
Кўринмоқда умр этаги,  
Қалбдаги ўт ўша ўт эмас.

Энди қисқа узун кунлар ҳам,  
Иш ва фурсат зиқ,  
Этур гаранг.  
Бўлди узоқ қисқа тунлар ҳам,  
Оттираман тонгларни аранг.

Узун эди кунларим менинг...

*21 сентябрь, 1973 йил*

## РУҲИМ

Руҳим, қушдай дадил қанот қоқ,  
Қоялардан қояларга уч!  
Жарликкамас, юсакларга боқ,  
Лочин каби фазоларни қуч!

Иўлларингда учраса бўрон,  
Чақин чақса ўжар табиат,  
Ортга томон қайтма ҳеч қачон,  
Бахт олдинда, олдинда фақат!

Руҳим, қўшиқ билан ошнасан,  
Сен иноқсан унга бешикдан.  
Баҳра олар қўшиқдан кўнгил,  
Қўшиқ айтиб киргил эшикдан.

Она ерни ардоқла ва ўп,  
Дарёларнинг жилосини кўргил!  
Тоғларига парвона бўлиб,  
Денгиз тўлқин урса минг ўргил!

Заҳматкаш эл очган қўриқда  
Нафас ростла, нашъасини сур!  
Тўқувчилар солган урчуқда  
Бирга-бирга айлангил гур-гур!

Сен дастгоҳлар билан гурсиллаб,  
Юрак каби уравер шахдам.  
Пайванд чоғи ялт-юлт чирсиллаб,  
Метинларни боғлагил маҳкам.

Қаватларга ташиб ғишт, бетон,  
Кранларга чирмашгил сен ҳам,  
Ошёнларга сен қўшиб ошён,  
Шаҳарларга шаҳар қўш илдам.

Урнингни топ ҳар бир жабҳадан,  
Жарроҳларга бўлгил мададкор.  
Қўзни узма ҳар бир шубҳадан,  
Ғанимларинг айёр ва ғаддор.

Эзгу ишдан бўлмагил гофил,  
Бой берганинг — туганмас армон.  
Яша, этиб виждонни кафил,  
Виждонни бил, виждонда дармон!

*1973 йил, январь*

## ОЧАЙ КҰНГИЛ ДАФТАРИН

### ИШОН

Хумор кўзинг айламиш шайдо,  
Мен сенга мафтун.  
Хаёлимда бўласан пайдо  
Ва оқарар тун.  
Сен ҳам бўлиб мендек бетоқат  
Кутдингми висол?  
Ҳижронингга йўқ асло тоқат,  
Эй бўсаси бол!  
Олма, маккор одам берса гул,  
Қувгил ўзгани.  
Гул истасанг, сенгадир буткул  
Кўнглим гулшани,

*1947 йил, январь*

## ОСМОН ТҮЛА ЮЛДУЗЛАР

Кечалар юлдуз санаб,  
Юлдуз кўзингга зорман.  
(Халқ ашулаларидан).

Мендек уйғоқ осмон тўла  
Жилва қилган юлдузлар.  
Дилга улар бермас шуъла,  
Ёндиргач қора кўзлар.

Ёрим кўзи ёндирса ҳам,  
Жилва қилмас қошимда.  
Келаман, деб, сўз берса ҳам  
Тезроқ келмас қошимга.

Билса бўлур осмон сирин,  
Қиз дарди тез билинмас.  
Яхшиҳамки, умид ширин,  
Дил анордек тилинмас.

Таскин бермас маржон-маржон,  
Узоқдаги юлдузлар  
Кутдирмаса нетар ҳамон,  
Юлдуздан яқин кўзлар.

*1953 йил, Тошкент*

## ИҶУЛИМДА ТУРАРСАН ОҚ ҚАЙИНДАЙИН

Паровоз ҳайқирар, пуркар иссиқ пар,  
Манзилга интилар пишқириб, шошиб.  
Узоқдан тоғлар ҳам кузатиб қолар  
Бораман ўрмонлар, дарёлар ошиб.

Чекинар уфқлар, елар паровоз,  
Ўйларим ундан ҳам учеди жадал.  
Йўлларга боқаман асло юммай кўз,  
Хаёлим сен билан, жоним Гуласал.

Эсимда, ой бориб, омон келинг деб,  
Соч учин ҳимариб назар солганинг.  
Қалдирғоч қаноти — қошингни кериб,  
Йўлимда термулиб маъюс қолганинг.

Машқ қилиб Узоқ Шарқ ўрмонларида,  
Эсладим қоматинг кўрсам оқ қайин.  
Боқардим кун ботиш томонларинга,  
Ўзингдек уфқлар қизарган сайин.

Тонгдек оқ қоғозга қалбинг эритиб,  
Сен ёзган хатларинг бўлди мададкор.  
Бурчимни оқладим мен аъло этиб,  
Колхозда ўрнимни босолган дилдор.

Йўлларда симиғоч саф тортиб қатор,  
Бир-бирин тутмоқчи бўлиб уринар.  
Дил канал бўйларин қилади хумор,  
Қадрдон мажнунтол қачон кўринар.

Чекинар уфқлар, елар паровоз,  
Кўзларим нигорон дам ўтган сайин. •  
Қалб қуши сен томон қилмоқда парвоз,  
Йўлимга чиқиб тур оқ қайиндайин.

*1954 йил, август, Тошкент*



## МЕН ҰЗИМ ЧАНҚОҚ

Менга ҳайрон боқади мироб,  
Қайта келсам тўғон бошига.  
Пахтам сувга бўлса ҳам сероб,  
Айланаман уннинг қошида.

У билмайди дардимни мутлоқ,  
Чиқса дейман севгилим сувга.  
Пахтам эмас, мен ўзим чанқоқ  
Чақнаб турган кўзи оҳуга.

*1956 йил*

## БОЛАЛИК ЧОГИНИ ҚҰМСАЙДИ ДИЛЛАР

Икки кўз сингари қўшнимиз ҳамон,  
Эшигинг ёнма-ён эшигимизга.  
Ажралмас дўст эдик, эдик жонажон,  
Энди ошиқдирмиз бир-биримизга.

Жамалак сочларинг ёдимда ҳали,  
Кун бўйи ўйнардик биз беркинмачоқ.  
Яширинсам доимо истаб топгали  
Югуриб-елардинг, бўлардинг муштоқ.

Мана, йиллар ўтди, гўдаклик йиллар,  
Этагинг ўпади ҳалқа-ҳалқа соч.  
Болалик чоғини қўмсайди диллар,  
Ошкора мен сенга ёзолмам қулоч.

Хилватда ўтади висол кунлари,  
Тортиниб юрамиз энди чор-ночор.  
Сочингдек тўлганур бўлдим тунлари,  
Не қилай, дедилар: тўйга фурсат бор!

Сувдаги олмадек қалқир кўкрагинг,  
Оҳ уриб гар бўлсанг менга сен муштоқ.  
Болалик соз эди, ўртар бўлди тенг  
Катталар чиқарган бу «беркинмачоқ».

*1956, август.*

## ТОҒ ҚИЗИ

Палатка қолади сой ёқасида,  
Йўлимда дуч келар ҳар тонг бир барно.  
Термилиб қоламан қиз орқасидан,  
Қўзасин кўтариб югурар танҳо.  
Ортида қоламан,  
У боқмас қиё.

Бир чўпон ишқи шу қаламқош қизнинг  
Қалбига чинордек отганмиш томир.  
Мулойим боқса ҳам, қалби тош қизнинг  
Ўзгага жавоби Чотқолдай оғир.  
Қўзлари дейдики,  
Ёрим бор, кечир...

Қуёш ботиб борар, қиз дўнгга чиқар,  
Лола ранг кўйлаги чўғ бўлиб ёнур.  
Этагин тортқилаб еллар энтикар,  
Бир тутам белнга сочлар чулғанур.  
Қалб тутқун балиқдай  
Тинмай тўлғанур.

Лаб узра қора хол латиф нақадар,  
Шафақдай қизарар кулгичли юзи.  
Сурма ранг кипригин тоғларга қадар,  
Жовдираб туради тин қора кўзи.

Бу кўзлар чўпоннинг  
Йўлчи юлдузи.

Кетсам ҳам, кўзимдан кетмас тоғ қизи,  
Кўринур у билан дуч келган чоғлар.  
Хотирда яшнайди унинг гул юзи,  
Жонланур унга сув тутган булоқлар.  
Кўринур ёрига  
Содиқ дудоқлар.

*1956, июль, Бурчмулла*

## ТАҚДИРИМИЗ БИР

Тақдиримиз қошингдай туташ,  
Садоқатинг ҳуснингга ҳусн.  
Туғилганмиз эй меҳри оташ,  
Вафо боғин гуллатмоқ учун.

Шу сабабдан қалбим тилсимин  
Очолмади ўзгалар зинҳор.  
Сендек танҳо дилбар бормикин,  
Таслим этдинг мағрур дилни, ёр!

Майли, қайтиб бермагил дилбар  
Севгинг олган дил ҳаловатин.  
Сенинг ишқинг менга мўътабар,  
Энди сенсиз йўқдир роҳатим!

*1957 йил, январь,*

Эл севи́нар келди деб баҳор,  
Қалдирғочлар қайтса биз ёққа.  
Мен қишда ҳам қувнайман ҳар бор,  
Қалдирғоч қош, сен келган чоқда.

Келар бўлсанг, қувончга, нурга —  
Уйим тўлар, севгим шунчалар.  
Ҳар сўзингдан айланур гулга  
Дилда ишқдан унган ғунчалар.

Сендан зарра тополмам нуқсон,  
Сен мен учун гўзал, оқила.  
Сенга боқсин ким қилса гумон,  
Менинг меҳрим, кўзларим ила.

*1957 йил.*

## ИШҚНИНГ КИТОБИ

— Топилурми ишқнинг китоби,  
Борми унинг тарихи асло?  
— Укам, мушкул бунинг жавоби,  
Ҳеч ким қўймас бундай муаммо.

Ёзган билан тугамас мудом,  
Қилиб бўлмас ошиқни ҳисоб.  
Билсанг, ҳар бир яралган одам  
Ишқ йўлида янги бир китоб.

*1958 йил*

## СОҲИЛГА ЧИҚ

Соҳилга чиқ, ой чиқур  
Сарв устидан мўралаб.  
Сайр этайлик, бирга юр,  
Пальмазорлар оралаб.

Азим чинор остида  
Интизорман, интизор.  
Қалбим ишқинг дастида,  
Қилма тун файзин бекор.

Дерлар: гўзалдир соҳил,  
Нашъалидир хиёбон.  
Ой ювмоқда заркокил,  
Юргил денгизга томон.

Сенсиз татимас зинҳор,  
На тотли тун, на бу боғ.  
Сенсиз татимас, дилдор,  
Куй ва нурга ғарқ қирғоқ.

Дилга ҳузур олиб кел,  
Бўлсин яна олам соз.  
Ер-кўкка файз солиб кел,  
Кўнгил тилар ишқу роз.



Сен билан гўзал олам,  
Кўргил тоғ узра ойни.  
Ушлаб ўтирма, эркам,  
Ер-кўкдаги чиройни.

*1961 йил, июнь. Ялта*

## БИРГА ЧОГЛАН

Қайтсам ҳамки Шоҳимардондан,  
Кўз олдимдан кетмас икки сой.  
Ҳар тўлқиннинг бўйни маржонда,  
Шўхлигин тарк этмас икки сой.

Бири сутдай, бириси зилол,  
Тўсиқларни янчиб келишар.  
Бунда топиб иккиси висол,  
Олисларга сафар қилишар.

Ажратолмас уларни зинҳор  
Қулаб тушган азим қоялар.  
Тўсиқлардан тенг ошиб ҳар бор,  
Донм улар олға йўл олар.

Шу сойларнинг йўлига ўхшар  
Чин ҳаётнинг йўллари, билсанг.  
Бирга чоғлан, мени севиб гар  
Чин меҳнатга дош берар бўлсанг.

*1961 йил, 3 июнь*

## БАҒРИНГГА БОС

Гулни ишқнинг рамзи дейди эл,  
Бу нақлда қанча ҳикмат бор.  
Келтирганим гул эмас, кўнгил,  
Сенга инъом этаман, дилдор.

Бағрингга бос, бағрингда сўлиб,  
Ҳуснин берсин гул чиройингга.  
Ҳатто умрим умрингга қўш деб,  
Япроқ тўксин азиз пойингга.

*8 март, 1962 йил*

## ИЛК МУҲАББАТ

Илк муҳаббат бир гирдоб бўлиб,  
Қайтиб келмас йилларда қолди.  
Бевафо ёр бир сароб бўлиб,  
Ёшлик ўтган йўлларда қолди.

Қалб бамисли дарёи уммон,  
Йироқлашар ёр ҳубоб бўлиб.  
Уртаса-да ҳижрони ҳамон,  
Ишқи қолди бир рубоб бўлиб.

*1962, апрель*

### ТИНГЛА, ГҮЗАЛ!

Ғазалга куй тушса мос,  
Қўшиқ бўлиб яралур.  
Ҳар ерда тоғиб эъзоз,  
Донғи элга таралур.

Қуйи эсланса қачон,  
Ғазали доим тилда.  
Шеъри ёдга тушган он  
Оҳанги пайдо дилда.

Сен майинсан куй мисол,  
Мен сенга муштоқ ғазал.  
Иккимиз тоғиб висол,  
Қўшиқдай бўлиб хушҳол,  
Умр кўрайлик, гўзал.

*1962, апрель.*

## ҚИЕСИНГ

Сумбулга сочингни қилайми қиёс?  
Бу ташбиҳ кўнглимга келтирур малол.  
Сумбуллар сувдаги кўкатдир, холос,  
Бу мушкин зулфингга ўхшамас мисқол!

Оҳу кўз дейинми кўзларингни ё?  
Нигоҳинг шавқини бергайми бу сўз.  
Кўзингда акс этур ишқ, ишва, ҳаё,  
Шуларни билурми-оҳудаги кўз?!

Ҳуснингни тўлн ой десам на бўлур,  
Чиройинг мақташга бу сўз мосмикан?  
Ой юзинг ёритмиш қуёш сочган нур,  
Билсам, у кўкдаги ҳиссиз тош экан...

Қоматинг деймикан сарв ёки шамшод?  
Бу сўзни шоирлар севмиш азалдан.  
Булар бир ўтни деб, дил тепиб ношод,  
Бу гаплар қолган дер кўҳна ғазалдан.

Ўхшашинг топмаднм ердан, самодан,  
Қиёсинг қилмоққа қашшоқдир олам.  
Сен ўзинг бир олам, ўйлаб дамо-дам,  
Дедимки, жамнки мавжудотдан ҳам  
Юксакдир, юксакдир, юксакдир одам!

*1962 йил*

## СЕВГИ ТУРТЛИКЛАРИ

### ҚАНДАЙ КЕТАЙ

Қўлимдан ноғиҳон лат едим, нетай,  
Ҳамшира парвона мен келган чоқдан.  
Қўл шифо топса ҳам, мен қандай кетай,  
Бу кўзлар дармонни олса оёқдан.

*1961 йил, апрель*

### ТАНҚИДЧИГА

Ҳижронни ёзма дер танқидчим нуқул,  
Бундай ҳол тамоман эмиш бизга ёт.  
Майлига, бу ҳақда ёзмайин буткул,  
Сен аввал ҳаётдан ҳижронни йўқот!

*1963 йил, май*

## ХАЕЛМИДИ, БОЛМИДИ...

Иўлнинг поёни йўқдай...  
Қуёш олов қуяди.  
Тошлар ёнади чўғдай,  
Оёқ боссанг қуяди.

Ана бахмалдай қишлоқ,  
Бир тош келмас гар борсанг.  
Ҳолдан тойдим ошиб тоғ,  
Қоя қучиб, гоҳ харсанг.

Кийикдай ўйнаб бир қиз,  
Енимдан учиб ўтди.  
Ҳатлаб тошдан тошга тез,  
Укпардек кўчиб ўтди.

— Қўзангда сув борми, айт,  
Бир қултумин эҳсон эт!  
— Қерак бўлса, ортга қайт,  
Юраги куйган йигит!..

Ортимга қайтдим дарҳол,  
Қўза тутган қиз кутар.  
Қомати худди ниҳол,  
Киприги жондан ўтар.



Сув шимириб кўз узмай,  
Кузатаман шўх қизни.  
Кўрмагандим ҳеч бундай  
Гул юз, лаби қирмизни.

Кўрганим хаёлмиди,  
Зумда кўздан йўқолди.  
Кўзадаги болмиди,  
Бағримга оташ солди.

Ҳар гал ошар бўлсам тоғ,  
Ўтаман нигоҳ ташлаб.  
Нетай, у босиб чанқоқ,  
Қилганди қалбим ташна.

*1963 йил*

## БИЛАРМИҚИН

Қалбим бўлсин майли сиёҳдон,  
Ишқим перо бўлиб чўқисин.  
Қалб қонидан томган сиёҳдан  
Ғазал унсин, ёрим ўқисин.

Шеър шаҳид қонига тенг деб,  
Айтмаганлар бекордан, бекор.  
Минг бор ўлиб, минг бор тирилиб,  
Шеър ёзганим билармикан, ёр?

*1966 йил.*

## МУҲТОЖЛИК

Менга тоғ тўнтариб келгил демайман,  
Кел фақат висолинг этганида зор.  
Юзланса юз жафо даф қил демайман,  
Сен бўлсанг ҳар қандай мушкул ҳам бекор.

Тўк демам бошимдан лак-лак симу зар,  
Олтину кумушни хушламам мутлоқ.  
Севсангу мушкулим енгмоқ бўлсанг гар,  
Энг огир дамларда менга кулиб боқ,  
Мен шунга муштоқ.

*1966 йил*

## ИЎҚ, СЕН АЙТГАН ҚУШМАСМАН

Иўқ, сен айтган қушмасман,  
Иўқ, сен айтган қушмасман.  
Ҳар имоннинг домига  
Қанот қоқиб тушмасман.

Эрмак учун қўлингга  
Туширсанг сайрамайман.  
Рози бўлгум ўлимга,  
Минг ялвор, яйрамайман.

Менда ғурур, номус бор,  
Қўлдан-қўлга ўтмайман.  
Билмасдан бўлма хуштор,  
Ранжисанг овутмайман.

Иўқ, сен айтган қушмасман,  
Иўқ, сен айтган қушмасман.  
Қисматимни арзимас  
Қушлар билан қўшмасман.

Оҳ-воҳлар этмас афсун,  
Хушомадга ҳушим йўқ,  
Эсим оғдирмас ҳусн,  
Таннозлар-ла ншим йўқ.

Қўзларим тиндиrolмас  
На доврўғу, на давлат.  
Измига индиrolмас  
На мансабу, на савлат.

Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Йўқ, сен айтган қушмасман.  
Кўнгил бериб тушдимми,  
Қайтиб яна учмасман.

Тирик бўлсам севгисин  
Асрагайман жонимда.  
Ўлсам агар, севгисин  
Кетгай устихонимда.

Ишқимни айлаб ардоғ,  
Минг кулфатдан ўтаман.  
Меҳримни айлаб чароғ,  
Минг зулматдан ўтаман.

Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Йўқ, сен айтган қушмасман.  
Шўхликларим бор аммо,  
Дил хушига ўчмасман.

*1967 йил*

## ҚАЛБИМ МЕНИНГ

Қўнглим мағрур сорбургут эди,  
Юксакларда эди парвози.  
Синовларда мисли ўт эди,  
Чекинмоққа бўлганмас рози.  
Йўлларида сен бўлиб пайдо  
Этдинг уни ожиз парвона.  
Мағрурлиги бўлмишди адо,  
Талпинади сенга жонона.  
Қайда қолди юксак парвози,  
Қутқар тезроқ парвоналикдан,  
Фақат сенсан унинг мумтози.  
Қутқар тезроқ сўзоналикдан.  
Қалбим мағрур сорбургут эди,  
Нетдинг энди мастона қилиб.  
Дил дардига боқмайин энди  
Ўтма ишқим остона билиб.

*1967 йил*

## ҚИЗИШМА, АЗИЗИМ

Қизишма, азизим, унар-унмасга,  
Лозимми қилдан ҳам қийиқ ахтармоқ.  
Лов этиб ёнасан бўлар-бўлмасга,  
Сўнг билиб бўлмайди, кимдадир гуноҳ.

Пашшадан фил яшаш не учун даркор,  
Шайтонга ҳай беринг, дейди оқиллар.  
Айтгил-чи, яшарми инсон икки бор,  
Қайтурми ёшликка бу учқур йиллар!..

Меҳр-ла безайлик ҳар бир лаҳзани,  
Асабда ёнмасин умрдан бир зум.  
Гулдан ҳам нозикдир кўнгил маҳзани,  
Қаҳр изин чеҳрангда кўрмасин кўзим.

Асабни тизгинла бўлса ҳам учқун,  
Бир зумда ёндирур вужудинг қучиб.  
Билгилки, аланга яратмоқ учун  
Бас эрур ҳаттоки гугуртдан бир чўп.

1967 йил

## АЙТ

Борлиқдан баҳорнинг файзин созуриб,  
Тўсатдан изғирин қўзғалди наҳор.  
Дарахтлар эгилди тинкаси қуриб,  
Ҳар ённи кафанлаб қўйди оппоқ қор.

Бир кунга дош бермай бемаврид совуқ,  
Ноилож чекинди баҳор тафтидан.  
Навқирон кўкатлар таслим бўлган йўқ,  
Сирғилди шумшук қор барглар кафтидан.

Яна табиатда файзу ҳаловат,  
Яна авжга минди баҳор жилоси,  
Қуёшдан ёғилиб лутфу ҳарорат,  
Дилларни яйратди ял-ял жилоси.

Тугаркан сув бўлиб сўнгги лаҳтак қор,  
Қилмишинг афсус-ла эсладим шу пайт.  
Совуқлик солурсан ўртага бекор,  
У шу қордек эрирмакин, айт!

*1968 йил*



## ЭШИГИНГДА ҚОЛГАН ЕШЛИГИМ

*(ТошДу дафтаридан)*

Тошкентимнинг нақ этагида  
Бағри бўстон яшил ўрмон бор.  
Шу ўрмоннинг сўл этагида  
Бир жуфт эгиз бино пойндор.

Шунда кечди йигитлик фасли,  
Зеҳним фанга йўғрилди беш йил.  
Бола эдим, бўлдим бўй-бастли,  
Ҳар ўтганда талпинади дил.

Бу — сен азиз дорилфунуним,  
Чексиз уфқ очдинг билимга.  
Ишқ ҳам бердинг, бўлдим мажнуним,  
Қўшиқ пайдо қилдинг дилнимда.

Донишлигим, шоирлигим ҳам  
Жило топди сенда илк бора.  
Орта энди сен берган олам,  
Шавқинг ҳамон айлар хумори.

Бунда ҳар гал чарх уриб хаёл,  
Эсга солур ўт, оташлигим.  
Сочим оқини йўқотур дарҳол  
Эшигингда қолган ёшлигим.

*1970 йил*

## ҚУШАЛОҚ ЧИНОР

Қўшалок чинорнинг оқ танин ўйиб,  
Икки ёш ўз исмин этибди иншо.  
Дўстлик аломатин ўртага қўйиб,  
Эзгу ниятларин қилибди ифшо.

Битиклар бетини тўрлабди пўстлоқ,  
Аммо у кўзларга ташланур аён.  
Изғирин, бўронга дош бериб узоқ,  
Ёзувни дарахтлар сақлайди омон.

Чинорлар ёнидан ўтсам ҳар маҳал,  
Нигоҳим қадалур битик бор ёққа.  
Ўз кишим изларин топгандек ҳар гал,  
Шарпалар кутаман майса қиргоқда.

Дарахтлар ҳар синов учун бериб дош,  
Ардоқлаб келмоқда ўша ёзувни,  
Аммо бўронларга чидаб икки ёш,  
Асрарми дўстликни, ўша севгини.

*1971 йил*

## ДОШ БЕРАМАН

Табассумнинг қувнатади кўз,  
Чиройингга бахш этиб чирой.  
Дудоғингдан учган ҳар бир сўз,  
Уйноқлатар дилни мисли сой.

Нигоҳингдан ёғилиб роҳат,  
Ҳар боқининг этади сархуш.  
Дилда бўлса минг бир жароҳат,  
Тугар шунда, руҳим эркин қуш.

Нурга тўлиб шунда гўшамиз,  
Бўлур худди сиққундай олам.  
Тугамаса дейман шундай кез,  
Билиб ўзни энг бахтли одам.

Шундай ҳикмат кўрсатур ҳар гал  
Сенинг меҳринг, сен қилган карам.  
Фараҳлидир олам ҳар маҳал,  
Сен гараҳҳум этсанг бокирам.

Тўймам боқиб шундайин чоқда,  
Афсус бу ҳол эмасдир турғун.  
Қуш дард тортган каби тузоқда,  
Қалб бенажот тўлғанур маҳзун.

Тораяди шунда кенг олам,  
Қораяди наздимда фалак.  
Билиб ўзни энг бахтсиз одам,  
Шафқатингни кутаман малак.

Бир боқишинг бахш этса жаннат,  
Бир боқишинг тутгай жаҳаннам.  
Севганимдан қилмайман миннат,  
Дош бераман минг қийноққа ҳам.

*1972 йил*

## ҚАЙДА ЭДИНГ

Қайда эдинг кечиккан иқбол,  
Сенга ташна эдим-ку мен ҳам!  
Бирдан чақмоқ чақиб этдинг лол,  
Нега бунча кеч кўйдинг қадам?!

Кутмагандим севгида бундоқ  
Ўт борини, ардоқ борини.  
Сархушдирман қаршингда мутлоқ,  
Уфурурсан ишқ баҳорини.

Чертмоқдасан авайлаб, созлаб  
Осуда бу кўнгил торини.  
Ёшлик ўти билан пардозлаб,  
Тинглай дерсан кўнглим зорини.

Пайдо бўлдинг қолдириб армон,  
Кечди ёшлик, кечди олтин вақт.  
Эдинг эъзоз этиб ўтарман,  
Юрагимда бежаб олтин тахт.

*1973 йил*

## МАФТУНИНГМАН

(Уйғунона)

Қайда қолдинг нозли малагим,  
Йўлларингга кўзларим хумор.  
Яна сенга ташна юрагим,  
Кел, бу дилдан кўтаргил губор!

Шаҳлоларинг қўмсаб фазога —  
Юлдузларга термулдим узоқ.  
Хушим йиғиб қолдим сазога,  
Ўхшашини топмадим бироқ.

Еноғинг деб гулга кўз солдим,  
Йўқ, сен ўзинг сара гулимсан.  
Тонг, дил ёрит, деб кутиб олдим,  
Билсам, тонгдан ўзинг сўлимсан.

Сўнг, қуёшга ташладим назар,  
Тўлдирарми дея дилга нур.  
Тимсолнигдан топмадим асар,  
Кўнгил сенсиз бенур, бесурур.

Сенга мафтун бўлган дафъадан,  
Барча чирой измингга кўчмиш.  
Шуни пайқаб қолдим дафъатан,  
Кўркамликлар афсуни ўчмиш,

Энди сенсиз йўқ ҳеч ҳаловат,  
Ҳа, мен шунга келтирдим имон.  
Борлиқ кўрки сен билан фақат,  
Мафтунингман, сўзимга инон!..

*1973 йил*

## ҚУМСАБ УТАЙ МЕН

Чертма гўзал қалбим торини,  
Чертма дейман, ўз ҳолимга қўй.  
Олиб кўнглим ихтиёрини,  
Ҳушим телба этма моҳирўй.

Чиндан чеҳранг чақноқлиги бор,  
Еноғингда шафақ жилоси.  
Тароватинг яшнаган баҳор,  
Кўз тиндирар лаблар гилоси.

Нигоҳингдан ёгилур меҳринг,  
Мунча мунис бу қаро кўзлар,  
Борлиғинми ром этур сеҳринг,  
Шаҳлоингда борми юлдузлар.

Нетай, ҳуснинг этса ҳамки лол,  
Навқиронлик беролмас асло.  
Афсунларинг қайтиб ол дарҳол,  
Бағринг ёнса ҳамки ҳар асно.

Қовушганми куз билан баҳор,  
Баҳор билан ёз топишса соз.  
Ҳаёт бошга барвақт тўқди қор,  
Сочимга боқ, орда оташ ёз.



Илк севгида бўлгуси хато,  
Бағринг ёқма, боқма кўп сархуш.  
Чидай васлинг этса ҳам гадо,  
Тенгинг билан тақдирингни қўш. 1

Ташна ўтай севгинг даштидан,  
Висолингсиз армон ютай мен.  
Сен баҳра ол ҳаёт гаштидан,  
Меҳринг қўмсаб, қўмсаб ўтай мен.

*25 февраль, 1973 йил*

## ИҶЛОЛМАСИН ҚАЛБИНГГА НОМАРД

Тиниқ қалбинг топиб эътибор,  
Юрагимда қўзгатди ардоқ.  
Шу боисдан шаънингга губор —  
Қўнмаса деб ёнаман ҳар чоқ.

Иўлолмасин қалбингга номард,  
Чалғитмасин гуруринг, оринг.  
Қадринг асраб дадил тут қомат,  
Мажруҳ этма кўркам баҳоринг.

Дайди кўнгил нени хушламас,  
У бошлаган йўлда бор сароб.  
Сохта ошиқ эркалар бирпас,  
Хушомади оғули шароб.

Сен эрмакмас, эъзозга лойиқ,  
Ихлосимни этмагил пайҳон.  
Синновлардан чекинмасдан чиқ,  
Енма сўнгра армонда пинҳон!

Юракдаги ёшлик қўрини  
Бой бермайлик бекордан-бекор  
Тойсак, пешонамиз шўрини  
Аритмоқлик бўлади душвор.

Яшаш оғир пушаймон қилиб,  
Увол кетган умрни ўйлаб.  
Билки, қайта дунёга келиб,  
Юролмасмиз бу жаҳон бўйлаб.

Нурга тўлдир ҳар зум хаёлни,  
Қатъият-ла этгил дилни тоғ.  
Заҳмат чекиб ярат иқболни,  
Умид тутсин йўлингга чароғ.

Эҳтиромим ҳаққи, ҳурмати,  
Сен ихлосим кўрки бўлиб қол.  
Қайноқ меҳрим юрак ҳиммати,  
Эзгуликдан дилга сайқал сол.

*1973 йил, апрель*

## СЕНСИЗ

Кўнгил сенсиз ўтсиз ўчоқдир,  
Илимас ҳеч, маъюс, паришон.  
Шавқим сенсиз сувсиз булоқдир,  
Қайнай олмас васлингсиз, ишон!

Руҳим сенсиз авждан йироқдир,  
Парвози йўқ, мисли мажруҳ қуш.  
Ҳижрон тунин бас қил, улоқтир,  
Васлинг тонги билан эт сархуш.

Яшар эдим дил завққа гўлиқ,  
Битди бари, сен этдинг муштоқ.  
Энди сенсиз ҳеч ҳаловат йўқ,  
Энди сенсиз яшолмам мутлоқ!

*10. VII. 1973.*

## ЗИНҲОР

Оча кўрманг кўнглим, дафтарин,  
Дардим қўзғаб, ўкинманг бекор.  
Ҳеч тузалмас кўнгил дафтарин  
Сиз тузата олмассиз зинҳор.

Муҳаббат деб аталган савдо,  
Бошга тушиб, олди ихтиёр.  
Ёр кўнгли шоҳ, мен эса гадо,  
Ундан ўзга этмас бахтиёр.

*11. VII. 1973.*

## ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

### ДУГОНАЛАР

Олтой томон боришин хабар —  
Қилди Катя Киевдан Чустга.  
Демак, аҳд бир, — деб ёзди Раҳбар  
Маслаҳатдош, қадрдон дўстга.

Жанг йиллари икки ҳамхона  
Бир майизга эди тенг шерик.  
Катясини тополгач она,  
Икки ёшга тушди айрилқ.

Бир-биридан бўлиб хабардор,  
Бир-биридан ўрганар улар.  
Бўлиб гўё хат турнақатор  
Икки ёшнинг кўнглини улар.

\* \*  
\*

Олтой томон елар паровоз,  
Худди ёлдай таралар тутун.  
Киев билан Чустдан икки дўст  
Йўлга чиқди аҳдлашиб бугун.

Осмонда ой, йўлда қиз уйғоқ,  
Ой булутлар аро кезгди.

Раҳбар боқиб вагондан шу чоқ  
Худди ўзин қушдай сезади.

Балки, боқиб ойга ҳамроҳим  
Мени эслар, дейди, ўйлайди.  
Учрашгандек кўкда нигоҳи  
Соғинганин аста сўйлайди.

*1954 йил*

## ҚАЛБИМ УТОВДА ҚОЛДИ

Айландим мен Олатовда,  
Қамчи босиб бедовга.  
Қимиз ичиб, беш бармоқ еб,  
Меҳмон бўлдим ўтовда.

Тунда ёқдик гур-гур гулхан,  
Оқин айтди шўх ўлан.  
Ақлим олди нозли дилдор,  
Дил ўртанар дард билан.

Жаранг-журинг сўлқовойлар  
Тақмиш соҳиб чиройлар.  
Шу тўп ичра олма юзли  
Бир қизни кўзим пойлар.

Гулхан эмас, бағрим ёнар,  
Қимиздан тут, дил қонсин.  
Торингни черт, оқин бобо,  
Қиз қалби ҳам уйғонсин.

Утолмасман Олатовдан  
Қамчи босиб бедовга.  
Қандай кетай, қалбим қолур  
Оқ кигизли ўтовда.

1956 йил



## ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ

Оқшомлари яшил шаҳрим  
Нур қўйнида чўмилур,  
Дарё мисол ялт-ялт йўлдан  
Машиналар оқади.  
Троллейбус қўш қўл чўзиб  
Манзилларга интилуру,  
Тоғдай ўйлар минг кўз билан  
Икки ёндан боқади.  
Сават-сават гул тутмоқда  
Бўстонлардан соҳибкор,  
Курант чорлаб занг урмоқда  
Уйда қолмоқ равоми?!  
Шаҳар сайрин бошлаб қайта  
Ишчи, олим, бинокор.  
Хандон солур қиз-йиғитлар,  
Создир висол айёми.  
Ишком-ишком кўприкларнинг  
Остидан чопар Анҳор,  
Чайқалишиб мажнунтоллар  
Сув ҳовучлар тинмасдан.  
Бирга юринг, шу соҳилдан  
Одам аримас зинҳор,  
Қаршингизда яланғоч ой  
Чўмилур бекинмасдан.  
Кўкдан юлдуз бўлиб ёғар  
Фавворалар маржони,

Тўлин ойдай чарақлайди  
Оқ абажур аркларда.  
Қитъаларга қучоқ очган  
Шаҳрим эллар мезбони,  
Юзлаб тилда меҳр сўзи  
Янграр боғу паркларда.  
Пахтакорлар ўлкасининг  
Пойтахтисан, фаҳримсан,  
Дўстлик шаҳри, ижод шаҳри,  
Шарқ машъали, омон бўл!  
Навқироним, нурафшоним,  
Меҳри қуёш, бағримсан,  
Фаҳр этаман, МОСКВАга  
Сен орқали ўтар йўл.

*1958 йил*

## МАРҲАБО

Сир ва Аму топишгандай улкан Орол бағрида,  
Қисмати бир элатдошмиз, эмукдошмиз азалдан.  
Бу қардошлик дебочаси минг йилларнинг қаърида,  
Қудағаймиз, туғишғоним бизлар қадим маҳалдан.  
Тили яқин,  
дили яқин,  
эли оқин, марҳабо!

Биргаликда сув шимириб азамат Сир наҳридан,  
Қўл ушлашиб тенг ошганмиз асрлар довонидан.  
Улкан шаҳар, тоғлар туби, кенг яйловлар бағрида  
Улан айтиб йўқлашганмиз дўстлик дастурхонида.  
Кел қароғим,  
жон қозоғим,  
қон-қардошим, марҳабо!

Бўз ерларнинг буғдойидан олтин адир хирмонинг,  
Қимки боқса, кўз қувнатур поёни йўқ дала, қир.  
Тайга билан туташади қулф ургунча ўрмонинг,  
Бойлиқ ортган туя янглиғ тоғларингда қанча сир.  
Бойлиғи мўл,  
очиқ кўнгил,  
мард элатим, марҳабо!

Москвага йўлим тушса, эт ва қимиз тутгансан,  
Қўниб ўт деб ардоқлаган манзилларда мезбоним.  
Ўзбек менинг ўз оғам деб йўлимга кўз тутгансан,  
Дўмбиранг-ла мақтов солиб куйлагансан достоним. ,  
Кел мезбоним,  
    бўл меҳмоним,  
            меҳрибоним, марҳабо!

*1960 йил, Тошкент*

## ДУСТЛАР

Улар не-не хатарли жангда  
Бирга ўтга кирди ёнма-ён.  
Содиқ туриб она-Ватанга  
Олди ғаддор ёвдан жонга жон.

Ахир бир кун жанглар бўрони  
Иккисига жудолнк солди.  
Айирса, ҳам жанглар сурони,  
Иккиси чин дўст бўлиб қолди.

Топишолди Берлин шаҳрида  
Қадрдон рус ва ўзбек ўғли.  
Бир-бирини босди бағрига  
Ватандош рус ва ўзбек ўғли.

Зафар билан бир-бирин қучди  
Улар каби қуролдош эллар.  
Бу дўстликдан ёв қути ўчди,  
Тинди қонли, вахший довуллар.

Зафар билан қайтиб икки дўст,  
Ажралишди Волга наҳрида.  
Қўлни силкиб қолди оға рус,  
Ўзбек қайтди она шаҳрига.

\* \*

\*

Утди боғча ёшидан ҳатто  
Зафар йили туғилган фарзанд.  
Мактуб келиб, кетиб бехато,  
Улар дилин қиларди пайванд.

Мирзачўлга бошладик юриш.  
Ғарбу Шарқдан эл келди чунон.  
Бу қувончга беролмай туриш,  
Йўл олишди тезда чўл томон.

Берлиндаги каби қучишиб,  
Қоржомада учрашди улар.  
Бу дўстликдан чўл қути ўчиб,  
Тисарилар, бўстонлар унар.

Чўл чекинар, жангда тобланган  
**Минг-минг дўстлар қўр тўкар ерга.**  
Чўл чекинар, меҳри товланган  
Эллар чўлга қўл урди бирга.

*1962 йил*

## СОФИЯНИНГ ФУСУНҚОР ҚИЗИ

Софиянинг фусунқор қизи,  
Мунча иссиқ экан юлдузинг.  
Ҳушим олди юзинг қирмизи,  
Қуёш инган чаросми кўзинг.

Варнами ё, Пловдивми ё,  
Сени бўйга етказган диёр.  
Ё Дунайдан келдингми барно,  
Сув парисин латофати бор.

Казанликда топдингми камол,  
Гул водийсин ҳусни сенда жам,  
Лол термулсам келмасин малол,  
Гўзалликнинг шайдоси мен ҳам.

Ҳуснинг шами қилди мени маст  
Юз ўғирма нозланиб, эй моҳ!  
Гўзалликни қадрлаш айбмас,  
Кўра туриб, сезмаслик гуноҳ.

*1964 йил*

## БОҒЛАР ОШИБ, ТОҒ ОШИБ...

Булгория, боғлар ошдим,  
Тоғлар ошдим бағрингда.  
Сойларингдек қайнаб, тошдим,  
Қайнаб-тошдим наҳрингдай.

Ҳазумзорда қизлар кутди,  
Майлар тутди йўлимда.  
Гул водийси қувнаб кутди,  
Гуллар тутди қўлимга.

Бу эртаки, ё тушмикан,  
Бўлдим сархуш бу элда.  
Ҳар бир нигоҳ қуёшмикан,  
Рухим бир қуш бу элда.

Қайга борсам эл парвози,  
Сен Фарғонам эслатдинг.  
Бунда ҳар уй бир бахтхона,  
Дўстлик экан хислатинг!

Қайтар бўлсам, бирга кетгай  
Қувноқ қўшиқ, куйларинг,  
Ҳисларимни имлаб кетгай  
Қора денгиз бўйларинг.

*1964, Варна*



## ЗНАЧОК

Она юртга қайтар бўлган чоғ,  
Яна олдим гул қучоғ-қучоғ.  
Булғория, сен бўлиб бир қиз,  
Тақиб қўйдинг ажиб значок.

Тақиб қўйдинг ажиб значок,  
Боқсам қўзғар неларни дарҳол.  
Рила тоғи кўрниб шу чоғ,  
Чўққиларда учади хаёл.

Чўққилардан ошади хаёл,  
Боғларингдан ўтаман бир-бир.  
Гул водийси кўргизиб жамол,  
Гулчи қизлар ўтади гир-гир.

Гулчи қизлар ўтади гир-гир,  
Қора денгиз тўлқинисмон.  
Олтин қумли соҳилдан енгил  
Шаббодалар келур мен томон.

Шаббодалар келиб мен томон,  
Қанотида олиб учади.  
Софияда кезаман шодон,  
Ойдин кеча парклар қучади.

Ойдин кеча парклар қучади,  
Шаҳар сепли келиндай мезбон.  
Ҳиссим тутқич бермай учади,  
Кўз қувнатур ҳар кўча, майдон.

Кўз қувнатур ҳар кўча, майдон,  
Кўз қисади маржон ёгдулар.  
Рекламалар товланур чунон,  
Сапчиб ўтган каби оҳулар.

Сапчиб ўтган каби оҳулар  
Пайдо бўлдим РОДОПИда гоҳ.  
Шипка узра елди орзулар,  
Қайта бўлдим қўйнингда сайёҳ.

Сенинг рамзинг бўлган значок,  
Хотиротлар дафтарин очур.  
Унга боқсам, сен очдинг қучоқ,  
Дўст чеҳралар дилга нур сочур.

Дўст чеҳралар дияга нур сочур,  
Булғорня, перлоқ ўйимсан.  
Значоғинг таққанда масрур,  
Қалбга меҳринг тўғнаб қўйибсан.

*1964 йил*

## САМАРҚАНД

Асрлар ғуборин қочириб кўздан,  
Самарқанд, бағрингга боқдим маҳлиё.  
Қутулмиш ҳаётинг сарғайган куздан,  
Ажиб жило солмиш янги бир дунё.

Гўё овга чиққан балиқчилардай  
Кранлар басма-бас ташламиш қармоқ.  
Бинолар тоғдай қад ростлаб пайдар-пай,  
Кўрсатур янгича пештоқу равоқ.

Ойнабанд саройлар деразасида  
Акс этур минора, гумбазлар ҳусни.  
Кечмишу замон бор андозасида,  
Чаманлар лол этур гулдор товусни.

Жандасин ташлаган жафокаш мисол,  
Самарқанд, товланиб ташладинг нигоҳ.  
Инқилоб нуридан ёритиб иқбол,  
Кундан-кун қулф уриб очмишсан қучоғ.

Бағрингга қайтмишди қувгинди урфон,  
Тошмоқ-чун қўйнингда чин фазлу камол.  
Замонлар нуратган ҳар кекса макон  
Қайтадан яшариб кўрсатур жамол.

Навойй ўй сурган масканларингда  
Минг-минглаб донишлар кезади хушхон.  
Улуғбек армонла боққан бағрингда  
Баркамол олимлар фикр этар бу он.

Босқинлар қўйилиб келган йўллардан  
Дўстликнинг карвони аримас бир дам.  
Талонга йўл берган ташна чўллардан  
Туганмас бойликлар оқади илдам.

Қирғинлар қўллаган эй азим даргоҳ,  
Эзгулик йўлида ростламинсан қад.  
Элларга тутиб чой, турфа хил дастгоҳ,  
Оқ олтин тойлайсан, шавқинг беадад.

Самарқанд, менга ҳам тутгил майи ноб,  
Рутубат битмишди ҳаволарингда.  
Мадҳингга чертайин янграган рубоб,  
Куй қўшай авжланган наволарингга.

*1968 йил*

## ТИФЛИС ЧИРОҚЛАРИ

Ҳашамдор Тифлисида шарқ куёвидай  
Нурлардан жиғадор тоғ турар башанг.  
Юксалиб бинолар гуж қуршовидан,  
Мезбондек қаршилар олиб турфа ранг.

Бунда кўшқ, айвонлар бўлиб ораста,  
Дастурхон ёзилур ҳар сулув оқшом.  
Тоғ ели эсади эркалаб аста,  
Бу ерда ҳорғин руҳ топади ором.

Ер билан самонинг ўртасидаман,  
Тифлисга боқаман арчазор тоғдан.  
Қатновлар сузади нур қўйнида шан,  
Кўзларим қамашур сон минг чироқдан.

Чироқлар жимиллар, сон минг чироқлар,  
Маржондек терилиб, гуж бўлиб пастда.  
Жимиллар, жимиллар яқин-йироқлар,  
Минг жило кўрсатиб ҳар бир нафасда.

Чироқлар имлайди ҳар бир гўшадан,  
Теграмда кенг шаҳар ёзмишди қучоқ.  
Чироқлар чорлайди ўтсам кўчадан,  
Асирман Тифлисга ҳам азиз қўноқ.

*1970 йил*

## МИРЗАЧҮЛНИНГ ЖАМОЛИ

Бу ер қовжироқ лабдай пўст ташлаб бахт кутарди,  
Ҳатто қуёш кўнгилсиз олов пуркаб ўтарди.  
Чўл холидан ғамгин ой маъюс юз беркитарди,  
Қул ичра қолган чўғдек юлдузни чанг ютарди,  
Ўксик эди Мирзачўл.

Ҳатто қушлар учарди бу ерни четлаб, четлаб,  
Жонзотлар йўлашмасди асло юраги бетлаб.  
Баҳор ҳам яйраб-яшнаб сепин ёймасди дидлаб,  
Қирқмиш ўт, ўлан умрин ёвуз гармсел ҳидлаб,  
Шўрлик эди Мирзачўл.

Ленин берган жасорат табиатдан зўр келди,  
Шўр ювилиб, кесаклар кўсак каби чувилди.  
Чўллар уйғониб кетиб, сароб тушдек қувилди,  
Бетон кийган каналлар кумушдек уқа бўлди,  
Масрур энди Мирзачўл.

Баҳор бошлаб келади бижилдоқ қалдирғочлар,  
Адирлар яшнаб кетмиш лоладан кийиб тожлар.  
Қават-қават бинолар самога урди бошлар,  
Энди қуёш, ой, юлдуз қувониб нигоҳ ташлар,  
Яшаравер, Мирзачўл.

Чўл зотини қутн учиб, тоғлар томон қочмишди,  
Ҳалоскорим деб биллиб, ер тилсимлар очмишди.  
Ларзон-ларзон боғлари шира-шарбат сочишди,  
Чаноқ ёрган пахталар кўпикланиб тошишди,  
Ясанавер, Мирзачўл!

Асовлик қилмас энди, кездим ҳаловатида,  
Қовжиратиб қовурмас ўртаб ҳароратида.  
Фарғонанинг файзи бор бу дам тароватида  
Меҳмоннавозлик кўрдим бу кунги одатида,  
Бахтингни кўр, Мирзачўл!

Девқомат симёғочлар уфқ оша одимлар,  
Елда гувиллаб куйлар рубоб торидай симлар.  
Юлдузлар-ла баҳслашган тўп-тўп чироқлар имлар,  
Чўлга ёшлик, тўй келди, ишқ қўйди кимга кимлар,  
Қандингни ур, Мирзачўл!

Чўл бағрида чарх урар Сирдарёнинг шамолли,  
Кўз қувнатар сеп ёйган бўз ерларнинг жамолли.  
Чаманлардан чиқолмас бир келганининг хаёли,  
Эллар иноқлигидан бу бўстоннинг камоли,  
Дўстликка жўр Мирзачўл.

*1972 йил, 1 июль, Мирзачўл*

## КҮП НУҚТАЛАР

### ШАЛОЛА

Кифтига кифт тираб қорли тоғ қатор  
Тепадан боқади қутурган сувга.  
Шалола эрта-кеч гулдураб бедор  
Атрофни титратиб солмиш ғулувга.

Эшилиб-эшилиб, тепадан жарга  
Шалола отилур, сув бўлур тўзон.  
Юлқиниб у худди қилгандай зарда  
Итқийди тошларни кўтариб тўфон.

Бу сурон, бу тўфон солса ҳам даҳшат,  
Мен учун бағишлар битмас нашида.  
Ҳаловат топаман сув чекиб заҳмат.  
Ғов бўлган тошларни итқитишида.

*1956 йил, июль*



## БЕВАФО ГУЛ

Ошиқ булбул тун бўйн бедор  
Гулга айтди дилда борини.  
Ғунча қилмай унга эътибор,  
Кўрсатмади ўз дийдорини.

Кўз юмганда тонг чоғи булбул,  
Бевафо гул очди юзини.  
У аввало бўлиб қўлма-қўл,  
Сўнг тупроқда кўрди ўзини.

*1957 йил, 29 май*

## ГУЛЛАР ИБРАТ БЎЛСИН

Лабин очган ғунчада тил йўқ,  
Гўзалликдан сўзламас гуллар.  
Бўлса ҳамки ҳиммати улуғ,  
Ҳеч писанда қилмайди улар.

Гўзалликни сўзмас, амалда —  
Гуллар бизга кўрсатур аён.  
Ҳимматдан сўз очган маҳалда,  
Гуллар ибрат бўлсин ҳар қачон.

*1962 йил*

### 3...ГА

Шу баҳор кунига ўхшайсан, эркам  
(А. Мухтор)

Гоҳо яшнаб тўлишган баҳор,  
Нур кийиниб кўрсатур жамол.  
Кўк беғубор, кўнгил беғубор,  
Барглар чапак чалади хушҳол.  
Кўклам гуллар тутар қошимда,  
Еллар снлаб ўтар бошимдан,  
Шу баҳорга ўхшайсан эркам.

Бирдан баҳор феъли айнайди,  
Яшринаман хонамга дарҳол.  
Кўкда гўё булут қайнайди,  
Дов-дарахтни юлқийди шамол,  
Сўнг дарчамдан термулиб ювош.  
Баҳор аста тўкади кўз ёш,  
Шу баҳорга ўхшайсан эркам.

Ўтиб кетиб довул, ёмғир ҳам  
Атроф гул-гул яшнайди яна.  
Деразамдан барқ уриб кўклам,  
Қайта нигоҳ ташлайди яна.  
Отиламан кенг ёзиб қучоқ,  
Баҳор қучар шод этиб димоғ,  
Шу баҳорга ўхшайсан эркам.

1962 йил, май

## ОРОМ

Пишқириб сапчимоқ бўлар тўлқинлар,  
Ирғишлаб бир-бирин қувар тўлқинлар,  
Ҳансираб соҳилга қулар тўлқинлар,  
Тўлқинлар, тўлқинлар,  
Тинмас тўлқинлар.

Ҳар тўлқин бошида елар чайкалар,  
Ҳамроҳдай соҳилга келар чайкалар,  
Чағиллаб жон нисор қилар чайкалар,  
Чайкалар, чайкалар,  
Тинмас чайкалар.

Сирғилиб ортига кўчар тўлқинлар,  
Келгуси тўлқинни қучар тўлқинлар,  
Оқ ёлин таратиб учар тўлқинлар,  
Тўлқинлар, тўлқинлар,  
Тинмас тўлқинлар.

Билмасдан соҳилга нигоҳ бурма деб,  
Қумга юр, бошингни тошга урма деб,  
Чағиллаб келади озор кўрма деб  
Чайкалар, чайкалар,  
Тинмас чайкалар.

Тўлқинлар тинмасдан мудом чайқалар,  
Туну кун, ҳар субҳу ҳар шом чайқалар,  
Сиз қайда олурсиз ором чайкалар?  
— Тўлқинлар кифтида, тўлқин кифтида,  
Тўлқин кифтида.

*1964 йил*

## ЎЖАР ҚОЯЛАР

Соҳилда турмушди бир мағрур қоя,  
Тўлқинлар талпинса бузмабди пинак.  
Дов-дарахт ундирмай ташлабди соя,  
Замини нурабди, бузмабди пинак.

Йиқилмиш оқибат дарё қаърига,  
Битибди мағрурлик, таманнолик ҳам.  
Қўролдим мен уни тўлқин бағрида,  
Тугабди ўзига маҳлиёлик ҳам.

Атрофда туради ўзга қоялар,  
Тубида яшнайти анвойи дарахт.  
Интилиб шўх дарё ўйинлар солар  
Қояни қуршамии илдизлар хушбахт.

Тўлқинлар тинчнса, сувдаги қоя  
Ҳавас-ла боқадн соҳилга пастда.  
На чора, унга йўқ асло ҳимоя,  
Қўнникар энди у нурашга аста...

*1962 йил, июль, Ялта*

## УЧРАШУВ

Ёз кунн оҳиста инаркан оқшом,  
Осмон сўз ташлади айқирган сойга:  
— Қаёққа шошасан тин олмай мудом,  
Лой бўлиб оқишдан сенга не фойда?

Сув парво қилмасдан боғларга оқди,  
Баҳс этмоқ чоғимас, шошқич иши бор.  
Нафасни ростлашга ҳатто йўқ вақти,  
Чанқаган далалар унга интизор.

Дов-дарахт танига қондай югуриб,  
У чирой кўрсатар яшил япроқда.  
Гулларнинг бетига ранг бўлиб қириб,  
Севинчи сигмайди ҳатто қирғоққа.

Ўз ҳуснин олмалар бетинда кўрди,  
Олтин ранг узумда кашф этди жамол.  
Сўнг чаноқ кафтида барқ уриб турди,  
Ақлу хуш ўғирлар бу ҳусну камол.

Кеч кузда тиниқди, оқиб оҳиста,  
Ярақлар бегубор кўзгудек чунон.  
Унда ўз аксини кўрди-ю аста,  
Рашк билан қоғоғин солди кенг осмон.

*1962 йил, июнь, Тошкент.*

## ПИЕДАЛАР

Суворийлар сурганида от,  
Руҳ ажалдай қоққанда қапот,  
Жинни қўзиб филлар босса ҳам,  
Қалқон қилиб кўксини ҳардам  
Рад этади мард пиёдалар.

Фарзинларнинг дагдагаси ҳам,  
Қаттол шоҳлар бўсагаси ҳам  
Улар учун писандмас зинҳор,  
Улар кичик, аммо пурвиқор  
Булар шундай митти доналар.

Булар шундай митти доналар,  
Ёв сафига гулгула солар.  
Фовлар келса қилиб чилпарчин,  
Бўлур ҳатто забардаст фарзин,  
Булар шундай мард пиёдалар.

Хавф кўрганда қўрқмас, бекинмас,  
Ўлса ўлур, аммо чекинмас.  
Ўз аҳлига содиқдир улар,  
Ўз постида мард туриб ўлар,  
Булар шундай танти доналар.



Булар шундай митти доналар,  
Тантилиги эс-хушим олар.  
Сафларида тургим келади,  
Зафарга тенг юргим келади,  
Булар шундай мард пиёдалар.

*1962 йил*

## МАЙЛИ, ЙЎЛИНГ БЎЛСИН СЕРЗАҲМАТ

Жилоланиб шўх сойлар томон  
Заҳмат чекиб талпинади сув.  
Тошар тошлар ташласа тўғон,  
Ошар тўсса харсанглардан у.

Дўст ирмоқлар қаршилаб бот-бот,  
Ҳамдам бўлди шавқли йўлларда.  
Япроқларда ёздию қанот,  
Ўтган ери тўлди гулларга.

Булбуллардан тинглади ғазал,  
Қапалаклар чиқди атласда.  
Гулшанларнинг қўйнидан ҳар гал  
Атир бўлиб таралди аста.

Йўлда қолган мағрур бир кўлмак  
Қуриб битди тушмасдан қуйи.  
Унга насиб бўлмас гул кўрмак,  
Қолур фақат ботқоқ бадбўйи.

Майли, йўлинг бўлсин серзаҳмат,  
Тоғ сувидек бўлгил шиддаткор,  
Кўлмакларга боққанми омад,  
На ўзи, на ўзгага наф бор.

*1963 йил*

## АРЧА

Чарчаб чиқиб кезсам хилбон,  
Кўм-кўк арча қувнатар кўзни.  
Парвоси йўқ, қўзғалса бўрон,  
Писанд қилмас серёғин кузни.

Шабнам тушса маржондек тақур,  
Қиров қўнса марварид унга.  
Бургут каби қанотин қоқур,  
Уйин тушиб ҳатто қуюнда.

Дув тўкилмас чекканда жафо,  
Яшнаб боқур ҳар фасл дадил.  
Баргларида ранглар мусаффо  
Донм унинг қомати адил.

Яшиллиги ҳатто қишда ҳам  
Бахш этади баҳор ва қуёш.  
Боқса қувонч топсин деб одам  
Ҳар синовга беради бардош.

Шу арчадек матонат билан  
Ҳар синовда мард турсам дейман.  
Шу арчадек саховат билан  
Ўз постимда тик ўлсам дейман.

*1963 йил*

## ТУШЛАР

Фил тушига олис Ҳиндистон,  
Уг пуркаган кунлар киради.  
Йўлбарсга-чи, тўқай ва ўрмон,  
Қураш ўтган тунлар киради.  
Тоғ кийиги уйқусида ҳам  
Қоя узра магрур туради.  
Тушида ҳам илон дам-бадам  
Қуш инида тухум сўради.  
Бургутлар-чи, ошиб чўққилар,  
Уйқуда ҳам учиб юради.  
Тушида ҳам тушиб қўрқувлар  
Шўрлик қуён чўчиб юради.

*1964 йил*

## ТАБАССУМ

Табассум этса гар инсонга инсон,  
Дил гунча сингари яшнар, барг ёзар.  
Кўзларга жилвакор кўриниб олам,  
Қалбларда губордан қолдирмас асар.

Қаҳр-ла боқса гар инсонга инсон,  
Ер нураб, қаърига тортгандек бўлур.  
Файзини йўқотиб бир зумда жаҳон,  
Ҳамма ёқ зимистон бўлиб туюлур.

Шунинг-чун ким ноҳақ берса гар дашном,  
Нур, умр ўгриси дейман, ҳақ гап шу!  
Ҳаётдан бир бора яшашдир инъом,  
Ғанимат дамларни этмайлик оғу.

Одамлар одамга улашсин қувонч,  
Фараҳли туюлсин ҳар лаҳза, ҳар зум.  
Инсонлар инсонга қанот ва ишонч,  
Ҳеч дариф бўлмасин нурли табассум!..

*1964 йил*

## УМИД ҲАҚИДА

Умид берар хаёлларга зеб,  
Ҳаволан деб бағишлар қанот.  
Жангда ажал билан олишиб,  
Бахш этади зафар ва ҳаёт.

Умид ишонч тилсимин очур,  
Умид бахтга бошлайди ҳар дам.  
Умидсиздан нақд омад қочур,  
Тирик мурда умидсиз одам.

*1964 йил*

## ҚУЧОГИНГДА ҚУЕШ КҰРАСАН

Баланд тогдан йўл олган ирмоқ,  
Ўз тўпидан адашди бирдан.  
Наф кўрмади ҳаттоки янтоқ,  
Ютоқсиган кенг қумлоқ ерда.

У бошлаган қўшиқ ҳам тинди,  
Сингиб кетди жавдираб қумга.  
Ёлғизлиги дарҳол билинди,  
Из қолмади қовжираб қумда.

Ирмоқ бўлсанг, сойларга югур,  
Дарёларда тўлқин урасан.  
Сўнг денгизда елпиниб гур-гур,  
Қучогингда қуёш кўрасан.

*1964 йил*

## ЖИЛҒАЛАР

Тоғлардан йўл олган кичик жилғалар  
Суронли сой бўлиб ташланур олға.  
Сой дарё яратиб салобат солар,  
Сўнг денгиз бўлиб у кўтаргай долга.

Шўх денгиз жиноси ҳушни олган дам,  
Уша жилғаларни эсларму ҳеч ким.  
Улар ром этгуси бўлиб бунда жам,  
Уша жилғаларга этайлик таъзим.

*1965 йил*



## НОЛИМА

Қўлдан қўлга ўтди бирпасда  
Жимжимадор нақшли асо.  
Кимки кўрса боқиб ҳавас-ла,  
Зийнатига бўлди маҳлиё.

Безаклари ярқироқ садаф,  
Гул ўйилмиш пусха олгудай.  
Пардозлаимиш кумушлар қадаб,  
Куйдириб, зеб бермишлар атай.

Мени ҳам у этди маҳлиё.  
Асолар ҳам бўларкан шундай.  
Харбир нақши гўзал, бехато,  
Ҳавас қилиб боқса боққундай.

Тилга кириб:— Ҳавас қилма,— дер,  
Еирдашига асонинг ўзи.  
Танимдаги нақшлар ахир  
Гул эмас, ўт ва тигининг изи...

Мен дейманки:— Нәлима бекор,  
Қадр топмиш сен берган бардош.  
Заҳмат чекиб сен учун бисёр  
Қадрнинг кўкка кўтармиш наққош.

Тўғри, адл ўсганинг учун  
Фахр эт, бўлдинг эъзозга лойиқ.  
Билки, эгри оғочни ўтин —  
Деб баҳолар доим халойиқ.

*1967 йил*

## ПАЙҚАБ ҚОЛДИМ

Ютуғимдан қувнайди деб ўйлардим доим,  
Ҳар бир сўзи эзгулик деб келтирмасдим шак.  
Илтифотлар кўрсатганда менга мулойим,  
Қин-қинидан чиқаёзар эди бу юрак.

Зимдан хато излар экан юзимга айтмай,  
Ютуғимдан зил кетаркан билсам у ҳар чоғ.  
«Ихшилигин» пайқаб қолдим бир куни атай  
Йўлимгамас, кўзларимга тутганда чироқ.

*1967 йил*

## ҚОҒОЗ ОРЗУСИ

Зарра ўтдан ёниб кетаман,  
Қатра сувга йўқдир мажолим.  
Илму ҳикмат изҳор этаман,  
Эзгуликдан яшнар жамолим.

Парчалангум ёсангиз бўҳтон,  
Ғийбат битманг, умрим тугар бот.  
Мени яхши ният-ла инсон  
Бу дунёга этмишди бунёд.

Яхшиликдан келтириб дарак,  
Ошиқларга бахш этай висол.  
Из қолдирсин менда пок юрак,  
Етказайин уйма-уй иқбол.

Айбнома ё ҳукм бўлиб,  
Суд архивин этмайин гўша.  
Олий Совет сандиқларида  
Бахт келтириб қолай ҳамиша!..

*1967 йил*

## · ДУСТИМГА ·

Орқалатгил, Қўҳи Қофдан  
харсанг тош олиб келай,  
Айбим бўлса кўксимга тиг солгил,  
бош солиб келай.  
Лочин бўлу қанотларим қайир,  
ожиз қуш мисол —  
Қўкдан қулаб тушиб, кўзга  
юм-юм ёш олиб келай.  
Яхшилгинг таъна қилма,  
қилча миннат юкинн —  
Қўтармоққа қайдан қудрат,  
куч, бардош олиб келай?!..

*1967 йил*

## КҮП НУҚТАЛАР

Кўп нуқталар, нуқта, нуқталар,  
Териласиз унсиз, осуда.  
Файласуфдек пухта нуқталар,  
Саф тортмайсиз ҳуда-беҳуда.

Гердаймайсиз ундовлар янглиғ,  
Бош эгмайсиз сўроқдай айёр.  
Сизда тож ҳам, гажак дум ҳам йўқ,  
Камтаргина турасиз қатор.

Фикрлар тор келса-фазосиз,  
Пардалайсиз шарму ҳаёни.  
Ошиқларга чин муддаосиз,  
Сизсиз битмас ишқнинг баёни.

Ҳимматингиз даргоҳи кенгдир,  
Не-не фикр айтмасак ҳам жо.  
Сиз худди уч оғайни ботир,  
Мушкул дамда бўласиз пайдо.

Алифбеда ўрнингиз ҳам йўқ,  
Ҳақ берсалар қўйгум энг олдин.  
Ҳайкал қур деб берсалар ҳуқуқ,  
Ҳар нуқтангиз қилардим олтин.

*1967 йил*

## ҲАСАД ҚИЛМА

Ҳасад қилма Чўққига Пастлик,  
Буюкликда буюк заҳмат бор.  
Паноҳида қилиб нокастлик,  
Ич-ичингдан ўртанма бекор.

Яшнаганин кўрасан фақат,  
Келганида ярқираган ёз.  
Қилурмисан чўққидек тоқат  
Зир қақшатса изғирин, аёз.

Ҳар синовга Чўққилар девкор  
Пинак бузмай беради бардош.  
Шул сабабдан дастлаб босиб қор,  
Даставвало ўпади қуёш.

1967 йил

## ҚАНОТЛАР

Парвона қаноти ўтга ташлайди,  
Қапалак қаноти — гуллардан гулга.  
Шаппарак қаноти тунга бошлайди,  
Турналар қаноти — эллардан элга.  
Қанотлар, силкинган ажиб қанотлар,  
Ўтади турфа хил елпигич бўлиб;  
Уйласам, мудраган зеҳним уйготар  
Бир зумда атрофим қанотга тўлиб.  
Ҳаётда хўп ажиб ҳикматлар бисёр,  
Шу қанот бургутда, товукда ҳам бор.

*1968 йил*



## ҚУЁШ ВА ШАМ

*Тағордан илҳомланиб*

Алвон билан танғиб пешона,  
Қуёш ғарбга ботаркан беҳол:  
— Йўғимда ким ўрним мардона  
Боса олур?— деб бермиш савол.

— Мен!— депти шам мағрур тутиб бош.  
Ой, юлдузлар депти:— Марҳабо!  
..Шам сўнибди беролмай бардош,  
Қўзгалмаёқ тонгги шўх сабо.

*1968 йил*

## ШАЙДО БЎЛИБ

Шайдо бўлиб йилг этса қуёш,  
Мунча шошиб гулладинг бодом?  
Сипнамасдан ишқинг этиб фош,  
Илк баҳорга эрта бўлдинг ром.

Йилг этган кун ҳали баҳормас,  
Кўклам энди бўртар куртакда.  
Охирги қор тикилиб нафас,  
Пусиб ётар бурчак-бурчакда.

Сеннинг бўлса парвойинг фалак,  
Кибру ҳаво билан боқурсан.  
Кўк ўшқирса қилгандек эрмак,  
Ғунча очиб гуллар тақурсан.

Ҳушин йиғиб шафтоли, гилос,  
Куртакларда сақлар орият.  
Сабр қилиб, кўриб олтин ёз,  
Сўнг қуёш-ла бўлади улфат.

Шайдо бўлиб йилг этса қуёш,  
Нега шошиб уйғондинг ахир!  
Яшнаган бог ичра эгиб бош,  
Мана энди ўртайсан бағир...

*1968 йил*

## ЖУМБОҚ ТАБИАТ

Сахийми ё бахилмисан, айт,  
Қай бирсан, айёр табнат?!  
Телбамн ё оқилмисан, айт,  
Жумбоқларн бисёр табнат.

Экан чоқда ақлим норасо,  
Юрак бердинг қилиб ўт, олов.  
Танимга жон снғмайин асло,  
Кезсам дердим дунёни яёв.

Мана энди тўлишди ақлим,  
Аммо қалбда йўқ ўша оташ.  
Этсанг бир кун отам снёқли,  
Бўлади бу оташ ҳам одош.

Пасту баланд бўлганда аён,  
Қани кўзнинг ўша чақноғи.           6  
Яшаш қадрин мен англаган он,  
Қани дилнинг ўша чанқоғи.

Бекор кетди қанча кўз нури,  
Ойнак тақиб излайман энди.  
Бой берилди қанча қалб қўри,  
Афсус қилиб сўзлайман энди.

Сахийми ё бахилмисан, айт,  
Қай бирсан, айёр табнат?!  
Телбамии оқилмисан, айт,  
Жумбоқлари бисёр табнат...

Неки бўлса бериб бефурсат,  
Қайтиб олдинг топганда ардоқ.  
Оқил эсанг ҳимматинг кўрсат,  
Боққим келмас оламга чарчоқ.

*1970 йил*

## ЕЗМАЕК ҚҰЯЯ

Дилбарлар кўзи деб не-не қиёслар,  
Юзи деб қанчалар мақтов битилди.  
Дилбарлар қаддига не-не мажозлар —  
Ахтариб шеърда инъом этилди.

Сочи ҳам қолмади, тирноқлари ҳам,  
Мақталди қошлару қабоқларгача,  
Хотирдан чиқмади балдоқлари ҳам,  
Мақталди кипригу дудоқларгача.

Фақат тил тавсифи олганда навбат,  
Нечундир жим қолди соҳиб қалам.  
Во ажаб, ё бунда борми бир ҳикмат,  
Бу ҳақда ёзмаёқ қўяйин мен ҳам.

*1970 йил*

## КҮЗГУ

Зап ажиб кўзгусан, хислатларинг кўп,  
Кўшасан кўркка кўрк, ҳуснга ҳусн.  
Шунинг-чун аёллар қаршингга ўтиб,  
Тегрангда айланар парвона йўсин.

Табнат йўл қўйган қусурларни ҳам,  
Йўқотмоқ бўлишар қошингга келиб.  
Ножўя ҳолатга берасан қасам  
Ҳамиша сен бетга чопарлик қилиб.

Ҳеч кимни қилдингми зарра юз-хотир,  
Нуқсонни тил жағсиз этасан ошкор.  
Боқурлар шунинг-чун олмай хавотир,  
Чунки сен сир олиб, сотмайсан зинҳор.

Зап ажиб кўзгусан, хислатинг бисёр,  
Ҳар қанча мақтасак бўлмайди адо.  
Аммо бир айбинг бор, этайин изҳор,  
Бўйинингга олмасанг бўлмайди асло.

Бўлсанг-да ҳар қанча ярқироқ, ўктам)  
Сен фақат сиртимиз этасан аён.  
Шунинг-чун ҳашамлар остига ҳар дам  
Нуқсонлар хотиржам бўлади пинҳон.

Қанийди, янада касб этиб ривож,  
Дилни ҳам кўрмоққа тополсанг илож.

*1970 йил*

## ТУПРОҚ ҲИҚМАТИ

Мен тупроқман, олса бинокор,  
Қад ростлайман бўлиб иморат.  
Кулол қўли текканда ҳар бор,  
Гўзалликдан бўлгум иборат.

Бир ҳимматга ўн ҳиммат ҳар чоқ,  
Қидирганга бойлигим бисёр.  
Тусим гарчи бўлса ҳам қашшоқ,  
Турфа хил ранг тутгум ҳар баҳор.

Деҳқон тегса, тўкиб ноз-неъмат,  
Очаман гул, очаман кўсак.  
Фақат қўлни урмасин номард,  
Мен улар-чун оддий бир кесак.

*1970 йил*

## ТЕПА ВА ТОҒЛАР

Замонлар айланиб таги бўш тоғлар  
Туядек тиз чўкиб, адир бўлади.  
Пайт келиб, адирлар нураган чоғлар  
Чўнқайган тепалар содир бўлади.

Ҳайронман, баъзи бир тепалар нечун  
Гердайиб ер-кўкни кўзга илмайди.  
Тоғлар нура эса, бундай тепалар  
Ҳоли не кечмоғини хаёл қилмайди.

*1970 йил*



## УФҚЛАР

(Саид Аҳмад оғага)

Уфқларда жўшқин бу хаёл,  
Уфқларга талпинар кўнгил.  
Уфқ сари еламан хушҳол  
Қапот қоққан қушлардек енгил.

Манзил келар манзил сўнгидан,  
Юз очади турфа хил олам,  
Барқ уради кўзим ўнгиди,  
Буни билар йўл юрган одам.

Жилгаларни хуш кўриб боқдим,  
Сойлар сари имлади мени.  
Сой бағрида жўш уриб оқдим,  
Дарёларга ундади мени.

Уфқлардан узолмайман кўз,  
Чорлар юр деб олдинга ҳамон.  
Дарё билан бўлиб юзма-юз,  
Оқиб бордим денгизга томон.

Тўлқин уриб соҳиллар қучдим,  
Қирғоқларга сапчийди ўйим.  
Булут бўлиб уфққа учдим,  
Чақмоқ чақиб янграйди куйим.

Уфқ чорлар тутқич бермайин,  
Гардишини буза олмадим.  
Чўққилардан ошиб атайин,  
Чизигидан ўза олмадим.

Сароб эмас кўринган уфқ,  
Этагида минг турли дунё.  
Унга боқсам дилда ҳориш йўқ,  
Унга боқсам илҳом муҳайё.

*1971 йил*

## ОЛТИН КУЗ

Фарғонада олтин куз  
Олтин сандиқ очибди.  
Боққан сари қувнар кўз,  
Бор бисотин сочибди.

Атласидек жилвакор  
Далалари, боғлари.  
Беқасамдек жило бор,  
Бир келинг куз чоқлари.

Қуёш тушиб тафтидан  
Мевазорга кирибди.  
Ўз рангини афтидан  
Олма-нокка берибди.

Ғуж-ғуж олтин томчидай  
Ўзум бўлиб қолибди.  
Шарбат тўкиб, бўлиб май  
Хумга кириб олибди.

Қўпикланган денгизга  
Ўхшар пахта даласи.  
Ўхшар тўлқинли кезга  
Қарвон ўтган палласи.

Теримчи машиналар  
Кема каби сузади.  
Бункер тўкар симу зар,  
Хирмон тоғдай ўсади.

Бунда ер, сув, қуёшни  
Қовуштирган эл яшар.  
Қалби тўла оташни  
Қардошларга улашар.

Фарғонада олтин куз  
Олтин сандиқ очибди.  
Боққан сари қувнар кўз,  
Бор бисотин сочибди.

*1971 йил, октябрь, Фарғона*

## МАНГУЛИК

Ҳеч нарса беролмас мангуликка дош,  
Неки бор тугайди, у этур давом.  
Қошида не зотлар қўймиш ерга бош,  
Замонлар бир лаҳза тушдай тез тамом.

Гўёки мангулик мудрар нописанд,  
Қоинот бўлса-чи, чарх урар мудом.  
Гўёки мангулик туш кўрмак-ла банд,  
Ҳеч нарса кор қилмас, қулоқлари том.

Қуёшлар яралиб, бўлар нолайдо,  
Учқундай сўнмишди сайёралар ҳам.  
Ҳаммаси, ҳаммаси бўлади адо  
Қайтадан қурмоқ-чун янги бир олам.

Улим деб аталган кимёгар бир кун  
Бизни ҳам парчалар модда-моддага.  
Кўкат ҳам бўлурмиз, бўлурмиз кукун,  
Буғланиб қўнурмиз қай бир қитъага.

Балки газ тахлитда ошиб кенг фазо,  
Гардимиз сийпалар ўзга юлдузни.  
Моддага сарсари юриш тақозо,  
Не турли алфозда кўрурмиз ўзни.

Мангулик олдида ўлмоқ, яралмоқ  
Алмашиб туради тун билан кундай.  
Мумкинмас жаҳонда абадий қолмоқ,  
Абадий сўнмоқ ҳам йўқдир бутунлай.

*1971 йил*

## ТАЪНА ҚИЛМА

Ҳеч қачон хира деб кексалар кўзи  
Таъна-ю тазарруқ қилмагил ўғлон.  
Бундай гап баайини нодоннинг сўзи,  
Бундан панд емоғинг аёндир, аён.

Кексалик чоғига етгунча бари  
Қанчадан қанчалар йўл босиб ўтган.  
Қарилар билганин билмайди пари,  
Баланд не, пастлик не, улардан ўрган.

Сен улар қолдирган йўл бошидасан,  
Сен улар юрганин юрганингча йўқ.  
Ибрат ол кексалар бардошидан сен,  
Уларнинг кўрганин кўрганингча йўқ.

Шул сабаб кексайган кўзларнинг нури  
Узоқни кўрмас деб ўйлама мутлоқ.  
Олисин илғар шу диллар шуури,  
Қоқилмай десанг ол улардан сабоқ.

*1971 йил*

## ТОНГ БИЛАН

Чарх уриб қуёшга юзланиб жаҳон,  
Янги тонг жилосин этар бахшида.  
Тонг турфа туйғулар уйғотиб ҳар он,  
Ром этур ҳар галги куннинг бошида.

Қуёшга юзланган курра билан тенг  
Дилга нур тўлдириб боқаман суқли.  
Муштдай қалб ўйлари жаҳондан ҳам кенг,  
Ҳаётга ошиқман, юрагим чўғли.

Ҳар кунни кутаман тинчликни ўйлаб,  
Қулоғим радио тўлқинларида.  
Хаёлим кезади қитъалар бўйлаб,  
Кўзларим газета талқинларида.

Яшолмам ўз бахтим билан хотиржам,  
Бу удум бир менмас, барча бу элда.  
Тинчликда ҳеч ҳордиқ олмаган олам  
Қайғусин кўтармоқ ҳар битта дилда.

Шу удум ёшлиқдан сингмишди қонга,  
Шу кўйда яшамоқ ҳар виждон аҳди.  
Тотувлик ҳукмрон бўлиб жаҳонга,  
Бахтимдек ёришсин барча эл бахти.

*1971 йил*



## ТҮРТЛИКЛАР

### УМР

Бор менинг кўзларга кўринмас йўрғам,  
Кифтида гоҳ шодман, гоҳида пурғам.  
Билолмам, манзили яқинми, йироқ,  
Йўртади уйқиму уйгоғимда ҳам.

### БОҚИЛ

Боққил мағрур одам, барқ урган кўкка,  
Қўйнида ой, қуёш, ҳадсиз жавоҳир.  
У қаддин эгса ҳам доим уфққа,  
Кўкдан пастга тушиб қолганми ахир!

### ҚҶЗИНИНГ ҚИСМАТИ

Уни катта қилдилар  
Эркалаб, суйиб-суйиб.  
Сўнг роса мақтадилар  
Сўйиб, нимталаб қўйиб.

### РАШК

Ёрим, рашким учун койима,  
Рашк шубҳанинг белгиси эмас.  
Рашк севгига соқчи донмо,  
Рашксиз ишқни ҳеч ким ишқ демас.



## ҚИТЪАЛАР ОША

### ҚАЛБИМ САРҲАДДА ҚОЛДИ

Зебра каби чўзди бўй  
Йўл-йўл шлагбаумлар.  
Оқ йўл тилаб янграр куй,  
Сарҳад қалбимни юмдар.

Чипор будкалар аста  
Бир-бир кўздан йўқолди.  
Боқдим ортга оҳиста,  
Қалбим сарҳадда қолди.

Қалбим сарҳадда қолди,  
Бу сенмасми, Ватаним,  
Мен қайтаман албатта,  
Қалбсиз яшарми танним.

*1959 йил*

## СЕНГА ТАЛПИНАМАН

Юртдан юртга ошдим печа бор,  
Элдан элга ўтдим сайр этиб.  
Баъзан сафар бўларкан даркор.  
Келдим мана қошингга етиб.

Сарҳад ошиб ўтдим сен томон  
Баҳор чоғи талпинган қушдек.  
Қўздан қалбга кирдинг шу замон  
Дил яйратган худди олқишдек.

Монандингни топмадим зинҳор,  
Фарзандликдан балки бу сезги.  
Тушларимда бўлдинг жилвакор,  
Ёдинг дилни этди бир кўзгу.

Жон тасаддиқ, кўргиздинг дийдор,  
Сен доимо эзгу ўйинсан.  
Сенинг ёдинг қудрат ва мадор,  
Ардоқлимсан, янгроқ куйинсан.

Сенга гарддай губор қўнган кез  
Дил зимистон бўлгай шул замон.  
Тоғларингга дарз кетса қалтис  
Қалбим бўйлаб ўтгай бегумон.

Дарёларинг тўлганса бежо,  
Дилда тугён, тўфон қўзғалур.  
Лаг еса бир илдиз мабодо  
Етмиш етти томприм ёнур.

Сенинг тинчинг кўнглимга оро,  
Ҳар яшашинг умримга умр.  
Кезсам, ҳатто космослар аро  
Тортгай дилга сен отган томир.

*1963 йил*

## БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Юртимизни ташлаб кетган бир муҳожир  
чег элларда сафар қилиб юрган чоғимда  
бир сиқим ўзбек тупроғидан сўради.

Бир кафтгина ҳовурланган  
тупроқ турар қўлимда,  
Гўё шунда яшнаган боғ  
пайдо бўлди йўлимда.  
Туйдим бирдан олис элда  
юртим эрка сабосини,  
Булбулларнинг сархуш этган  
субҳидамги навосини.  
Гулшандаги гулчаларнинг  
нафасини сездим мен,  
Пайдо бўлди ҳар битта юз—  
очган гулнинг имоси.

Қатра сувда акс этгандек  
бутун жаҳон жамоли,  
Билсанг агар, шу тупроқда  
бордир юртим тимсоли.  
Бу шундайин ҳикматларга  
тўлиқ азиз тупроқки,  
Беролмайман дунё-дунё  
бойлик тўксанг ҳаттоки.  
Бу тупроқда она юртим  
кўркамлиги кўринур,  
Мисқоли ҳам халқимизнинг  
асл ота мероси.

Ушбу тупроқ Бухоронинг  
қучоғидан келганми,  
Е Регистон майдонининг  
қўйнидан тўкилганми.  
Е Хиванинг баҳор рухсор  
мишораси ёнидан,  
Е Наманган қизларининг  
ўтган хиёбонидан.  
Шу тупроқда Фарғонамининг  
ўктамлиги кўринур,  
Анжир татиб, анор узиб,  
бўлганман маҳлиёси.

Пўқ, мен бунн беролмайман  
сенга, муҳожир одам,  
Бу тупроқда жилоланур  
қайтмас ёшлик жамул-жам.  
Кўринмоқда пасту баланд  
лолалн қишлоқ томи,  
Жарликдаги ҳовлиқма сой,  
сафолн тоғ оқшомн..  
Шовуллайди ғуж ёнғоқзор,  
пистазорлар жонланур,  
Яллиғланган булут кўчар,  
қояда кошонаси.

Наздимда жаз-бузлар иси  
димоқларга уриб нақ,  
Хом ипакдай кўкиш тутун  
бағлар узра муаллақ.  
Пода келар чанг тўзintiб,  
қўй-қўзилар маърашур,  
Соқол силкиб, томоқ қириб,  
эчкилар «ба-ба»лашур.  
Елин тўла сут келади,  
индосидан аёндир,

Нашъалидир шўх ёшлигим  
ўтган ҳар нишонаси.

Беролмайман шу тупроқдан  
бир сиқим ҳам мутлақо,  
Хаёлларим — учар гилам,  
чарх урар еру само.  
Шўх юлдузлар кўз қисади,  
кўкда ой — олтин балиқ,  
Чарақлайди Чирчиқ шаҳрим,  
ҳов анови Олмалиқ.  
Шаҳарларнинг чўнг қандилдай  
жилвасида сузаман,  
Қалбгинамга битмас бисот  
ўлкамнинг ҳар жилоси.

Ярақлайди лим-лим канал,  
кифт тутмиш ҳар кўприги,  
Тизма терак ҳеч юмилмас  
унинг қатор киприги.

Ҳар туп ғўза сарабдроқ,  
йилдан-йилга барака,  
Янги-янги ҳовлиларнинг  
тўйи ажиб маърака.  
Қалбга ҳар бир янги бўстон  
харитасин тизаман,  
Қандай гардин инъом этур  
менингдек юрт шайдоси.

Бир кафтгина тупроқда бор  
ҳам кечмиш, ҳам истиқбол,  
Не фотиҳлар тегирмон тош  
юргизса ҳам безавол.  
Кўринмоқда эрк талашиб,  
тутаб ётган замонлар,  
Кайҳусравнинг, Дороларнинг



дамин кесган суронлар.  
Искандарни каловлатган  
айюҳаннос бор бунда,  
Жонланади Қутайбани  
қийратган жанг нидоси.

Қулоғимга тутиб кўрсам,  
отлар дуқури келур,  
Чингиз тахтин ўтга отган  
элнинг ур-сурн келур.  
Тўмариснинг, мард Широқнинг  
келур қайноқ нафаси,  
Эшитилур Муқаннанинг  
жангга кирган дафъаси.  
Торобийнинг қўзғолони  
ўтар ўхшаб қуюнга,  
Шу заминда улар тани,  
мен шулар сулоласи.

Сино сийлаб, Бирунийлар  
ардоқлаган тупроқ бу,  
Кўзга суртсам чарақлар дил,  
офтоб мисол идрок бу.  
Форобийдан, Улуғбекдан  
будир табаррук мерос,  
Алишербек, Фурқатларни  
сайратган қутлуғ мерос.  
Виждон каби мусаффордир,  
фаҳри зеҳним тутмишдир.  
Шу тупроқнинг ҳар мисқоли  
кўзларимнинг зиёси.

Бу тарихнинг оловини  
йиллар ўчиролмайди,  
Обидалар маҳобатин

селлар кўчиrolмади.  
Шу тупроқда қанот ёзмиш  
«Баёт»у «Ушшоқ»ларим,  
Қуёш билан омухтадир  
мунаққаш пештоқларим.  
Бунда ақлу заковатнинг  
ипак йўли ўтмишдир,  
Қулогимга келур ўлмас  
аждодларнинг садоси.

Буида ўн тўрт комиссарнинг  
азиз ҳоки ётмишдир,  
Бунда Ҳамза орзу қилган  
пурли тонглар отмишдир.  
Шу аждодлар гўрда эмас,  
юрагимнинг тўрида.  
Ушалмаган орзуларнинг  
ижроси қалб қўрида.  
Зулмат билан олгшган эл  
эрку бахт билан иноқ,  
Амал топмиш боболарнинг  
чарогон муддаоси.

Қувиб ўтдим сафар чоғи  
бир ойда тўрт фасли,  
Кездим Яман, экваторни,  
Турки, Юнон, Мисри.  
Қўрдим ҳатто ярим аср  
бурунги ўтмиш ваҳми,  
Истибоднинг эл қийратиб,  
юртларга солган заҳми.  
Қайга борсам, мадад бериб,  
чорлайди ушбу тупроқ,  
Адолату тинчлик мулкин  
бўлиб улуғ пешвоси.

Сенга фақат шу тупроқнинг  
бир бўлагини сўйладим,  
Айтаверсам адо бўлмас  
шавққа тўлган куйларим.  
Бир бурчига оқшом кирса,  
бир ёндан тонг отади,  
Поёнига етмай қуёш  
армон билан ботади.  
Бунда аҳил ҳилпирайди  
қон-қардош ўн беш байроқ,  
Эл-элатлар ўлкасини тенг  
қилди Ильич даҳоси.

Ёлворма, қўй, нурни зулмат  
чангалига отмайман,  
Тилимни ҳам, дилимни ҳам,  
элимни ҳам сотмайман.  
Ўтмишни-ю истиқболнинг  
олови бор бағримда,  
Шуни идрок этиб яшаш  
бахт қўшади бахтимга.  
Билки, сен-ла тиллашмайди,  
диллашмайди бу тупроқ,  
Сенга эмас, менга унинг  
барча меҳриғиёси.

*1965 йил*

## ҚИСМАТ

(Баллада)

Қора танли, қора бодроқ соч —  
Халқ тўпланмиш тамтамлар чалиб,  
Қуш патидаш бошга кийиб тож,  
Рақс этмишлар ғулғула солиб.

Байрам тусин олган кенг майдон  
Бўлмиш чунон қувонч вулқони.  
Эрк нашъасин алқаб оломон,  
Титратмишди еру самони.

Шоҳ мўйловли, айри соқолли —  
Босқинчининг ҳайкалин йиқиб:  
— Энг охирги қуллик тимсоли  
Янчил!— демиш нотиқлар чиқиб.

Қуллик кўрган боболар ҳақи,  
Пора бўлган юраклар учун,  
Она юртдан жудолар ҳақи.  
Етим қолган гўдаклар учун,

Қасос олмоқ кунни етди деб,  
Мард занжилар солмишди сурон.  
Асоратнинг кунни битди деб,  
Шум кечмишга келтирмиш қирон.

Шох мўйловли, айри соқолли —  
Сарлашкарни қилмишлар улоқ.  
Пойдеворин қўймай ақалли  
Қўпормишлар бўлиб фил сиёқ.

Ўзи қуйган запжирга ўзин  
Боғлаб уни судраб кетмишлар.  
Супуришиб ҳеч-қўймай изин,  
Соҳил сари жадал етмишлар.

Ҳинд уммони тўлқин урармиш,  
Уни кўриб бўлиб дарғазаб,  
Ҳатто қуёш юзин бурармиш  
Булутларда қайнармиш асаб.

Шу эди деб сен келган томон,  
Ирғитмишлар уммон қаърига.  
Тўлқинлар-чи, турткилаб чунон  
Олмас эмиш асло бағрига.

Жаҳли чиқиб запгори осмон,  
Жала қуйиб қумин ювармиш.  
Иўқ деб сенга соҳилда макон,  
Океанга қайта қувармиш.

Шундан буён ўша шох мўйлов,  
Айри соқол саргардон эмиш.  
Қирғоқ қўймас, тўлқинлар асов,  
Шармисорлик қилармиш эмиш.

*Танзания, Доруссилон*

## СУРОНЛИ ҚОҲИРА

Этагида эҳромлару  
модерн масжидлари,  
Нилда акс этган бинолар  
кифти юлдузли кўкда.  
Осмон ўлар уй ёнида  
жомелар тушиб чўкка,  
Минорасин қўш қўл қилиб  
чўзмишлар само сари.  
Гумбазларнинг манглайида  
жимжимадор оятлар:  
— Охиратининг қутқусидан  
титра, дейди, эй одам!  
— Қўйсангизчи,— деган каби  
неон нурлар муҳташам  
Чор атрофда чирпирайди  
олиб сирли ҳолатлар.  
Бунда сўфи садоси-ю  
унда жазининг гавгоси,  
Бунда сокин ибодату  
унда айшу фароғат.  
Қим арабча гурунглашур,  
Қимга чет лаҳжа олат,  
Қимда миср хилқати-ю  
кимда ғарбининг либоси.  
Унда туя лапанглайди,  
бунда учар лимузин,

Машиналар гирдоб солиб  
елиб учар ҳар ёна.  
Бунда бадбўй маҳалла-ю  
унда кўшклар шоҳона  
Мато тикки бозорларда  
чуввос кеча-кундузи.  
Бунда шарму ҳаё ҳоким,  
унда гўлғонтириб тан,—  
Сигаралар тутунида  
ноз билан қош қоқишлар.  
Унда чилим ҳурраги-ю,  
бунда туйгун боқишлар,  
Кўз тинади Қоҳираинг  
бу хил гирдибодидан.  
Бунда ҳали тинмагандир  
мазлум кечмиш лойқаси,  
Аста-аста битиб борар  
ғарбдан келган шум иллат.  
Қаддин ростлаб равнақ учун  
дадил отланган миллат  
Денгиз сари сидирмоқда  
истибдоднинг қуйқасин.

1966

## СФИНКС

Миср ўлкасини кезганим замон,  
Нили муборакдай товланди хаёл.  
Гизада эҳромлар қуршабон чунон,  
Борлигим сеҳр этиб қилди гунгу лол.

Тошдан сайқал топган одам бошли шер  
Қуёшни қаршилаб бўлди рўбарў.  
Тиғу тўп жароҳат солса ҳам оғир,  
Сесканмай минг йиллаб савлат солмиш у.

Шавкатли фиръавнлар силсиласи ҳам  
Унинг нигоҳида бўлмиш нописанд.  
Не жангу жадаллар зилзиласи ҳам  
Титроққа солмабди, беролмабди панд.

Неча бор босганда Юнону Румо,  
Қонади чўк тушган ҳокимлар тизи.  
Шу тошдан яралган рамзлар аммо  
Эл билан тенг қолмиш синовлар кези.

Қон кечган Бонапарт боққанда мағрур,  
Кўзга кўз қадади бу ажиб тимсол.  
Замонлар ўзгарди, ўзгармай бир қур,  
Ненидир кутгандай шер сураб хаёл.



Юрт тобе бўлса ҳам буни қарангки,  
Бу асов шер асло эгмабди бошин.  
У кўрди инглиз, маккор фарангинг  
Бсомон курашда сўнган қуёшин.

Тонг сари юзланиб неча замонлар  
Қуёшни қаршилаб шер боқар мудом.  
Зулматлар чекинур бериб қурбонлар,  
Кўринур уфқдан у кутган айём.

## ҚИЗИЛ ДЕНГИЗДА

Теплоход тебранади тўлқинлар тўлғоғидан,  
Қалбим ҳам тенг тўлғанур хаёллар қуршаб ғужғон.  
Не ўйлар ҳамроҳ келиб, Африка қирғоғидан,  
Бу йўлларда жонланиб, қайтадан қилди туғён

Бу йўл очофат ғарбнинг бойликка ўпқон йўли,  
Олмосу олтинларни тинмай шимирган йўллар.  
Номин маданий халқнинг шармандални қон йўли,  
Африка устихонини тинмай кемирган йўллар.

Ҳа, бу йўллар қадимий қуллар бозорини йўли,  
Ғарбу Шимол, Шарқ ёқдан сурон келтирган йўллар.  
Кемаларда тутқунлар чеккан озорини йўли,  
Негрға борса келмас, қирон келтирган йўллар.

Қўл-оёғи боғланган, кўз ёши булоғланган,  
Эркидан йироқланган жафокашлар йўли бу.  
Юрт ҳажрида доғланган, ҳасрати варақланган.  
Қалби минг чавақланган жафокашлар йўли бу.

Бу йўлларда мажруҳлар итқитилмиш ўпқонга,  
Тунда тўлганган тўлқини ўша танлар эмасми.  
Уммон этакларига ажиб қизиллик синган,  
Булар хунрезлик тўккан азиз қонлар эмасми.

Агарда шу тўлқинлар айлансайдн тупроққа,  
Йўлларда бўлур эди ўркак-ўркак сонсиз гўр.  
Афсуски, келгиндилар жиноятин бу чоғда  
Тубсиз океан ютиб, кўзлардан пинҳон тутур.

Бу зулмдан қитъада зўр бўрон авжга кирди,  
Келгиндилар аламдан ўт пуркаб чекинмоқда.  
Эрк олган ўлкаларининг илҳоми мавжга келди,  
Бош кўтарган байроқлар музаффар силкинмоқда.

Асрий ҳукмдорликдан маҳрум бўлган фотиҳлар,  
Қаранг, бир-бир қайтмишлар ортиб кўчу кўлонин.  
Бойликлардан жудоник қалбларни ўтда тиглар,  
Азамат қитъа бўйлаб ёйилмиш эрк бўрони.

Авжлан, авжлан, эй бўрон, эрк байроғи барқ урсин,  
Қуллик занжирларини келгиндига итқиб сол.  
Ҳаёт-мамот жангида, майли ёвлар қутурсин,  
Асрий жафолар учун ҳеч тап тортмай ўчинг ол!

Бу йўллардан энди бахт, дўстлик карвони ўтсин,  
Қодирлиги қирқилган, Африка, қад ростлаб боқ.  
Эҳтирос, истеъдоднинг бутун жаҳонни тутсин,  
Октябрь ўлкасидан қўл бераман, эй ўртоқ,

1965

## МОМБАСА СОҲИЛЛАРИ

Бу соҳилга шимолдан  
Лангар ташлаб келдилар,  
Элнинг ҳадисин олиб,  
Қуллик бошлаб келдилар.

Бу соҳил не сирларни  
Кечирмади бошидан.  
Не бойликлар кетмади  
Оқиб унинг қошидан.

Соҳилнинг тили бўлса,  
Тош ёрарди афғони.  
Кўз ёш тўка олсайди,  
Тошарди Ҳинд уммони.

Оқ танлилар бу ерда  
Қурди не-не фожиа,  
Қондан ёқут ясалмиш  
Ҳукмдорлар тожига.

Занжирбанд занжиларнинг  
Бунда ҳижрон ёши бор,  
Аста ўтинг, бу ерда  
Қурбонларнинг боши бор.

## ЗАНЖИБАР ДЕҲҚОНИГА

Зич кокс ёнғоқзорин  
    боши осмон-фалакда,  
Ҳар тупнинг бошида  
    Ғуж-ғуж хумча мевалар.  
    Улкан чумоли янглиғ  
    Ғулув солиб юракка,  
Занжи пилдираб чиқиб,  
    Қийқириқ садо солар.

Ёнғоқ бандига урар  
    Уроқсимон пичоғин,  
Мевалар кўкдан учар  
    ой узлиб тушгандай.  
Бир лаҳзада тозалаб  
    Наматсимон пўстлоғин  
Муздай шарбат тутишар  
    Шимирамиз пайдар-пай.

Экваторнинг қўши  
    Найза урганда лов-лов,  
Жон ҳалқумга келганда  
    Бу шарбат берди роҳат.  
Ҳаво эмас, тандирда —  
    Худда ютгандек олов  
Энтиккан дамларимда  
    Бахш этди ўзга ҳолат.

Танинг қора бўлса ҳам,  
Мунча кўнглинг экан оқ,  
Буида мусофирлигим  
Қувди табассумларинг.

Шарбат эмас, меҳрингни  
Тутқаздинг занжи ўртоқ,  
Оқ танли деб чўчима,  
Ҳордиқ ол ўлтириб теиғ.

*Занжибар*

## УДУМЛАР

Удумларда ҳикмат бор,  
Удумларда эзгу ўй.  
Удумлардан умидвор  
Бўлар не-не базму тўй.

Кення ўлкасида  
Файзли доно чоллар бор,  
Ҳузурига элтгувчи  
Жунглида йўллар бор.

Бунда фарзанд йўргаклаб,  
Бўлур узоқ-яқин жам.  
Уруғ-аймоқ чекиб саф,  
Қувнашар шоду хуррам.

Ноғоралар гумбирлаб,  
Жаранглайдн тамтамлар,  
Ниқоб тортиб, «ҳув-ҳувлаб»лаб,  
Чирпирайдн одамлар.

Шунда гўдакни қўлга  
олиб чол сўз бошлайди.  
Жим қолган ўнгу сўлга  
Оҳиста кўз ташлайди.

— Филдек оқил бўл доим,—  
Дер гўдакка маънодор.  
Манглайига фил мойин  
Суриб қўяр улуғвор.

Сўнгра бола товонин  
Меҳр билан очиб у  
Суртиб кийикнинг қонин,  
Югур дер мисли оҳу.

Шер тишини ниҳоят  
Тақиб қўйиб гўдакка,  
— Эга бўл,— дер,— шер қудрат,  
ҳамда шердек юракка.

Удумларда ҳикмат бор,  
Удумларда эзгу ўй,  
Удумлардан умидвор  
Бўлур не-не базму тўй.

Кукую авлодлари  
Улғайди шу русумда,  
Ўсди филдайин оқил,  
Шерюраклик йўсинда.

Истибдодга ўт қўйди  
Тугён солиб элида,  
Эрка интилди мағрур  
Оташ ёниб дилида.

*Кения, Найроби шаҳри, 1965 йил, ноябрь*



## АКРОПОЛЬ

Дарслик китобларидан  
таниш қадим пештоқлар,  
Баҳайбат тош устунлар  
қуршаб олди дамо-дам.  
Харсангларга айланган  
маъбудлар маъюс боқар,  
Қўп қадимий Юнонга  
тутгандек худди мотам.

Қурбонларнинг жонидан  
бино бўлган бу даргоҳ  
Не-не тафаккурлардан  
бўй чўзмишди ҳашамдор.  
Не-не шаъну шавкатдан  
бўлсалар ҳамки огоҳ  
Ҳувиллаб лол боқади  
тепа узра улуғвор.

Бу ердан йил, асрлар  
ўтмишди эсар елдек,  
Не-не замон сурони  
бунда ажинлар солмиш.  
Не тарихлар бўрони  
кечса ҳам босиб селдек,  
Пинак бузмай тош қотиб  
бутун бир давр қолмиш.

Бутун бир давр қолмиш  
Арасту заковати,  
Афлотун донишидан  
ёришиб барча элга.  
Бутун бир давр қолмиш  
илк фанлар саҳовати,  
Ҳомер дostonларидан  
қайтадан кириб тилга.

Қулаб тушган ҳар устун,  
Ҳар битта нақшинкор тош,  
Суқрот мисол донолар  
нигоҳин қучиб ётур.  
Ҳар обида тубида  
мангу кўтаролмай бош,  
Не-не ўтли дардларнинг  
олови ўчиб ётур.

Наздимда бу даргоҳнинг  
ҳар зина ва бурчида  
Афсунгар афсоналар  
шарпасиз сузиб юрар.  
Ҳувиллаган қадимий  
саҳналарнинг ичида  
Ниқобдор қаҳрамонлар  
товушсиз тўзиб юрар.

Наздимда замоналар  
келмишди қон талашиб,  
Пойимда ўтмиш ётур  
ўхшаб сокин тилсимга.  
Келдим Фарҳод мисоли  
не-не ўлкалар ошиб,  
Илк санъат, илму ҳикмат  
даргоҳига таъзимга.

*1965 йил, декабрь, Афина*

## ИСТАМБУЛ

Истамбул, о Истамбул,  
    Қизиқ экан одатинг,  
Дам тик миноралар-ла  
    Боқдинг бўлиб тақводор.  
Дам тап тортмас қиз каби  
    Кўз-кўз қилиб қоматинг,  
Рекламага чулғониб  
    Жилваландинг ишвакор.

Истамбул, о Истамбул,  
    Европами, Шарқмисан,  
Икки қитъа жамолин  
    Сенда кўрдим муҳайё.  
Истамбул, о Истамбул,  
    Бағдодмисан, Балхмисан,  
Ёки Румо, ё Париж,  
    Ё ўзингча бир дунё?

Истамбул, о Истамбул,  
    Шов-шувинг этди сархуш,  
Айёр савдогармисан,  
    Бозор бўлиб кўриндинг.  
Истамбул, о Истамбул,  
    Ишсиз ҳаммолдек хомуш  
Қаршимда бу дунёдан  
    Безор бўлиб кўриндинг.

Истамбул, о Истамбул,  
    Қалби оташда куйган,  
Исёнкор қашшоқ ишчи,  
    Докер бўлиб кўриндинг.  
Истамбул, о Истамбул,  
    Эл дардин дилга туйган,  
Эрка талпинган эрксиз  
    Бир шер бўлиб кўриндинг.

Истамбул, о Истамбул,  
    СЭМ амаки шундами,  
Уғри тушган ҳашамдор —  
    Даргоҳсан, асра жонинг.  
Истамбул, о Истамбул,  
    Қисматинг қузғундами,  
Янги ой тамғасидек  
    ярим бўлмасин нонинг.

*1965 йил, декабрь, Истамбул*

## ТУРК ҚИЗИГА

Орланмагил қарашларимдан,  
Нигоҳимда асло йўқ ғараз. .  
Ухшаб кетдинг сен дилбаримга,  
Сени ўшал деб қилдим фараз.

Кўзларига ўхшар кўзларинг,  
Ҳатто қоши, қошингдай туташ.  
Бироқ, нечун ҳорғин юзларинг,  
Балқиб турмас чеҳрангда оташ.

Ҳайрат билан термилган оним,  
Шайдо бўлди деб қилма хаёл.  
Едга тушди моҳитобоним,  
Шул сабабдан лол боқурман, лол.

Ихтиёринг бой берма, ой қиз,  
Юртим қўмсаб юрак беором.  
— Қара!.. Ундан бошланар кундуз,  
У Ватансиз умрим ҳам тамом.

Латофатинг эслатди ёрни,  
Бунда қолмоқ энди ортиқдир.  
Тортсанг ҳамки сен ихтиёрни,  
Билки, қалбим унга тортиқдир.

Боққанымда термилиб зимдан,  
Ишқи тушди деб қилма гумон.  
Эриб кетиб қарашларимдан,  
Ихтиёринг бой берма, жонон!

*1965 йил, декабрь, Истамбул*

## ИЛОНБОЗ

Манзил этиб йўл бўйида  
паҳмоқ дарахт кунжини,  
Утирибди саллали бир  
салқи мўйлов илонбоз.  
Бўқоқ сурнай дудоғида,  
кўпчитмишди лунжини,  
Нола каби садо бериб,  
хазин куй этур парвоз.  
Дилни тирнаб таралади  
нидо бўлиб бу куйлар,  
Ёнбошдаги савагчага  
аста-аста кирур жон.  
Най зорланиб авжланиди  
ҳасратли ун қуйилар.  
Сирғалиб бош кўтаради  
ваҳмдор қора илон.  
Най зорланар, най зорланар  
куйга илон бўлиб ром  
Тўлғанади, тўлғанади  
тилни ўйнатиб пир-пир.  
Бир зайилда ҳайбат билан  
мудом қилади муқом.  
Ўткинчилар ҳайратланиб  
тўхтаб ўтишар бир-бир.  
Илонбознинг салласида  
олис йўлларнинг чанги.

Най зорланар, най зорланар  
най садоси кўп нолон.  
Мис товоқни онда-сонда  
чертар чақа жарангги,  
Най зорланар, най зорланар,  
бирдай тўлғанар илон.  
Бошқа манзил сари кетди,  
аламнокдир нигоҳи,  
Зил саватдан букилмишди  
йўлларда ҳорғин қадди.  
Топган-тутган бисоти — най,  
илон унинг ҳамроҳи.  
Илонидан қолганига  
қилур ҳамон тамадди.  
Қулоғимга келур ҳамон  
ўша найнинг нидоси,  
Дардли нигоҳ кўз олдимда,  
саллада йўл ғубори.  
Кўринади бехонумон  
бир чимдим ризқ гадоси,  
Найда унинг бутун дарди,  
дил ҳасрати ва зори.



## ҲИНДИСТОН ҚАРШИЛАР

Нигоҳда балқитиб умид ва ишонч  
Тутдилар қаршилаб гуллардан маржон.  
Дилларда жўш урган меҳр ва қувонч.  
Термилган кўзларда балқиди чунон.

Мунчалар дилнавоз, мунчалар илиқ.  
Юраги нигоҳга кўчган боқишлар.  
Миннатдор қалбимда ҳаяжон тўлиқ,  
Ётсираш ҳиссини қувди олқишлар.

Бахтлиман қудратли, шавкатли юртим  
Қозонмиш эрксевар элларда эъзоз.  
Қитъалар ошароқ сафарда юрдим,  
Тоғ каби таянчи этмиш сарафроз.

Дўстларни ортдирар оҳанрабоси,  
Асабий оламда тинчликка қосбон.  
Эрк сари етаклар меҳригиёси,  
Адолат йўлида илҳомчи ҳар он.

Ҳиндистон билади юртим мададин,  
Офатлар домидан этмишди халос.  
Дўстликдан тобора ростламиш қаддин,  
Шу сабаб қадамда меҳру эҳтирос.

Нигоҳда балқитиб меҳр ва ишонч  
Ҳиндистон қаршимда бўлди намоён.  
Қамолот йўлида бўлдинг деб таянч,  
Қаршилар тутқазиб гуллардан маржон.

## АГРАДА

Аграда ўзбекча дастурхон тузаб,  
Ташладик даврага бўлса неки бор.  
Олтиндай уюлди ҳусайни узум,  
Яллиғдор ёқутдай товланди анор.  
Эрмакка писта-ю бодом ҳам бисёр.

Сўйилди заррин пўст қовун оқибат,  
Лабни лабга боғлар ўткур шираси.  
Дилкашлик авжланиб, қизиди суҳбат,  
Бобирга тақалди гапнинг сираси,  
Баҳсга боис бўлди қовун сараси.

Дедилар, қадимда шаҳаншоҳ Бобир,  
Ҳиндистон мулкида сурса-да даврон.  
Пойида ётса-да лак-лак жавоҳир,  
Асло татимабди, дилгирмиш султон,  
Андижон соғинчи бермабди омон.

Хизматга чиқса ҳам не-не малаклар,  
Парвона бўлса-да аркони давлат.  
Ёқутдан тутсалар ҳамки чечаклар,  
Мунаққаш саройлар солса-да савлат,  
Самарқанд соғинчи бермабди роҳат.

Ватанга қибладай боқиб атайин,  
Топмабди кўп кезиб ҳеч ўхшовини,  
Юрт доғи гадомас, шоҳга ҳам қийин.  
Бир тилик Андижоннинг шакар қовуни  
Қайтадан қўзғабди дил оловини.

Бобир шоҳгинамас, шоир ҳам эди,  
Шоирдек юртига ошиқ бўлурму.  
У шеър ёзганда кўзи нам эди,  
Салтанат, тож билан кўнгил тўлурму,  
Ватан-чун гадога иқбол кулурму!

Қисмат шундай бўлди: шоҳ эди гадо,  
Икки оралиқда шоир саргардон.  
Юпатмади қилич, қалам ҳам ҳатто,  
Армонда бегона элда берди жон,  
Топмади жасади юртида макон.

Жонимни ачитмас шаҳаншоҳ Бобир,  
Аммо ўртар дилни шоир тақдири.  
Изларин истадим бўлиб бесабр,  
Шеърига шайдолик — эъзозим сири,  
Қалбимиз шоҳгамас, шоир асири.

Бобир ҳам кўрмаган ажиб дастурхон,  
Тузадик ҳинд, ўзбек, тожик, рус иноқ.  
Андижон қовуни, Самарқанддан нон,  
Ҳиндуча ноз-неъмат шод этди димоғ,  
Бу оқшом Бобир ҳам бўлганди қўноқ.

*1968 йил*

## ЧАНДНИ ЧҮК

Мисгарликлар жаранглайди,  
Пўшт-пўштардан олам танг.  
Машиналар варанглайди  
Қий-чув, биров урар занг.

Гўё гужғон ўйнар олам,  
Кўҳна гиштин Деҳлида.  
Гурас-гурас қайнар одам  
Шаҳарнинг нақ белида.

Чандни Чўк деб исм олмиш  
Гирдоб солган бу бозор.  
Барча ранглар жило солмиш  
Кун тиғида яллиғдор.

Ғарбу Шарқдан бордир меҳмон,  
Ғарбу Шарқдан мато бор.  
Турфа тус эл гужғон-гужғон  
Бу гирдибод сеҳркор.

Кезар паҳмоқ соқол дарвеш,  
Тиланчи-ю, харидор.  
Қора, сариқ, ола говмиш,  
Бозор кезар улуғвор.

Нозли ўтар манглайда хол,  
Сари кийган санамлар.  
Терлаб қадди савол ҳаммол  
Аламонда қадамлар.

Томда, дарахт шохларида  
Пилдирар айёр маймун.  
Иўлда, дўкон рахларида  
Ким ғамгину ким мамнун.

Қимдир излар ризқу рўзин,  
Қимдир кўзлар сармоя.  
Қимки олғир, берар тўзим,  
Жумбоқлар бениҳоя.

Типирчилар, типирчилар  
Бунда ҳаёт гирдоби.  
Қанотлари куйган гўё  
Мажруҳ парвона каби.

*1968 йил*

## ОНА ТУПРОҚ

*(«Қитғалар оша» туркумидан)*

Ватанинг бор, кўксинг тоғ,  
Деб сўйламас эл бекор.  
Юртим борки, бахт ҳамроҳ,  
Дилда шавқу қўшиқ бор.

Сенсиз бағрим бўш адир,  
Сенсиз нетсин бахт, қўшиқ.  
Пуч буғдойман беқадр,  
Сомони бор, дони йўқ.

Шавқимда йўқ ҳарорат,  
Сездим ошиб ўлкалар.  
Хаёлим беҳаловат,  
Дилда нохуш кўлкалар.

Сен бўлмасанг, оҳимнинг  
Аввали бор, сўнги йўқ,  
Сенсиз кечган чоғимнинг  
Оқшоми бор, тонги йўқ.

Узга юрглар қуёши  
Илитолмас бағрим ҳеч.  
Борми гардинг қиёси,  
Сенда кўнгил эрта-кеч,

Сен деб сизмай кўксимга,  
Қалбим қил дер тез парвоз.  
Тупроғингни кўзимга  
Азиз нондай суртсам оз.

*1969 йил*



## ЖАРОҲАТЛИ ИИЛЛАР НАЗМИ

### ОПТИМИСТИК ЭЛЕГИЯ

Дарахтларни юмдалар бўрон,  
Чарх уради қор бўлиб устун.  
Гоҳ қутуриб ув солар бўрон,  
Ҳатто печка қайтарар тутун.

Шундай кезда келди машъум хат  
Кўришмоқлик умидин узиб.  
Жангдан ғолиб қайгар, деб хушбахт  
Кутар эдик сарупо тузиб.

Кнймоқчийдим оқ шойи кўйлак  
Сени кутиб пешвоз чиққали.  
Қора кийдим (илож йўқ бўлак),  
Уша либос битмасдан ҳали.

Едга тушди ўша қора кун,  
Деразани тимдаларкан қор.  
Қалбни эзар ғам солган тугун,  
Бўронлар ҳам сезилмас зинҳор.

Ииллар ўтди, рамкадан менга  
Кеча-кундуз турасан боқиб.  
Сен тириксан, сенинг шаънингга  
Бўладими ўлимни тақиб.

Бир кун шоҳи келтириб атай,  
Гулларини, дединг, яхшим?  
Узинг берган букетдан қиттай  
Кам билмадим унинг нақшини.

Ўиллар ўтди рамкадан ҳамон  
Меҳр билан қарайсан менга.  
Хотирангни сақлайман омон  
Садоқат-ла боқаман сенга.

Худди сендай қилиб гул босдим,  
Читларимнинг давруғи тилда.  
Ҳавас билан оларкан ҳар ким,  
— Омон бўлгур! — дейишар дилда.

Сен омонсан, чунки зафарнинг  
Байроғида акс этар юзинг.  
Сен тириксан, асло сўнмайди,  
Севиб таққан қизил юлдузинг.

*1947—1954*

## ҲАМОН ЧИРОҚ ЁНАР ЛЕНИН УЙИДА

Шонли Ленинград таслим бўлсин деб,  
Фашистлар йўллади очлик ва қамал.  
Самода мурдахўр қузғунлар учиб,  
Осмондан, денгиздан ёғдирди ажал.

Муқаддас тупроғинг топталмай зинҳор,  
Чекинди шармисор ёв этган хуруж.  
Ғанимлар доимо бўлур тору мор,  
Октябрь ўтига келар бўлса дуч.

Сен мағрур турасан Болтиқ бўйида,  
Глинка, Некрасов, Пушкин шаҳари.  
Ҳамон чироқ ёнар Ленин уйида,  
Одамлар интилар Смольний сари.

*1956 йил, Ленинград*

## МЕНИНГ ШАҲРИМ

Саройлар осмонга кифтини тираб,  
Муҳташам аксини кўради сувда.  
Соф олтин гумбазлар нурда ялтираб,  
Қуёшни акс этиб турар осуда.

Ҳашамдор пештоқни кўтариб бошга  
Азамат устунлар савлат тўкади.  
Парилар, маъбудлар айланмиш тошга,  
Мармар шер қаршимда тизза чўкади.

Бундаги ҳар тошда санъат сайқали,  
Нафосат мактаби бу шаҳри азим.  
Пушкиннинг уйи бор Мойкада ҳали,  
Қирғоқда кезар у хаёлчан ва жим.

Гранит соҳилни ўпиб қуйида  
У севган тўлқинлар тинмас ҳеч қачон.  
У юрган қирғоқда — Нева бўйида  
Ўша мис чавандоз тик боқар ҳамон.

Сендаги ҳар нарса азиз, муътабар,  
Сендаги ҳар лавҳа Лениндан нишон.  
Эрк учун биринчи бўлиб ҳар сафар  
Сен зафар байроғини кўтарган макон.

Шонли Ленинград, сен менинг фаҳрим,  
Фарзандлик меҳримни эгаман изҳор.  
Сен учун фашистга ёғдирдим қаҳрим,  
Жангларда синалган садоқатим бор.

*Ленинград. 29.IX, 1956 й.*

## ДУСТ ҚАБРИДА

(Жангчи блокнотидан)

Ястанишиб гоҳида қорга  
Евни суриб, дам олиб хушҳол,  
Гулхан ёқиб оқ қайинзорда  
Биз неларни қилмасдик хаёл.

Айтар эдинг шунда: — биз омон —  
Қайтар бўлсак она қишлоққа,  
Уй соламиз, дердинг, ёнма-ён  
Салор тўлиб оққан қирғоқда.

Қалбингда жўш урарди ҳавас,  
Ғалабани кутиб бесабр.  
Уйлабмидим, шунда уй эмас,  
Сени қучар, деб совуқ қабр.

Қабр устида шовуллайди дуб,  
Сен шундасан, шонли қаҳрамон.  
Ҳажрингда зор йиғлади маҳбуб,  
Ёдинг дилни ўртайди ҳамон.

Бермаймиз деб душманга омон  
Қабр устида ичамиз қасам.  
Жудо бўлмай инсондан — инсон  
Орзусига етсин ҳар одам.

*25 сентябрь. 1956. Ленинград*

## КУМУШ СОЧ

Тушганидек бемаҳал қиров  
Сочларимга оралади оқ.  
Ўргатгандек гўёки биров,  
Нега бундай? — деб қилдинг сўроқ.

Тугилмаган эдинг у чоқда,  
Фашист бузди юрт ҳаловатин.  
Ев ҳар шаҳар, ҳар бир қишлоқда  
Қирмоқ бўлди тириклик отин.

Жангга кирдим Ленинградда,  
Бахт келтирган шаҳарни асраб.  
Маҳкам тутиб Ленинни ёдда,  
Биз ташландик душманга қараб.

Кўкка сапчиб бомбадан тупроқ,  
Йўл тўсарди тутун, қора дуд.  
Ҳатто ерга тушарди титроқ,  
Снарядлар пуркаганда ўт.

Смольнийда тургандек ҳамон  
Ленин доим берарди далда.  
Зарбимизга қойилдир жаҳон,  
Омон чиқдик ўтли қамалдан.

Енгилмади қаҳрамон шаҳар,  
Зўр синовга беролдик бардош.  
Омон қолди жонажон шаҳар,  
Шундан нишон бу кумушдек соч.

*1957 йил*



## АЖАБО

*(Жангчи блокнотидан)*

Тажанг тўплар тийди жаҳлини,  
Жанг тўфони, суронлар тинди.  
Қоплаб ётар кенг дашт саҳнини  
Пачоқ танклар, ўликлар энди.

Яширмоқ-чун даҳшатли ҳолни  
Тун ҳам ёпди аста қора шол.  
Траншейда қисмимиз қолди,  
Ким мудрайди, ким инграр беҳол.

Бўлган каби ой ҳам ярадор  
Қирди пора булутлар аро.  
Юлдузлар кўз ёшидай бу бор  
Томмоқчими? Кўк мотамсаро.

Ҳамширалар ўтар шарпасиз,  
Прожектор титар осмонни.  
Қизил мушак кўкка солар из,  
Сачратгандек ярамдан қонни.

Ажал худди қора калхатдай  
Айланади жон олмоқ бўлиб.  
Чалғитмоққа уннайман атай,  
Уйқу босар киприкка қўниб.

Во ажабо! Кирибсан тушга,  
Ошиб денгиз, дарё, тоғ, ўрмон.  
Ижозат йўқ! — дейсан ўлишга,  
Жанглар оша келиб мен томон.

Яна ўша мудҳиш манзара,  
Ахтараман шарпанг қўл чўзиб.  
Лов-лов ёнар ўқ очган яра,  
Улмам сендан умидим узиб.

Ҳа, ўлмайман, ёвни ўлдирмай!  
Ошиқларга ўлим йўқ асло.  
Қўнглинг бўлмай келдингми атай,  
Жангда тушга кирдинг, ажабо!

*1962 йил, апрель*

## ИККИНЧИ УМР

У улғайиб тоғли қишлоқда,  
Олисада кўз юмди жанг чоғи.  
Тин олар у йироқ-йироқда,  
Қайинзорда унинг тупроғи.

Мардлик унга берибди сайқал,  
Ростланмишди бронза қадди.  
У қайтадан тугилиб бу гал,  
Юртга қайтди. Энди ҳеч маҳал  
Унга сиғмас ўлимнинг ҳадди.

*1962 йил, май*

## ОНА ЕР ВА ШЕЪР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Битмай қолди бошланган шеър,  
Қисм ёвга ташланди жадал.  
Тўзғиб кетди тилка-пора ер,  
Изғиб қолди майдонда ажал.

У ҳам жангда кўрсатиб мардлик,  
Ёвга худди ўқдай отилди.  
Траншейга уриб ўзни тик,  
Беш немисни ерга жо қилди.

Шунда бирдан кўкси жиз этиб,  
Мукка тушди она тупроққа.  
Кўзи тиниб, дам ҳолдан кетиб,  
Интилар у ёв қочган ёққа.

Ҳолдан кетиб қўйди бошини,  
Ёдга тушди битмаган шеъри.  
Бир ўт қуршаб ичу тошини,  
Шеърин олиб солди кўз қирин.

— Сенга эди жонажон Ватан,—  
Дея олди, сўнгги сўзи шу.  
Ер ҳам тилга кирди дафъатан,  
Сархуш бўлиб қулоқ солди у.

«Қонинг билан эзгу бир шеър —  
Ездинг менинг сийнамга, ўғлон.  
Назмнинг тугал қўрқмас баҳодир,  
Ҳар бир сатринг муқаддас, равон.

Бу назмингдан гуллар унади,  
Булбулларга бўлиб бир китоб.  
Шохларингга қушлар қўнади,  
Капалаклар елар беҳисоб.

Қўйдим сенга мангу ошён,  
Қучоғимда энди ором ол.  
Унутмайман сени ҳеч қачон,  
Кўнглинг тинчит, шеъринг баркамол».

Аллалаган сингари аста  
Сўзлар Ватан онадай майин.  
Йигит кўзин юмди оҳиста,  
Эркаланган бир фарзанддайин.

Бу сўз танда оғриқ бошлаган  
Жароҳатнинг оташин қувди.  
Чеҳрасига соя ташлаган —  
Армонларин табассум ювди.

У ётибди, қўлида шеър,  
Юрак қони этмиш арғувон.  
Ҳилпирар шеър ел эсса ғир-ғир  
Бўлиб мисли лола ранг алвон.

*1962 йил, май*

## РОЯЛЬ

Нола қилиб саҳнада рояль,  
Жанг йилларин эслатур бир-бир.  
Куз елидай чарх урар хаёл,  
Дил япроқдай титрайди дир-дир.

Учиб хаёл олис йилларга,  
Қонли кураш ваҳмин сезаман.  
Оташ тушиб яна дилларга,  
Ўзни жанглар аро сезаман.

Куй денгиздек кўтарур сурон,  
Гуё унда чирпирар хаёл.  
Қаршимда бир қанотсиз, нолон,  
Чайкадек зор қақшайди рояль.

*1963 йил*

## У ҲАМОН ЕШ, ҲАМОН НАВҚИРОН

### I

Жангдан чиқиб, тин олган кезлар,  
Ажрамасдик бир-биримиздан.  
Она-юртни, дўстларни эслаб,  
Сўзлашардик севгидан, қиздан...

Билсам, ишқда ёнган зорига  
Севган ёри боқмабди қиё.  
Тош урибди кўнгил торига,  
Ўзгага у экан маҳлиё.

Шунда ҳамки севарди ҳамон,  
Қизнинг ёди унинг ҳамроҳи.  
Расмин жондай асарди ўғлон,  
Ёддан чиқмас бу юрак оҳи.

### II

Яна кетди разведка сари,  
Тирик қайтиб келмади бироқ.  
У кўрсатган мардлик хабари  
Тезда полкка ёйилди шу чоғ.

Кўмдик уни. Бош эгиб турдик,  
Тошга ўйиб ёздик номини.  
Ёр эмас, ер қучди у шўрлик,  
Қутганмиди ҳеч қачон бунини!

Қўзин юмди баҳодир ўғлон  
Севги гулин искамай зинҳор.  
Жон берди юрт бўлсин деб омон,  
Билмай висол нашъасин бир бор.

### III

Йиллар ўтди, йиллардан ошдим,  
Қўз олдимга келар у ҳамон.  
Қанча-қанча йўллардан ошдим,  
Ёди дилдан кетмас ҳеч қачон.

Келдим ўша жанг ўтган ёққа,  
Бағрин очди янги бир қишлоқ.  
Жангда ҳалок бўлган ўртоққа  
Гуллар териб келдим бир қучоқ.

Қабр турар липа тубида,  
Тош ўрнида обида кўрдим.  
Зарҳал номи ёз офтобида  
Жилоланур, бош эгиб турдим.

Гул қўяди йигитлар, қизлар,  
Гир атрофи бўлса ҳам бўстон.  
Суратларга тушмоқни кўзлар  
Бунда не-не гўзал қиз, жувон.

Қизлардан гул олмоқчи эсанг,  
Мана сенга бир дунё букет.  
Мана, қанча гар севги десанг,  
Ором олу руҳингни шод эт!

### IV

У ҳамон ёш, ҳамон навқирон,  
Аммо бормас қизлар ортидан.  
Эртакдаги қаҳрамонсимон  
Ухлаб ёғар она юртида.



У ҳамон ёш, ҳамон навқирон,  
Қизлар ўзи келар кўргали.  
Унга ўлим бўлмас ҳукмрон,  
Сафимизда яшайди ҳали.

У ҳамон ёш, ҳамон навқирон,  
Гул ёғилар унинг пойига.  
У келтириб ўлимга қирон,  
Гуллар сочар ётган жойида.

*1962 йил*

## ҚАНН ЭНДИ

Қордан ясаб бошларга болиш,  
Тунаганмиз милтиқ қучоқлаб,  
Қақшатарди аёв билмас қиш,  
Ёвга биздек қаҳрини чоғлаб.

Болта билан чопиб қора нон,  
Бўлишганмиз увоқ ҳам қўймай.  
Ҳар хандақ уй, том эди осмон,  
Ёв қувганмиз уйқуга тўймай.

Кечди шундай беором тунлар,  
Ов қилмоқни қўймасди ажал.  
Қонга ботди ёп-ёруғ кунлар,  
Жазавага кириб жанг-жадал.

Тушда кўриб висолни фақат,  
Хат битганмиз қўндоққа қўйиб.  
Хат кутганмиз бўлиб бетоқат,  
Улим ваҳмин бир ёққа қўйиб.

Жангда ўтди муҳаббат пайти,  
Қон қақшади қанча маъшуқлар.  
Бутун бориб, яримта қайтди,  
Ишқ билан маст не-не ошиқлар.

Тумор нусха — уч бурчак хатлар  
Боғлиқ ётур энди сандиқда.  
Аммо ҳамон санчиқ кўрсатур  
Уқлар нзи эски чиндиқда.

Биз-ла кетсин ўша дард-алам,  
Бахт юзлансин барча ошиққа.  
Қаранг, қандай дилбар бу олам,  
Жаҳон тўлсин қувноқ қўшиққа.

*1971 йил*

## ШАФҚАТИМ ПУК

(Ватанфурушга)

Қалбимни ўқ ялаб кетади,  
Бағримга ўт қалаб кетади,  
Юртим,  
Сенга ким қилса бўҳтон.

Жонни тикди сенга қанчалар,  
Қадринг дилда, ардоқли виждон.  
Шул сабабдан тигдай санчилар  
Ким дўлайса,  
Жунбуш уриб қон.

Хиёнатнинг юзи пардалик,  
Авроқ билан чанг солур жонга.  
Қилвир кўрсам феълим зардалик,  
Шафқатим йўқ сотқин инсонга.

Ер қаърида ётар қурбонлар,  
Авлодлигинг оқла деб мудом.  
Сочин юлиб келар замонлар,  
Сотқинлардан ол, деб интиқом.

Шаҳидларнинг номлари тайин,  
Ардоқлидир бу пок заминда.  
Тарихдан сўз очмам атайин,  
Минг йилларнинг сабоғи менда.

Эндиликда сен бўлиб зоҳир,  
Минг турланиб қурдинг замзама.  
Зиммадаги ҳунаринг оғир,  
Аврайман деб бўлма хомтама.

Эмиш, миллат бўлганмиш адо,  
Кечмишимиз оёқ остимиш.  
Бўлганмиш эл қарам ва гадо,  
Истиқболни зулмат босди миш.

Ҳокимликнинг васвасасидан  
Бу диёрда барча эл озод.  
Тотувликнинг шаън-нашъасидан  
Диллар обод, ўлка ҳам обод.

Уртададир нону насиба,  
Қурбимиз ҳам, қудратимиз ҳам.  
Партиямиз солган жозиба  
Элни этмас бир-биридан кам.

Халал берма бизга, қув кинчи,  
Номишдан ҳам ор қиламан, ор!  
Юрт бахтин кўр!  
Ҳа-я, айтганча,  
Бунга сенинг нима дахлинг бор?!

Мардуд Гитлер ялоғин ялаб,  
Сигинардинг руҳига чунон.  
Энди ўзга қаллобга қараб,  
Қўш қўл билан тутдингми имон!

Нени кутиб бўларди ахир,  
Ҳаёси йўқ ватанфурушдан?!  
Иблислар ин қурган қув бағир,

Тинмай қолди жағинг хуришдан.  
Бўлиб қолдинг қачондан буён  
Юртга содиқ,  
Элга меҳрибон?

Қаттол фашист босган чоғида  
Дил доғлаган сен эмасмидинг?!  
Юртдошларни ёв пнчоғи-ла  
Чавақлаган сен эмасмидинг!

Концлагерь оралаб юриб,  
Не дилларни йўлдан оздирдинг.  
Не жонларни ўтда қовуриб,  
Не мардларни дорга остирдинг.

Оналарнинг қўли ёқангда,  
Хун сўрайди узилган жонлар.  
Юрак ютиб қара орқангга,  
Кўзи очиқ ётар қурбонлар.

Етимликнинг доғи дилларда,  
Қурбонларнинг фарзанди ҳаёт.  
Олишгандик ўша йилларда,  
Қурашимиз тугамайди бот.

Бўлмаганда сендайлар макри,  
Уруш умри тугармиди тез.  
Қам бўларди жудолик заҳри,  
Ҳамон диллар аламдан без-без.

Ҳеч тугамас уруш заҳмини  
Ўз танамда олиб юрибман.  
Сен билмайсан бунинг фаҳмини,  
Бас қил, ўтдай ёниб турибман.

Етти ёт-ла битишмоқ мумкин.  
Аммо сен-ла ҳеч бир, ҳеч қачон!  
Уртада бор адо бўлмас кин,  
Яқинига йўлатмас виждон.  
Қор ёғиб из босилди дема.  
Қор эриган,  
Изларнинг аён.

Фоҳиш учун виждон ҳеч нима,  
Наҳс қўллардан емоқдасан нон.  
Пўлларнинг қон,  
Қўлларнинг ҳам қон,  
Тўқингнинг турфа фисқ-фасод.  
Турланма кўп,  
Бозоринг касод.

Ғаним тутган хамиртурушдан  
Кўпчитдинг зап ғийбатли китоб.  
Турқинг аён юриш-туришдан,  
Бизга таниш сен кийган ниқоб.

Қара, ёвуз Гитлер арвоҳи  
Думин қисиб юрар юртида.  
Муридларин кам қолди соғи,  
Нюрнбергининг суди ортида.

Сен ҳам қолдинг осилмай дорга,  
Зулмат топиб шабпарак мисол.  
Бижиб ётган кинли бозорда  
Бўлиб қолдинг сўзамол даллол.

Гитлерга қўл берганинг кундан  
Аждодинг ҳам, авлодинг ҳам йўқ.  
Юз қаролик бошланиб шундан,  
Ғурбатдасан, осуда дам йўқ.

Ўзга замин ва ўзга осмон  
Кимга юпанч берди ғурбатда,  
Еллаш учун тутилган эҳсон  
Қутқарганми доғи кулфатдан.

Таъқиблайди юрт ранжи ва қон,  
Тириклайин бўлмайсан халос.  
Юрт гадолик — сўнгги йўқ армон,  
Ҳаёт сендан олмоқда қасос.

Паноҳ излаб сен жиноятдан,  
Алам билан беражаксан жон.  
Мурданг қолиб ўзга лаҳатда,  
Суягинг ҳам бўлар саргардон.

Сенга лойиқ шундайин сазо,  
Бундан ортиқ бўлурми жазо!

*1972 йил*



## ТАРИХИМДАН СОТМА САФСАТА

### I

Оширмагил,  
Яширмагил ҳам.  
Ким эканим оламга аён.  
«Жон куйдириб» жаврама кўпам,  
Ким сўради бўл деб корчалон?..

Сенга қачон,  
Ким берди изи  
Тарихимдан сот, деб, сафсата?  
Талқинларинг чалғитмас кўзим,  
Минг товланиб, термилма сохта!  
Тингла дилсўхта:

Мен осмондан тушганим ҳам йўқ,  
Ердан чиққан эмасман чандон.  
Шу заминда топганман ҳуқуқ,  
Номим ўзбек,  
Унвоним инсон!  
Башарийдир томиримда қон!

### II

Инсон зоти ҳоким ва тобе —  
Бўлган кундан ривоят сўқдинг,  
Макринг тўла тарих китоби,  
Адолатнинг бўғзидан бўғдинг.

Дам чалғитдинг кўрсатиб зуннор,  
Дам аврадинг ўгириб тасбеҳ.  
Эл эш бўлса чидамай зинҳор,  
Зимдан туриб солдинг аччиқ тиг.

Гоҳ уни, гоҳ буни шиширдинг,  
Элни элга тезлаб хамиша.  
Манманларни ҳаддан оширдинг,  
Кўкрак урдинг билмай андиша.

Олий прқдан бошқа мустасно,  
Деб чунонам кўтардинг сурон.  
Бу телба дард қўзгаган асно  
Эллар элга келтирди қирон.

Қилич сермаб баъзи авлодим  
Қаллалардан кўтарганди тоғ.  
Бу удумга йўқ эътиқодим,  
Тарихимда қолди бўлиб доғ.

Ушанда ҳам эдинг оғули,  
Фотиҳларга малай доғули.

### III

Жаннат ваъда қилди баъзилар,  
Сароб тутиб,  
Заққумлаб ҳушим,  
Ихлос қўй, деб шилди баъзилар,  
Гўлатмади гирдоб бахт қушим.  
Бошим қаттиқ эканми тошдан,  
Гоҳ қад ростлаб,  
Гоҳо йиқилдим.  
Тарих сандонида чақилдим.  
Не синоат кечмади бошдан,  
Довонлардан ошдим, қоқилдим,  
Берк йўлларга мен кўп тақилдим,

Қалб зирқирар танглик, талошдан.  
Бахт изладим басталаб ашъор.  
Кўз ёшларим суғорарди дон.  
Қоним чекиб бўлганман меъмор,  
Истеъдодим биледи жаҳон.

Кечди бир-бир бари дунёдан,  
Жаҳонга зеб қўшолдим рўй-рост.  
Асло умид узмай зиёдан.  
Нур ахтариб,  
Кўтардим овоз.

Фарёдимни эшитди Ильич,  
Кўриб мени зулмат бурчида.  
Октябрда ўйнатдим қилич,  
Қудрат топиб дўстлик кучидан.

Ўзбек дея кўтардим доврўқ,  
Қимлигимни тан олди олам.  
Шу бирликдай бахт ва қудрат йўқ,  
Энди тубдан мен ўзга одам.

Қадр топдим,  
Савлатимга боқ.  
Қудрат топдим, давлатимга боқ,  
Бошим узра ҳилпирар мағрур  
Хумо бўлиб яллиғдор байроқ.

Марсга етган вимпель гербида  
Бордир ҳатто ўзбекча калом.  
Улушим бор Ватан қурбида,  
Авжим шундай этади давом!

#### IV

Тарих сўқиб тинмадинг бай-бай,  
Бир қарасам,

Кўтардинг кўкка,  
Бир қарасам,  
Уялмай-нетмай,  
Ерга қориб, чиқардинг йўққа!

Демадингми, ожиз, нотавон,  
Демадингми, ноқобил инсон!  
Шундай дединг бўлмай инқилоб,  
Зор қақшаган кунларимда сен.  
Хукмдорлар зулминни қўллаб,  
Зулмат қўшдинг тунларимга сен!

Энди бўлса,  
Қилиб «илтифот»,  
Тўқиб қолдинг зап байту ғазал.  
Мунча турлаб турмасанг бот-бот,  
Қараб туриб дейман, алҳазар!

Сен тарихчи эмас,  
Нифоқчи!  
Сўз қадри менда!  
Сен дам бойқуш,  
Дам қув шувоқчи,  
Ташвишимни ким қўйдн сенга?!

Элда кўрсанг кину адоват,  
Жонинг яйраб, тарқалур хумор.  
Борми сенда қилча диёнат,  
Ҳар сўзингда қанча заққум бор

Кун кўрасан виждонни мутаб,  
Кимга керак сендан ҳимоя?!  
Диллардан ни излайсан тутаб,  
Сен догули,  
Шум қора соя!

1972 йил

## АЛАМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

Ачинганни ёқтирмас жиним,  
Қисмат зимдан ўртар бўлса ҳам.  
Жўшқин сойдек ўтмакда куним,  
Дилга баъзан ўкинч тўлса ҳам.

Аламларни қолдириб доғда,  
Лабга ханда тўлдиргум лим-лим.  
Нолир эсам қийналган чоқда,  
Қайтарурми оёғим ҳеч ким?!

— Дардинг олай,— дерлар, мен бунн  
Ҳеч кимсага кўрмайман раво.  
Ўзим тортай бу дард доғини,  
Юпатмоқдан наф йўқ мутлақо.

Йўқ, ачинманг қийналса жоним,  
Ўринга сиз бўлолмайсиз жон.  
Ачинганни мен кўрган оним  
Ўзни сезгум ожиз, нотавон.

Яширмайман, шикаста дилман,  
Аммо ўзни демам ногирон.  
Аламларнинг олдида филман,  
Ўртаса ҳам дилни ноғиҳон.

Чин дўст эсанр, далда бўла бил,  
Ачинганни ёқтирмас жиним.  
Юрак бутун, синса ҳамки дил,  
Қонимда ўт ўйнар бетиним.

Қўлдан тушмас янграган созим,  
Ҳали айтар қўшиқларим кўп.  
Илҳомга эш бўлмоғим лозим,  
Шу ҳаётнинг шавқига тўлиб.

Жангда юртга мен қилган хизмат —  
Чаласини ўгамоқ ўйим.  
Юрагимда беадад ҳиммат,  
Бир ҳимматки, дил тўла куйим!

*1973 йил, январь*

## МОЗИИ ҚАРШИДА

### ШОҲИЗИНДА

Сағанада ётар фотиҳлар,  
Пастқам гўрда хаттот, мунажжим.  
Бунда кечмиш замона ухлар  
Уркач-ўркач қабрларда жим.

Бир томонда хароба турар  
Жулдур кийган дарвеш сингарин.  
Бир томонда яшнар, ярқирар  
Гумбазларнинг шаффоф сирлари.

Мақбаралар кошопа эрур  
Жилваланар ҳар девор, ҳар тош.  
Сайёҳларни ҳайрон қолдирур  
Бунда қабри кўринмас наққош.

Подшоҳлар дағдағасини  
Олиб кетмиш довулли йиллар.  
Босиб қабр бўсағасини  
Чиқолмайди ҳеч қачон улар.

Асрлардан ошар мардона  
Тошга ҳаёт бахш этган меъмор.  
Чўккан қабр узра мардона —  
Қурмиш сапъат бўлиб жилвакор.

Саганада ётар фотиҳлар,  
Пастқам гўрда хаттот, мунажжим.  
Бунда кечмиш замоиа ухлар  
Ўркач-ўркач қабрларда жим.



## РЕГИСТОН

Регистон майдони кимсасиз бўм-бўш,  
Уч ёнда мадраса сукут қилади.  
Жилвакор арклар тек туради хомуш,  
Замонлар тарихи ёдга келади.

Кўзимга кўринар тожу тахт жанги,  
Отага ўғилнинг қилич тортгани.  
Отларнинг кишнаши, совут жаранги,  
Танасиз каллалар ерда ётгани...

Чипор миноралар тик қотиб турар  
Улуғбек мотамин тутгандек ҳануз.  
Регистон кўкида ҳар кеч милтирар  
Кўз ёши сингари саноқсиз юлдуз.

Маъюс ой нурида мунгли туюлар  
Деворда товусдек товланган сирлар.  
Замонлар тарихи қалбга қуйнлар  
Жонланар қасрлар, қонли асрлар.

## ГҒРИ АМИР

На тож бакор келди,  
На тахт,  
На хирож,  
На ризқи қийилган  
Юртлар берган бож.  
На қон қусган ўлкалар  
Ўўллаган ганжи.  
Хазина тўлатган  
Қулларнинг ранжи.  
На сароб сингари  
Сўнган шаҳарлар,  
На ёвқур лашкару  
Фатҳу зафарлар.  
Самарқанд сайқали  
Ва на Бухоро  
Жаҳонгир жонига  
Киrolди оро.  
Қалладан яралган  
Миноралар ҳам  
Юртидан ажралган  
Дилпоралар ҳам  
Жаҳонгир умрини  
Қилмади узоқ.  
Мана Темур ётур  
Тупроқда бу чоқ.  
Салтанат соврилди,

Битди мероси,  
Тупроққа қоришди  
Ўт-эҳтироси.  
Тўзондек тўзиди бож ҳам, хирож ҳам.  
Соядек сирғилди олтин тахт, тож ҳам.  
Фақат ундан қолди мағрур сағана.  
Унинг-чун асрлар  
Пилла поғона.  
Нақшлар хандаси  
Ичу тошида,  
Ранглар ҳандасаси  
Гумбаз бошида.  
Қошинлар жилоси  
Қуршаб дамо-дам,  
Сеҳрига олмишдир,  
Лолдир ҳар одам...  
Кетмай деб жаҳондан  
Номсиз, нишонсиз,  
Қолмай деб тупроқда  
Изсиз, маконсиз,  
Жаҳонни титратган  
Эл қийратган шоҳ  
Шу эл санъатидан  
Топмишди паноҳ.  
Аммо адашибди  
Тадбиркор Темур,  
Бу ердан топмабди  
Иккинчи умр.  
Бунда ҳукм сураб  
Ўзгача ҳолат,  
Ўзгача ҳокимлик,  
Ўзгача одат:  
Истибдод ўлигу,  
Истеъдод тирик.  
Шоҳ ижод тиригу,  
Шаҳаншоҳ ўлик.

## КУҲНА КУҲАК РАСАДХОНАСИ

Кўҳак тепалиги узра бир замон  
Рангин расадхона солмиши савлат.  
Тасаввур тиклаган бинони бу он  
Хаёлан кезаман қаватма-қават.

Замонлар қаърига кўчи-ю руҳим  
Мирзо Улуғбекни кўрдим паришон.  
Дилида фалакнинг сеҳри, шукуҳи,  
Кўзига юлдузлар қурмиш ошён.

Фақат бу даргоҳда тожу тахт ранжин  
Унутиб самога боқар уйқусиз.  
Тўзондек таралиб султонлик ганжи,  
Юлдуздан юлдузга кўчар туйғуси.

Хона, ним хоналар, рангин хоналар  
Етти иқлим рамзин этмиш жилвакор.  
Ўлкалар, уммонлар ҳушимни олар,  
Баҳайбат тик тоғлар кўрсатмиш виқор.

Бу ер нақ курранинг худди ўртаси,  
Фалакка ўхшайди Султон расади.  
Бу ер нақ юлдузу ойнинг ўрдаси,  
У само ичида само ясади.

Бу ерда тафаккур, илм ҳукмрон,  
Бу ерда Улуғбек шоҳмас, мунажжим.  
Қўшинмас, юлдузлар унга нигорон,  
Қўшинмас, ой, қуёш қилади таъзим.

Бунда бор на шамшир ва на дубулға,  
На камон, на ўқдон, на тиг, на қалқон.  
На синчи, на сувлуқ чайнаган йўрға,  
На қурол сочилган жанг ўтган майдон.

Бунда бор юлдузлар ўлчагич олат,  
Фалакни кузатгич чақноқ мис ёйлар.  
Гардишлар олмишди тилсимдай ҳолат,  
Аниқлиқ топмишди бунда йил, ойлар.

Бу ерда сурон йўқ, сукунат ҳоким,  
Зеҳилар фалакка ўрлаб боради.  
Бу ерда идрок жим юритиб ҳукм,  
Ҳаттоки қилни ҳам қирқ бор ёради.

Қозизода Румий жим, Али Қушчи жим,  
Ғиёсиддин Чустий жим рақам чекади.  
Мунниддин аста «Улуғбек зижин»  
Фаҳр этиб таҳририн кўриб чиқади.

Оҳишта одимлаб савлатли Султон,  
Юлдузлар жадвалин кузатар унсиз.  
Соқолин тутамлаб, ўйланиб чунон,  
Баъзи бир битикни тузатар унсиз.

Ҳар китоб қошида бош тебратиб шам,  
Наздимда қувончдан ёш тўкар мўлт-мўлт.  
Атай шу тепага бўлган каби жам,  
Юлдузлар гоҳида учади ялт-юлт.

Салтанат ранжидан толиққан Султон  
Фақат шу даргоҳда топар ҳаловат.  
Жаҳолат зарбига йўлиққан Султон.  
Фақат юлдузларда кўрмас адоват.

Олидан Самарқанд миноралари  
Кимхоб тўн енгидай жилованади.  
Масжиду мадраса гумбазин бари  
Ойдинда осмондек тек товланади.

Чиндан ҳам «Самарқанд рўйи заминнаст»,  
Аммо Улуғбекка занжирсиз зиндон.  
Қуёшдек зулматни отиб забардаст,  
Қани, қилсам, дейди, юртни нурафшон.

Эзилиб шаҳардан узаркан нигоҳ,  
Варақлар рақамлар тўлган китобин.  
Сўнг юлдуз тўпига термилиб чанқоқ,  
Ярим шимиради Ургут гулобин.

Замонлар қаърига кўчди-ю руҳим,  
Мирзо Улуғбекдан тополдим нишон.  
Дилида фалакнинг сеҳри, шуқуҳи,  
Кўзига юлдузлар қурмиш ошён.

Бир лаҳза мен томон ўгириб нигоҳ,  
Тутқазди таҳрирдан чиққан китобин.  
Сўнг коса узатди, сипқордим шу чоқ  
У ярим шимирган Ургут гулобин.

Кўҳак тепалигин нақ ўркачида  
Кўҳна расадхона ўрни бор ҳамон.  
Бир лаҳза эрк берсанг ҳислар кучига,  
Кўринур асридан қувғинди Султон.

## АЛИШЕР ЮЗ ТУТДИ САМАРҚАНД САРИ

Оламдан кўз юмди Амир Курагон,  
Бепоен салтанат бўлди юз қуроқ.  
Мирзолар ҳар юртда бир соҳибқирон,  
Олтмиш йил кечса ҳам, тожу тахт улоқ.

Юртма-юрт чанг солди жанг гирдибоди,  
Олимлар дарбадар, деҳқон қўнимсиз,  
Қайга ҳам етарди шўрлик эл доди,  
Шаҳарлар бефайзу қишлоқ кўримсиз.

Кимлардир юз тутди Шому Ироққа,  
Кимлардир йўл олди Ҳиндистон томон.  
Навқирон Алишер кезди фироқда,  
«Ғурбат аро ҳоли ёмондан-ёмон».

Лутфий фатвосидан қанотланиб у  
Беназир газаллар этмишди ижод.  
Зулматда илмдан ахтариб ёғду,  
Ҳиротдан Самарқанд сари сурди от.

Ҳали Улугбекнинг руҳи ўчмаган —  
Чўнг шаҳар қуршади «фирдавси монанд».  
Ҳали саройларнинг раҳи кўчмаган,  
Мана, шундай эди кўҳпа Самарқанд.

Аммо сўлғин эди шаъну шавкати,  
Аввалги салтанат салобати йўқ.  
Замоннинг бўлмаса ҳамки шафқати  
Илм-урфон бу ерда топарди йўруқ.

Аъламулуламо, зукко шуаро  
Шоирни фаҳм этиб кўрсатди ҳиммат.  
Муҳаббат уйғотиб фарзандлар аро  
Қозонди Алишер иззату ҳурмат.

Ардоқли шогирддир Абулайсийга,  
Хожа Уҳд Мастуний — устоди аълам.  
Қизиқур Муҳаммад олим дарсига,  
Кўзига тобора кенгаюр олам.

Илмлар зиёсин йўғириб онгга,  
Шеърнат шавқиди кўрсатди камол.  
Оқшомни шамчироқ уларди тонгга,  
Тафаккур ташларди минг турли савол.

Гоҳ ҳорғин чиқади мадрасасидан,  
Қўндириб бошига шинам салласин.  
Оби Машат сойин шўх жилвасида  
Кўради ўткинчи ёшлик палласин.

Қошларин ораси жиндай тугунлик,  
Бодом қовоқларда бордир зўриқиш.  
Қийғоч кўзларида ўйчан туйғунлик,  
Нигоҳда Хуросон учун зориқиш.

Оби Машат оқар, Ҳерируд сойи —  
Шоирнинг ҳиссида жонланур бирдан.  
Мўъжаз мўйловнини снлаб Навоий,  
Ихчам соқолини ўйнар оғир дам.

Сўнг, кезур тепада вайрон расадни,  
Хаёли чирмашур тубсиз фалакка.



Дам фикру ўйини, зулмат босади,  
Улуғбек қисматин қўзғаб юракда.

Ҳов, унда ҳувиллар ҳашамдор маъюс,  
Улуғбек яратган «Чиннихона» ҳам.  
Инлари бузилган қушлардай тўс-тўс  
Тирқираб кетмишди бундаги одам.

Гоҳи Боги баландда хиёбон аро  
Булбуллар хонишин тинглайди хомуш.  
Кўшуку равоқлар бўш, боғ мотамсаро,  
Мармар ҳовузларда изғир каламуш...

Жума намозини ўқинмоқ учун  
Боради вайрона Афросиёндан.  
Замонлар ваҳшати тиндалар ични,  
Йўл босар паршон, кун қизган топда.

Рўдапо дарвишлар ўтар, деб ёҳу!  
Тириклай ўлимга ундаб инсонни.  
Тўйилур нидоси дилга бир оғу,  
Шоир боқмай ўтар ёриб тўзонни.

Ким отда йўртади, кимдир эшакда,  
Пиёда судралар фақир-фуқаро.  
Ғариблик аламин солиб юракка,  
Шоир ҳам боради оломон аро...

Музайян, улуғвор Бибихонимда  
Самодай гумбазлар сирли гумбурлар.  
Ажиб бир салобат босади зимдан,  
Атрофни мунаққаш устунлар ўрар.

Денгиз тўлқинида қалққандай кўпик  
Саллалар тенг чўкиб, тенг чайқалади.  
Сўнг ҳар ким бир ният ўтинадидек.  
Эмиш, фалак бунда қулоқ солади.

Навқирон Алишер шу тумонатда  
Самога қўл чўзиб қилади тоат.  
Шоҳларга инсоф бер, деб, салтанатда,  
Адолат, тилайди, қил, деб, иноят.

Сўнг, кезур Самарқанд расталарини,  
Ўтар жанғир-жунгур туя карвони.  
Китоб дўконлари чорлайди уни,  
Ваъда этиб янги-янги дунёни.

Кашмирдан, Деҳлидаи, Хўган, Хитойдан  
Матолар, матолар, матолар тиқин.  
Қашшоққа булардан ахир не фойда,  
Гадолар соядай судралар секин.

Сўнгги ақчасига харидлаб қогоз,  
Қайта у ҳужрага бўлғай равона.  
Ҳусайн Бойқарога яна битиб роз,  
Шеърда мадҳия тўқир шоҳона.

Маслаҳат йўллайди дўсти султонга,  
Қутлайди қозонган тожу тахтини.  
Ҳомийлик сўрайди илму урфонга,  
Шоир шунда кўрар юртнинг бахтини.

У ҳар кеч оқшомни улайди тонгга,  
Дилида не турли эзгу ният бор.  
Илму фан зиёсин йўғириб онгга,  
Эшигин ланг очур бахтдан умидвор.

## АФРОСИЁБ

Кекса Самарқанднинг бўсағасида  
Асрлар, қасрлар хилхонаси бор.  
Боқаман шаҳарлар ўтоғасига,  
Тупроқлар тубида ётар улугвор.

Тупроққа бурканиб ётган тепалар,  
Узанмиш баҳайбат тўп-тўп гўр мисол.  
Минг йиллаб хаёлга ботган тепалар  
Сукунат қўйнига чўммиш гунгу лол.

Огзини лапг очган ҳангу манг ғорлар  
Бўлмиш қанча-қанча сирларга макон.  
Зарварақ деворлар, рангин деворлар  
Бетида тош битиб, қотмишди замон.

Ҳарбу зарб сурони янчиб гирдобдай  
Не-не манзилларга келтирмиш қирон.  
Ҳар бири Кўҳакдай, Афросиёбдай  
Даргоҳлар устига қурмиш гўристон.

Мозийга марсия ўқийди ҳар дам  
Хазинлик таратиб оҳишта еллар.  
Мук тушган ҳар битта тепага боқсам,  
Бирма-бир қулаган замон гурсиллар.

Бу ерда дуч келур фахру изтироб,  
Аламим — нур топмай ўтган аждодим.  
Тупроққа яшириб санъатдан офтоб,  
Кимлигим танитган халқ — эътиқодим.

Тупроқдан ажрат, деб, юрт меросини  
Давроним зеҳнимга бахш этди қуёш.  
Таҳқирдан айириб халқ даҳосини,  
Таънагир фосиқлар феълин этгум дош.

## САМАРҚАНД ШАЪНИ ДЕБ

Уйлайман, ўйларим куррадай оғир,  
Қафтда қалбдай титрар қадимий дунё.  
Ғуссасин тинглайман ўртаниб бағир,  
Кўргандай бамисли даҳшатли рўё.

Унутиб борлиқни, мозийни кўрдим,  
Аждодлар оҳидан зирқирар танним.  
Замонлар қаърида бир лаҳза турдим,  
Қон қақшаб кўринди ватаним маним.

Мушук мўйлов Чингиз чиқди асабий,  
Қисиқ кўзларидан ёғдириб ажал.  
Қузғундай қағиллаб, қонсираб таъби,  
Қурбонлар устида кўнглини очар.

Пойида қуламиш кўшқлар, равоқлар,  
Қуламиш гумбазлар чўккандай само  
Қулаб миноралар, қулар пештоқлар,  
Эл унга асло тиз чўкмади аммо.

Қора калхатлардай қуйилиб чунон,  
Мияни чўқилар даҳшатли ўйлар.  
Тарих варағидан тўкилади қон,  
Теграмда мурдалар тоғ-тоғ уйилар.

Бурқираб ёнади кекса Самарқанд,  
Саройлар отхона, бозорлар талон.  
Саллалар учади гўё каллақанд,  
Эл қочур юртидан чиққандай илон.

Тил ўйнатиб олов ямлайди китоб,  
Илм-урфон юртига келмишди қирон.  
Булбулга қузғунлар қилмишди хитоб,  
Боғлар гулсиз қолмиш уйилиб хазон

Ўт юрак аждодим Темур Маликдай  
Чингиз чодирига от соламан, от!  
Мнясин чақмоқ-чун худди иликдай  
Ёв тўпин тўзантиб, довлайман ҳаёт!

Ярадор полвондай ер тишлаб гоҳо  
Қаддини ростлади бу қутлуғ даргоҳ.  
Уни шундай кўрди норасо дунё,  
Инқилоб бўлолди чин пушти паноҳ.

Худди жангдан чиққан паҳлавон мисол  
Самарқанд қаршимда турар пурвиқор.  
Бошида кечмишдан не турли хаёл,  
Қошида беқийс нурли истиқбол.

## КҮЗ ЕШ ФОНТАНИ

(Боқчасарой фонтанига)

Эзгу севги, ҳижрон фонтани,  
Кўз ёшингни тиймабсан ҳамон.  
Излаб келдим олисдан сани,  
Сукутдаман қаршингда бу он.

Дилдор бека кўз ёшимни бу,  
Ё турк қизин унсиз фиғони?!  
Ё фонтанга кўчганми мангу  
Марҳумларнинг дийда гирёни.

Ҳамон йиғлар ҳасратли фонтан,  
Хаёлларим мисли бир гирдоб.  
Замонларга сингиб бораман  
Кўрингандек сеҳр этган сароб.

Ўз ҳусни-чун элдан айрилган  
Мазлумалар шарпаси келар.  
Ўз ҳусни-чун эрдан айрилган  
Маъсумалар оҳ саси келар.

Наҳотки ҳусн бахт учун завол,  
Наҳотки ҳусн сабаб қулликка!  
Севгани-ла тополмай висол,  
Наҳотки, ишқ тушса хўрликка!..

Қарахт қилган ўйларим мудом  
Таралмайди силқисам-да бош.  
Дард-ҳасратим бўлмас деб тамом,  
Мунгли боқар бунда ҳар бир тош...

Марҳумалар не тилар мендан,  
Чекил, даҳшат қўзгаган хаёл!  
Қўзга фонтан бўлиб кўринган.  
Бокира қиз, ўз сеҳрингни ол.

1961



## КУЙЛА, ДИЛКАШ ДУТОРИМ

### БҮЗ ЕРДАГИ БҮЗ ЙИГИТ

Бүз ердаги бұз йигит,  
Жондан ширин сўз йигит.  
Мунча зиндан қарайсиз,  
Қошлари қундуз йигит.

Чаногини ёрди гўзам,  
Ҳар кўсак олтин кўзам.  
Қош чимирманг теримда,  
Бригадагиздан ўтсам.

Олма оқиб келади,  
Беҳи қалқиб келади.  
Сизлардан олган байроқ  
Ўтдай балқиб келади.

Илгорлар тенгдошман,  
Қирқ қизларнинг бошман.  
Илдам бўлнинг, жон ака,  
Чечанлар йўлдошман.

1954 йил

## ОЛМАЙСАН ХАЁЛИНГГА

Айб этма қаролмайман офтобдай жамолнингга,  
Талпинсам-да мен найлай, васлингга, камолнингга.

Сўнган каби юлдузлар кўрсатса қуёш юзни,  
Кўрмайман забун ўзни, кўз тушса мисолнингга.

Қалбим ёниб хат битдим, ишқимни баён этдим,  
Етгайманму деб, жоно, бир кунни висолнингга.

Қундуз қуёш, ҳар оқшом мен ойдан сўроқлайман,  
Тушларимда йўқлайман, олмайсан хаёлингга.

Ҳолим надир билмайсан, соянгдай эрур жисмим,  
Олсанг на бўлур исмим ул лаблари болнингга.

## ИШҚИМ ТУШДИ ЕР-ЕР

### Қ и з:

Манов тоғнинг ортида  
Яшил яйлов, ёр-ёр,  
Яшил яйловни десам,  
Бағрим олов, ёр-ёр.  
Унда най чалиб қолган  
Бир йигит бор, ёр-ёр,  
Кел деб, ҳушимни олган,  
Шер йигит бор, ёр-ёр.  
Қушлар, учиб борсангиз,  
Салом айтинг, ёр-ёр,  
Турганмикин аҳдида,  
Билиб қайтинг, ёр-ёр.  
Еллар, айтинг, бўз йигит  
Кутармикин, ёр-ёр,  
Қайтишида кўчамдан  
Утармикин, ёр-ёр.  
Келар бўлса йўлига  
Гуллар сочай, ёр-ёр,  
Келмас бўлса қуш бўлиб,  
Тоғлар ошай, ёр-ёр.

### Й и г и т:

Бир келдингу қайтмадинг,  
Қайтсанг нетар, ёр-ёр,  
Аҳд этайлик, ёш умр

Утар-кетар, ёр-ёр.  
Сурув-сурув қўй боққан  
Бўз боламан, ёр-ёр,  
Қуёш чиқса сенми дсб,  
Кўз соламан, ёр-ёр.  
Сен унда зор, мен бунда,  
Уртада тоғ, ёр-ёр,  
Айтаверсам севгимни  
Бўлмас адоғ, ёр-ёр.  
Қўшиқ қилиб ишқимни  
Найга солай, ёр-ёр,  
Бедов миниб, сен ёққа  
Пойга солай, ёр-ёр.  
Тогда ёққан гулханим  
Лов-лов ёнур, ёр-ёр,  
Сен келмасанг, мен борай,  
Кўз тутиб тур, ёр ёр.

## ОҚ ОЛТИН ҚАРВОН-ҚАРВОН

Оқ олтин карвон-карвон,  
Ёр машина рулида.  
Пахтадан ясай хирмон  
Ёр ўтган йўл бўйида.

Йўл ёқаси теракзор,  
Шохидан тутқазмайди.  
Беллашганда бизнинг ёр,  
Ҳеч кимга ютқазмайди.

Оқ олма, қизил олма,  
Ёр ўтганда отаман.  
Қарвондан ортда қолма,  
Дўстлардан уятаман.

Шийпон олди гул ҳовуз,  
Бекорга гул узмайман.  
Ёрга берган сўзим — сўз.  
Ундан кўнгил узмайман,

Чамбарак қилган сочим  
Белга тушганда кўринг.  
Менинг ёрим чин лочин,  
Йўлга тушганда кўринг.

Оқ олтин карвон-карвон,  
Ёр машина рулида.  
Пахтадан ясай хирмон,  
Ёр ўтган йўл бўйида.

## ҚОРА КҰЗЛАР

Қора кўзлар, тим қора кўзлар,  
Қайдн кўрдим, сайёд экансиз.  
Қора кўзлар, тим қора кўзлар,  
Сайдингизман, билмасмикансиз!

Қора кўзлар, тим қора кўзлар,  
Бу жодуни қайдан олгансиз?  
Ўтга ташлаб кеча-кундузлар,  
Сир бермайсиз, айёр экансиз.

Қора кўзлар, тим қора кўзлар,  
Ҳар боқишда бағрим ёқасиз.  
Бўзтўрғайдек бу кўнгил бўзлар,  
Қачон бахтим бўлиб боқасиз...

## КУЙЛА, ДИЛКАШ ДУТОРИМ

Куйла дилкаш, садоқатли дуторим,  
Ёзиб дилдан ёр ишқида хуморим.  
Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда,  
Зарра қўймай бу кўнгилнинг ғуборин.

Ҳамдамим бўл уйқу қочган кечалар,  
Интизорлик дафтар очган кечалар.  
Ҳар пардада висол шомин эт яқин,  
Қўмсатур ёр бирга юрган кўчалар.

Дардлашурман бошинг босиб кўксима,  
Ёр келганда четда қолсанг ўксима.  
Ёр кетганда қўлга олсам ўртаниб,  
Далда бўлгил, нозланиб сен йўқ дема.



### КЕЛМАСМУ

Баҳор келди севгимга, фасли баҳор келмасму,  
Гулга булбул этур роз, васлимга зор келмасму?!

Қушлар ўйнар ҳавода, еллар майин навода,  
Бир мен ёлғиз афтода, ошуфта ёр келмасму?!

Васл этса ҳам хуморн, қўймайди қизлик ори,  
Ўтли ишқим сардорн билса бир бор келмасму?!

Айтсам адо бўлмас роз, қалбим чертилмаган соз,  
Айлаб кўнглим сарафроз, ул ғамгузор келмасму?!

Ишқим дилда ҳилола, тўлишгай бора-бора,  
Фасли баҳор келибдур, васли баҳор келмасму?!

## ЗАР УЙНАЙДИ ЗАРАФШОН

Зар уйнайди Зарафшон  
Қирғоқ ошиб, қум ошиб.  
Шўх юлдузлар нурафшон  
Изларимдан қувлашиб.

Қизилқумга йўл олдим,  
Хазинага кирай деб.  
Қум қўйнига қўл солдим,  
Юртга олтин берай деб.

Тоғу тошлар оралаб,  
Дўстлар билан йўл ошдим.  
Ер бағрини поралаб,  
Кон устига кон очдим.

Манзил қурдим чўл қувлаб,  
Эртақда йўқ ғубори.  
Кўкда қуёш ой қувнаб,  
Бир кўрмаса хумори.

Чўл уйғониб қўшиқдан,  
Дил тўлғанур кўйига.  
Иноқ элга ошиқман  
Заршунослик кўйида.

## КҰНГЛИМ ҚАРШИ ЧҰЛИДА

Завқим қанот бойлайди,  
Кўнглим Қарши чўлида.  
Меҳнат завқи қайнайди,  
Гнеҳсиз ўнг-сўлида.

Ташна саҳро жон олсин,  
Кумуш канал жимиллаб.  
Ой акс этиб тўлгонсин  
Чўлда денгиз лимиллаб.

Чўлни қувсин чаманлар  
Бўстон бўлиб, гул бўлиб.  
Юлдуз ўпсин хирмонлар,  
Оқ олтиним мўл бўлиб.

Қўшиқ бўлсин, куй бўлсин  
Шавқли ҳаёт жамоли.  
Чўл қўйнида тўй бўлсин  
Нурли ишқнинг камоли.

Кенг уфқлар жилоси  
Қиприklarим учида.  
Қудратимиз жилоси  
Бахтли замон кучида.

## АЗИМ ДАРЁ

Аму дарё, шер дарё,  
Мунча сапчиб оқасан!  
Шовқин солиб бир дунё,  
Мунча асов боқасан!

Азим дарё бўлсанг ҳам,  
Ҳайбатингга инонма.  
Азми танҳо бўлсанг ҳам,  
Тиз чўк, янги инсонман.

Тушовлаб эс-ҳушингни,  
Ташна чўлга ташлайман.  
Топ, деб, иқбол қушингни,  
Бахт йўлига бошлайман.

Чўл қўйнига қулоқ сол,  
Тилсими бор тубида.  
Қудратимдан чирой ол,  
Чақнаб ғўза тубида.

Азим дарё бўлсанг ҳам,  
Ҳайбатингга инонма.  
Қаҳринг тийиб боқ бир дам,  
Мен соҳиби давронман.

## МАЖНУНТОЛ

Соҳилдаги мажнунтол,  
Сен не учун маъюс, лол.  
Бош солурсан ҳамиша  
Қўзғаб дилда минг хаёл.

Мен бўлсам ишқ кўйида  
Турурман сой бўйида.  
Иккимиз ҳам паришон —  
Сен баланд, мен қуйида.

Бўзтўрғайдай дил бўзлар,  
Ерга маҳтал бу кўзлар.  
Ой чиқди, ой жамолим  
Нега чиқмас, тез сўзла.

Соҳилдаги мажнунтол,  
Иккимиз ҳам маъюс, лол.  
Мен ёр кутдим, сен нечуч  
Бош солурсан, айта қол.

## ОНА ЮРТ ҚУШИҒИ

Аглас кийган қиздай яшнар юртим ҳар наҳор,  
Гилам тўқур қир, адирда қуёш ҳар баҳор.  
Аму Сирдан заркокилдай таралур анҳор,  
Бўстонларин сал кўрмаса булбуллар хумор,  
Бўз ерлари мнинг товланиб кўрсатур дийдор,  
Боғларидан еллар олиб учар оҳанглар,  
Шундай кўркам, салобатли юртим, қаранглар.

Қифтига ой, қуёш қўнган савлатли тоғлар,  
Бағри бисот, бахмал ўтлоқ, ойдин булоқлар.  
Этагида жимир-жимир маржон чироқлар,  
Шаҳарлари кўкка ўрлаб очмиш қучоқлар,  
Кўчасидан иноқ эллар дарёси оқар.  
Уфқлари беқасамдан кўчираб ранглар,  
Шундай ўктам, фароғатли юртим, қаранглар.

«Оқ олтин»га макондир бу, олам ҳавасда,  
Улуғ Ленин даҳосидан эрки ораста.  
Партиямиз илҳомига диллар вобаста.  
Қабатида қардош эллар тенг камарбаста,  
Янги зафар ниҳом этиб юз очар тонглар,  
Шундай хуррам, маҳобатли юртим, қаранглар.

## КЕЛСАНГ-ЧИ ГУЛНОР

Оқшом кирди сафолди, юлдузли оқшом,  
Тоғ узра чеҳра очди ой юзли оқшом.  
Жонон, висол чоғидир, унутма зинҳор,  
Барглар тутар кафтида бол тусли оқшом...  
Келақол, Гулнор,  
Келсанг-чи, Гулнор!

Олмос бўлиб ярқираб тоғлар қояси,  
Йўлларингга бош урар боғлар сояси.  
Чодир солиб имлайди сирли қайрағоч,  
Бизга муштоқ сой бўйин пиллапояси.  
Келақол, Гулнор,  
Келсанг-чи, Гулнор!

Шу ой, юлдуз остида ким ўй сурмаган,  
Кимлар ишқ чанқоғида суҳбат қурмаган.  
Кутар хилват оромгоҳ, илк васлимизини  
Ҳали ойдинли оқшом бир бор кўрмаган...  
Келақол, Гулнор,  
Келсанг-чи, Гулнор!

## ТУҒИ АЛЕРИ

Давралардан давраларга кўчсин бу алёр,  
Икки дилни бир-бирига қўшсин бу ёр-ёр.  
Меҳру вафо очди нурли янги бахтхона,  
Майлар тутиб янгратайлик сафоли гулёр.

Қадаҳларнинг жарангидан зеболан, оқшом,  
Шаън қўшиқлар оҳангидан зиёлан, оқшом.  
Гул сочилсин, нур сочилсин вафо йўлига,  
Бахти кулган чеҳралардан жилолан, оқшом!

Завққа тўлсин, шавққа тўлсин шўхланган диллар,  
Тўйхонанинг машъалидан чўғланган диллар.  
Ишқ уйининг остонаси тиллодан бўлсин,  
Алёр айтинг, садоқатга чоғланган диллар!



## ТАРОНАМ

Елларнинг кафтида учгил, таронам,  
Боғлардан боғларга кўчгил, таронам.  
Дил ўртаб висолга интизор этган  
Ёр қалбин тилсимдай очгил, таронам.

Сен қуёш бўлгину кўнглига нур соч,  
Сен баҳор бўлгину қалбида гул оч.  
Васлимга етаклаб, меҳрдан йўл оч,  
Эй менинг сойлардан тошқин таронам.

Чўл келса чекинма, ташна бўлиб ўт,  
Тоғ келса толиқма, ошна бўлиб ўт.  
Сув келса сўнмасдан яшноқ бўлиб ўт,  
Вафо деб авж қилган жўшқин таронам.

## КЕЧАЛАР ЮЛДУЗ САНАБ

Кечалар юлдуз санаб,  
Юлдуз кўзинг деб ёнаман,  
Ой магар чиқса қараб,  
Васлингми деб тўлғонаман.  
Булбулигўёмисан,  
Дилларда гуллар очасан,  
Доғ этур рўёмисан,  
Бир зумда кўздан қочасан.  
Қочма кўп барно нигор,  
Ишқингни мен парвонаси,  
Дилда борин айла ошкор,  
Тўлди сабрим косаси.  
Севмасанг шайдо этиб,  
Сен мунча зимдан боқасан,  
Дилда ишқ пайдо этиб,  
Ҳажрингда ўтдек ёқасан.  
На бўлур боқсанг қиё,  
Кўнгилда ишқинг ғунчалар.  
Мунчалар гуссанг раво,  
Тошданми бағринг шунчалар?!  
Мен вафо бўстони деб,  
Бердим кўнгил сен ёр учун,  
Бул жафо эҳсони деб,  
Бир куш мурувват бор учун.

## ШОҲИ СУЗАНА

Гул тикдим чаман-чамац,  
Жило бериб шакка.  
Доҳий расмини чекаман  
Ҳам шохи, ҳам юракка.

Мен яратган бўстондан  
Ленни назар ташлайди.  
Меҳри азиздир жондан,  
Боқсам кўнглим яшнайди.

Кўшиқ тўқиб доҳига,  
Номин тилдам қўймайман.  
Расмини чекиб шохига,  
Боқиб асло тўймайман.

Тикдим шоҳи сўзана,  
Элга ҳадя бўлсин деб.  
Юртга қилай тўёна,  
Кремлда турсин деб.

*1950 йил*

## ВИСОЛ АЙЕМИДИР

Чаманларда наво ўйнар,  
Кўнгишларда сафо ўйнар,  
Баҳор шавқ бошлаган дилда,  
Жўшиб соғ минг садо ўйнар.

Фалак нур тошқини бошлаб,  
Ниҳоллар уйқуни ташлаб,  
Рақс машқ айлабон гуллар  
Қилиб нозу адо ўйнар.

Бу дам васли висол айёми,  
Чипқил кенг чамакларга,  
Пўлнигда шитизор қалбим  
Сени деб бехато ўйнар.

Эсинг шаббодалар ҳар зум,  
Этиб гулгулчалар таъзим,  
Табнат кўрк очиб маъсум  
Қилиб ўзини фидо ўйнар.

Фақат сенга очилмоқни  
Тилар дил дафтарим бордир.  
Бўлурга дилкашу дилдор  
Юракда минг нидо ўйнар.

## ҚАЙДАНАМ КҰРДИМ СЕНИ

Қайданам кўрдим сени,  
Дил бўзлатиб қўйдинг, нетай,  
Эс-ҳушим сайд айлабон,  
Кўз-кўзлатиб қўйдинг, нетай.  
Талпинур бечора дил  
Ҳар дам хаёлинг дудида,  
Енди жон ҳажр ўтида,  
Елғизлатиб қўйдинг, нетай.  
Интизорлик торта-торта,  
Тоби тоқат қолмади,  
Аҳди паймон шулмиди,  
Ер, излатиб қўйдинг, нетай.  
Бедахл ишқ гулшанин  
Тутган эдим меҳринг кўриб,  
Ташналик доғин солиб,  
Эссизлатиб қўйдинг, нетай.  
Тутди Зоҳиджон сенга  
Кўнгил қушин ардоқла деб,  
Дам-бадам интиқ қилиб  
Маъюслатиб қўйдинг, нетай.

## УТ ТУШДИ ШИРИН ЖОНА

Кўз ташлаб ҳушим олдинг,  
Мен кетдим ёна-ёна,  
Ахир не кўйга солдинг,  
Ут тушди ширин жона.  
Қизлик ҳаёси қўймас  
Дардимни баён этсам,  
Ўзинг арзи ҳол айла,  
Эргашиб ошиқона.  
Сен булбулдек наво эт,  
Ишқингни айлаб ошкор,  
Гуллар каби солиб бош,  
Тинглайини маъшуқона.  
Қиё боқмай десам ҳам,  
Қалбим сенга талпинур,  
Ахир таслим бўлур дил,  
Нозидан тона-тона.  
Йиғит бўлсанг, мард бўлгил,  
Гард қўнмасин дилиннга,  
Топширай сенга қалбим  
Васлиннга қона-қона.

## СЕН КЕТИБ

Сен кетиб, мен бунда ҳайрон,  
дил паришон кечалар,  
Сувратингдан ўргилиб жон,  
кўз нигорон кечалар.  
Босди кўнгил гулшанин куз,  
сен ўзинг бахш эт, баҳор.  
Ўйларим тўзган хазондек  
учди ҳар ён кечалар.  
Сен қуёшим эрканинг, ёр,  
энди фаҳм этдим, нетай,  
Шом кириб, кулмас наҳорим,  
дил зимистон кечалар.  
Билмас эрканман висолинг  
давлатин қадрин, нигор,  
Қайда ул файзу фароғат,  
юмдар армон кечалар.  
Енди Зоҳиджон кўйингда,  
борми инсофинг сенинг,  
Йўлларингда доғ этиб кўп  
этма сарсон кечалар.

17.VII. 1973

## ОЛИСДАГИ ЕРИМГА

Олисдаги ёримга,  
дилдоринг омон, денглар,  
Васлингга интизормиш,  
қайтгил ёр томон, денглар.  
Гуллар узиб кутармиш,  
кўз узмасмиш кўчангдан,  
Кўнгил узиб кетолмай,  
ҳар кун нигорон, денглар.  
Мактубинг суриб кўзга,  
ёдинг билан кезармиш,  
Минг хил гумон эзармиш,  
етар имтиҳон, денглар.  
Бирга юрган чаманлар  
сенсиз маъюс, паришон,  
Фироғинг ўтди жондан,  
ҳажринг беомон, денглар.  
Ишқингда ёниб пинҳон  
Зоҳиджон бунда ҳайрон,  
Сен унда шоду хандон,  
бас энди ҳижрон, денглар.



## МУНЧА ИССИҚ ЭКАН ЮЛДУЗИНГ

(Қиз қўшиғи)

Ўт қарашлар, ёниб қарашлар,  
Ўз ҳолимга нега қўймайсиз.  
Бағри тош деб нолиб қарашлар,  
Қачонгача мени қийнайсиз.

Чертиб қўйдинг кўнгил торини,  
Мунча иссиқ экан юлдузинг.  
Ардоқлайман қизлик орини,  
Изҳори дил бошла сен ўзинг.

Қалбим севгинг қўйган тузоқда,  
Кўнгил зимдан сени сўроқлар.  
Тўлғанар дил кўрсам узоқдан,  
Ўртар ҳамон ўтли нигоҳлар.

Васлингни дер эрта-кеч хаёл,  
Мунча иссиқ экан юлдузинг.  
Иккимиз ҳам ишқ сеҳрида лол,  
Изҳори дил бошла сен ўзинг.

*9 февраль, 1971 йил*

## ИШҚИНГДА БАҒРИМ БИРЁН

Ишқингда бағрим бирён васлингга етмагунча,  
Сўзона бу тану жон ҳижронинг битмагунча.

Юрсам фикру хаёлинг, турсам ҳар лаҳза ёдинг,  
Қўмсар ширин мақолинг, ғамхона этма мунча.

Армон даштида зинҳор чанқоқлигим босилмас  
Лаъли лабинг зилоли ҳушим элитмагунча

Хуснингни мадҳ этурлар қанча-қанча шайдолар,  
Хушомадлар кўпидан димоғлаб кетма мунча.

Найлар офтоб жамолинг бахтимга баҳор берса,  
Ишқингда йўқ ҳаловат, тарки жон этмагунча.

## КҮЗЛАРИ ХУМОР КЕЛСИН

Боғ айлашиб, шовуллаб, тиним билмай сой оқар,  
Сен келмадинг, ҳувиллаб висолгоҳ маънос боқар.  
Сувчи йигит, хаёлинг қайтадан бағрим ёқар,  
Сойдай кўнгил ўйнайди,  
Кегмоққа дил қўймайди..

Бу соҳилда бош эгиб хаёл сураб мажнунтол,  
У соҳилда бир чинор мағрур турар кўп хушқол...  
Мажнунтолдай парижон этма ёр, кўргиз висол,  
Бўлма мағрур чинордай,  
Кўнглимни чертма тордай.

Ғазал битиб, сени деб, тунлари тикдим белбоғ,  
Ҳар нақшида меҳрим жо, гуллари ўймоқ-ўймоқ.  
Садоқатдан нишон бу, шунчалар бўлур суймоқ,  
Бунда интизорингман,  
Аҳди барқарорингман.

Хабар беринг ёримдан ўйнаб оқшом шамоли,  
Интизорлик кўйда қолмади дил мажоли.  
Осмондаги юлдузлар, айтинг мен бунда холи,  
Ёр келсин, дилдор келсин,  
Кўзлари хумор келсин.

## УЛАН

Йигит томони:

Муборакбод учун жўшиб ўлан айтай,  
Бу оқшомга ўлан тўқиб келдим атай.  
Кўнгилни тўқ тутинг қуда, ўғлон яхши,  
Сиз меҳмонсиз, мезбон бўлиб, майлар тутай.

Қиз томони:

Қўл юзида сузиб юрар тўп-тўп ўрдак,  
Қараб турсам ҳаммаси ҳам худди бирдак.  
Бу даргоҳга ақли расо келин тушди,  
Келинчакка гуллар тутинг этак-этак.

Йигит томони:

Дўстимизнинг эл олдида ҳурмати бор,  
Меҳнат қилиб адл тутган қомати бор.  
Даврада у йигитларнинг энг сараси,  
Қуралай кўз келинчакнинг омади бор.

Қиз томони:

Кўрсин барча келинчакнинг камолини,  
Тортинг кув ёр юзидан рўмолини.  
Ой чиққандек булутларни кўкда ёриб,  
Дугонамиз очиб қўйсин жамолини.

## Ғиғит томони:

Шодлигимдан қалб тўлқинин қирғоғи йўқ,  
Тўйга келган меҳмонларнинг саноғи йўқ.  
Дадил бўлинг, келин-куёв, сабрим тошар,  
Бўсанғизнинг энди тақиқ, сўроғи йўқ.

## Ҳамма:

Шу кунларга етиштирган бахт қуёши —  
Партияга раҳмат бўлсин аввал боши.  
Кундан-кунга яшнаётган диёримда  
Равнақ топсин юртнинг яна икки ёши.

## МУНДАРИЖА

Чўққиларни кўзлайди шоир. <i>Туроб Тўла</i> . . . . .	3
<b>Ассалом</b>	
Ўзбекистон мадҳияси . . . . .	7
Фонтан ёнида . . . . .	9
Дарял. . . . .	10
Фан чўққисига. . . . .	12
Баҳор ёмғири. . . . .	14
Разлив. . . . .	15
Оқ кечалар, оппоқ кечалар . . . . .	17
У ҳар ерда кутиб олади. . . . .	18
Унутилмас йил. . . . .	19
Болтиқ. . . . .	20
Лицейда. . . . .	21
Чотқол этюдлари. . . . .	23
Булоқ. . . . .	25
Қаримас кўнгил . . . . .	27
Тонг . . . . .	28
Жонажон партияга. . . . .	29
Ғолиб одимлар. . . . .	31
Яна келдинг бахш айлаб ҳузур. . . . .	32
Кремлга боқаман. . . . .	34
Тонг отмоқда. . . . .	36
Дўстларга тутаман. . . . .	38
Шоирнинг ҳадди. . . . .	39
Ялта тонги. . . . .	40
Бағишлов. . . . .	41
Кўриндинг. . . . .	42
Савол билан ташлайди назар. . . . .	44
Мангуликка парвоз. . . . .	46

Геологлар.	47
Гўзал Фарғонам менинг.	48
Ортда қолди оппоқ мақбара	50
Ҳамза.	52
Тингла, ёшлик.	53
Қўлимда олтин соп ханжар ва соат.	55
Кўз тутаман.	56
Одамлар.	57
Ватан.	58
Қанотсизга қанот бўлмасам.	59
Сайёд йўли.	60
Ташаккур.	61
Дилнавоз баҳор келди.	62
Қўш арғувон.	64
Дарахтлар ҳам дамдек тирик.	66
Сизга бўлсин.	67
Чор атрофни тўзигитди шамол.	69
Аброр оғани эслаб.	70
Лавҳа.	71
Ассалом янги айём.	72
Шайх оға хотирасига.	74
Чавандоз.	76
Майли.	77
Нашида.	78
Жиззах наврўзи.	79
Чўққилар.	82
Дамлар ва рақамлар.	84
Ер билан суҳбат.	85
Аёл қўллари	89
Авж қилсам дейман.	91
Чўққиларга чирмашур хаёл.	93
Шундандир.	94
Куз илҳомлари.	95
Эсимга солдинг.	98
Бахтим бўлсанг	100
Наманганнинг қизлари.	102
Чиндан ҳам она.	104
Қанотлан, қўшиғим.	105
Ой бориб, омон қайт.	107
Тунги лавҳалар.	108
Давра лутфи.	109
Илҳомга.	111
Омад.	113
Қунларим менинг.	114
Рухим.	115

## Очай кўнгил дафтарини

Ишон.	117
Осмон тўла юлдузлар.	118
Йўлимда гурарсан оқ қайиндайин.	119
Мен ўзим чанқоқ	121
Болалик чоғини қўмсайди диллар.	122
Тоғ қизи.	123
Тақдиримиз бир.	125
Эл севинар келди деб баҳор.	126
Ишқининг китоби.	127
Соҳилга чиқ.	128
Бирга чоғлан	130
Бағринга бос.	131
Илк муҳаббат.	132
Тингла, гўзал.	133
Қиёсинг.	134
Севги тўртликлари	135
Хаёлмиди, болмиди.	136
Билармикин.	138
Муҳтожлик.	139
Йўқ, сен айтган қушмасман	140
Қалбим менинг.	142
Қизишма, азизим.	143
Айт.	144
Эшигингда қолган ёшлигим.	145
Қўшалоқ чинор.	146
Дош бераман.	147
Қайда эдинг.	148
Мафтунингман.	150
Қўмсаб ўтай мен.	152
Йўлмасин қалбингга номард.	154
Сенсиз.	156
Зинҳор.	157

### Дўстлик тароналари

Дугоналар.	158
Қалбим ўговда қолди.	160
Тошкент оқшомлари.	161
Марҳабо.	163
Дўстлар.	165
Софиянинг фусункор қизи.	167
Боглар ошиб, тоғ ошиб.	168
Значок.	169



Самарқанд. . . . .	171
Тифлис чироқлари. . . . .	173
Мирзачўлнинг жамоли. . . . .	174

### Кўп нуқталар

Шалола. . . . .	176
Бевафо гул. . . . .	177
Гуллар ибрат бўлсин. . . . .	178
З... га. . . . .	179
Ором. . . . .	180
Ужар қоялар. . . . .	182
Учрашув. . . . .	183
Пнёдалар. . . . .	184
Майли, йўлинг бўлсин серзаҳмат	186
Арча. . . . .	187
Тушлар. . . . .	188
Табассум. . . . .	189
Умид ҳақида. . . . .	190
Кучоғингда қуёш кўрасан	191
Жилғалар. . . . .	192
Нолима. . . . .	193
Пайқаб қолдим. . . . .	195
Қоғоз орзуси. . . . .	196
Дўстимга. . . . .	197
Кўп нуқталар. . . . .	198
Ҳасад қилма . . . . .	199
Қанотлар. . . . .	200
Қуёш ва шам. . . . .	201
Шайдо бўлиб. . . . .	202
Жумбоқ табиат. . . . .	203
Езмаёқ қўяй. . . . .	205
Кўзгу. . . . .	206
Тупроқ ҳикмати. . . . .	207
Тепа ва тоғлар. . . . .	208
Уфқлар. . . . .	209
Олтин куз. . . . .	211
Мангулик. . . . .	213
Таъна қилма . . . . .	215
Тонг билан . . . . .	216
Тўртликлар. . . . .	217

### Қитъалар оша

Қалбим сарҳадда қолди. . . . .	219
Сенга талпинаман. . . . .	220

Бир сиқим тупроқ.	222
Қисмат.	228
Суронли Қоҳира.	230
Сфинкс.	232
Қизил денгизда.	234
Момбаса соҳиллари	236
Занжибар деҳқонига.	237
Удумлар.	239
Акрополь.	241
Истамбул.	243
Турк қизига.	245
Илонбоз.	247
Ҳиндистон қаршилар	249
Аграда.	251
Чандни Чўк	253
Она тупроқ.	255

### Жароҳатли йиллар назми

Оптимистик элегия.	257
Ҳамон чироқ ёнар Ленин уйида	259
Меннинг шаҳрим.	260
Дўст қабрида.	262
Кумуш соч.	263
Ажабо.	265
Иккинчи умр.	267
Она ер ва шеър ҳақида баллада.	268
Рояль.	270
У ҳамон ёш, ҳамон навқирон.	271
Қани энди.	274
Шафқатим йўқ.	276
Тарихимдан сотма сафсата.	281
Аламларни қолдириб доғда	285

### Мозий қаршисида

Шоҳизинда.	287
Регистон.	289
Гўри Амир	290
Кўҳна Кўҳак расадхонаси	292
Алишер юз тутди Самарқанд сари.	295
Афросиёб.	299
Самарқанд шайни деб.	301
Кўз ёш фонтани.	303

## Куйла дилкаш дуторим

Бўз ердаги бўз йигит. . . . .	305
Олмайсан хаёлингга. . . . .	306
Ишқим тушди, ёр-ёр . . . . .	307
Оқ олтин карвон-карвон. . . . .	309
Қаро кўзлар. . . . .	311
Куйла, дилкаш дуторим . . . . .	312
Келмасму . . . . .	313
Зар ўйнайди Зарафшон. . . . .	314
Кўнглим Қарши чўлида. . . . .	315
Азим дарё. . . . .	316
Мажнунтол. . . . .	317
Она юрт қўшиғи. . . . .	318
Келсанг-чи Гулнор. . . . .	319
Тўй алёри. . . . .	320
Таронам. . . . .	321
Кечалар юлдуз санаб . . . . .	322
Шоҳи сўзана . . . . .	323
Висол айёмидир. . . . .	324
Қайданам кўрдим сени. . . . .	325
Ўт тушди ширин жона. . . . .	326
Сен кетиб. . . . .	327
Олисдаги ёримга. . . . .	328
Мунча иссиқ экан юлдузинг. . . . .	329
Ишқингда бағрим бирён . . . . .	330
Кўзлари хумор келсин . . . . .	331
Улан . . . . .	332

*На узбекском языке*

Абидов Захиджан

## Избранное

### СТИХИ

Редактор Муҳаммад Али  
Риссом В. Слабунов  
Расмлар редактори И. Циганов  
Техн. редактор Б. Шамс  
Корректор Ш. Зухриддинов

Босмахонага берилди 19/II-1974 й. Босишга рухсат этилди 10/VI-1974 й. Формати 70 × 108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 10.625. Шартли босма л. 14,87. Нашр. л. 8,60+0,03 вкл. Тиражи 10000. P09509. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 139—73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан Янги йул шаҳридаги 2- босмахонада № 1 қозоғга босилди. Янги йул шаҳри. Чехов кўчаси. 3. 1974 йил, заказ № 84. Баҳоси 1 с. 26 т.